

**МУҲТАРАМА УЛУҒОВА**

**БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ  
СЎРОҚЛАБ**

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2015**

УЎК: 821.512.133(092)

КБК: 84(5Ў)7

У – 45

У – 45      **Улугова, Мухтарама**

Баҳор келди сени сўроқлаб. Тошкент:  
«Sharq», 2015. – 240 б.

Китоб муаллифи Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним раҳбарлигида ишлаган, ҳамфикр-ҳамкорликда кечган йиллари хотираларини кўнгил кўзгусидан ўтказиб, шоира шахсининг гўзал қалб оламини очишга ҳаракат қилади.

Ҳамид Олимжон билан Зулфиянинг бахтли турмушларига оид, шунингдек, шоира ҳаёти ва ижоди билан боглик янги маълумотлар ҳурматли ўқувчи учун кизиқарли, кадрли бўлади, деб ўйлаймиз.

ISBN 978-9943-26-280-5

**УДК: 821.512.133(092)**

**КБК: 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-26-280-5

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2015.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида**

*Бетакрор ижоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:*

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий кўмита иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита бир ой муддатда Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини юқори савияда нишонлаш

бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

– шоиранинг ўзбек тилида “Сайланма” асарларини, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган тўпламларини;

– “Зулфия замондошлари хотирасида” китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

– шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида хужжатли фильм яратиш;

– Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида “Мустақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти” мавзусида илмий конференция ўтказиш;

– мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

– 2015 йил март ойида Тошкент шаҳридаги “Туркистон” саройида зиёлилар, фаол хотинқизлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида шоира хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари кўзда тутилсин.

1. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 31 октябрь



Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллигига  
эҳтиром билан бағишлайман.

*Муаллиф*

## МУҲАББАТ ВА ҲАЁТ КУЙЧИСИ

Энг чиройли гуллардан ажойиб гулдаста тайёрлангани каби Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним табиатида ҳам ўзбек аёлининг барча гўзал фазилатлари мужассамдек эди. Шунинг учун ҳам уни кўришга, суҳбатидан баҳраманд бўлишга, тақдири ҳақида билишга кизикадиганлар ҳар доим кўп бўлган.

...Зулфияхоним “ўзбекнинг Зулфияси” бўлиб фахрланди, Зулфия сиймоси ўзбекни дунё элларига танитди. Зеро, у Ватаннинг қатор орден ва медаллари билан бир қаторда Ҳинд мазусидаги шеърлари учун 1968 йилда Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро совринга, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда тараккийпарвар Осие ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун 1970 йилда



халқаро “Нилуфар” мукофотига, шунингдек, Болгариянинг “Кирил ва Мефодий” орденига сазовор бўлган. Аммо шоира ҳаммадан кўпроқ Ўзбекистон халқ шоири унвони билан фахрланарди.

Зулфияхоним шахси, ҳаёти, ижоди, фаолияти ҳақиқатан ҳам келажак авлодларга, айниқса, ҳаёт остонасига кириб келаятган қизларга ибратга бўлишга арзигулик. Уни нафақат адабиёт ихлосмандлари, ижодкорлар, балки халқимиз севиб ардоқлайди.

Зулфияхоним Ҳамид Олимжоннинг қуйидаги ўқтам сатрларини ҳаётий шиор этиб олган каби мардона яшади:

*Розимасман бир ёш томса кўзимдан,  
Розимасман сал ранг кетса юзимдан.  
Йўл ошсам-у, сал яшашдан адашсам,  
Розимасман унда тамом ўзимдан.*

1995 йил 1 март куни шоиранинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан мухтажам “Туркистон” саройида ўтказилган юбилей адабиёт фидойилари, мухлисларининг байрамига айланиб кетганди. Юртбошимизнинг шу муносабат билан юборган табригида халқ юрагидаги эътироф, эҳтиромлар жам бўлгандек эди:



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯХОНИМГА

*Сизни, ўз элига ҳам, ўзга элларга ҳам бир-дай азиз шоиримизни асл донишмандлик фасли – муборак 80 ёшингиз билан самимий табриклайман.*

*Сиз замонамизнинг забардаст шоири ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг жарангдор овози бўлдингиз, деб айтсак асло муболага бўлмайди. Жаҳон минбарларида янграган шеърларингиз – Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолидан ноёб нишонадир.*

*Муҳтарам Зулфияхоним!*

*Сиз латиф ижодингиз билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бердингиз.*

*Ҳаёт Сизни ҳар доим ҳам аягани йўқ. Аслида бу ёруғ дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби ҳамманинг ҳам бошида бор. Доимо гам-андуҳни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланган Сиз каби аёллар жуда кам топилади.*

*Сиз Гулбаданбегим, Зебуннисо, Увайсий, Нодирабегим каби Шарқнинг буюк фозила аёллари бошлаган анъаналарни бойитиб, янги поғонага*





кўтардингиз. Меҳрибон ва талабчан устоз Зулфияхонимнинг маҳорат мактабидан кўплаб ёш истеъдодлар баҳраманд бўлдилар.

Истиқлол руҳи Сизни, ижодингизни янада яшартириб юборди. Мафтункор шеъриятингиз ёшлик нафаси билан қайта учқунланди.

Сизнинг, эл ардогидаги етук ижодкор, моҳир таржимон, атоқли ношир – муҳаррир ва жамоат арбобининг таваллуд кuni миллий байрам сифатида нишонланиши мустақил давлатимиз ҳаётида катта воқеа. Бу қутлуг сана истиқлол замонида, ёруғ кунларда ўтаётгани миллионлаб мухлисларингизнинг қувончига қувонч қўшиши жуда табиийдир.

Шундай эзгу лаҳзаларда Сизни яна бир бор чин дилдан муборакбод этаман.

Улуг халқимизнинг севимли шоираси, муҳаббат ва ҳаёт куйчисига мустаҳкам соғлик, ижод ва илҳом завқи доимо ёр бўлсин.

Ислom Каримов,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.  
1 март 1995 йил.



Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг ўша тантана минбаридан ўқиган куйидаги шеъри ҳам ғоят ўринли ва ярашимли бўлганди:

### **Зулфия опага**

*Ўтган йиллар учун чекманг хижолат,  
Узр сўрайверманг юрагингиздан.  
Хижолатин тортсин ўзи табиат,  
Табиат узрини сўрасин Сиздан.*

*Заҳматкаш, меҳнаткаш шу қалам билан  
Буюк асримизнинг Сиз ҳам нақлисиз.  
Даврга гоҳ қувонч, гоҳ алам билан  
Баҳо бермоқликка Сиз ҳам ҳақлисиз.*

*Табаррук бир ёшга етибсиз омон,  
Аллоҳим кун берса адоги бўлмас.  
Агар юракларни забт этса инсон,  
Ундайин умрнинг саноги бўлмас.*

*Қоронгу тунларда оловли сўзни  
Кимки машъал қилса, толе унга ёр.  
Бахтли аёлман деб атабсиз ўзни,  
Сиздай шоири бор халқ ҳам бахтиёр.*

Ўша кунни саҳна Зулфияхоним учун севинч, мухаббат, ҳаёт рамзи бўлган турфа гулларга тўлиб кетди. Шоира табрикларни вазминлик, хотиржамлик билан қабул қилиб, янги ёзган шеърини ўқиб берди:



Бу оқшом пориллар дил нурунғизда,  
Дийдор бахти насиб яна Сиз билан.  
Турибман, азизлар, ҳузуринғизда  
Ҳамон ўтлиг кўнгил, ёруғ юз билан.

Ҳамон мулкимдаги сийму зарим – шеър,  
Сочимда, чеҳрамда йиллардан нишон.  
Саждагоҳим танҳо Ватан, Она Ер,  
Орзуларим – карвон, сарбоним – ишонч.

Ҳамон ота-онам – икки жаҳоним  
Азиз ёди аро шикаста, бутман.  
Ишқим алангадир, қордир ҳижроним,  
Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман.

Иккита кўзимга икки қорачиг –  
Мунисим – Ҳулкарим, алтим – Омоним.  
Ширин набиралар ҳаётдан тортиг,  
Ҳар бири жонига пайванддир жоним.

Номлари, ёдлари пайгамбар монанд  
Ҳазрат устозларим – теран илдизлар.  
Мен ундан жон олиб кўқарган дарахт,  
Меваси – қалбимдан отилган сўзлар.

Ҳикматлар бағрида дур, марваридим  
Аждодларим менга ифтихор, гурур.  
Шу мавҷлардан томган нуқра умидим –  
Шоира қизларим баҳиш этар сурур.

Бу назм боғига киролмас хазон,  
Бизни маҳв этолмас завол лашкари.



*Мен кетсам, мунгаймас умрим ҳеч қачон,  
Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали...*

*Ҳамон эътиқодим – ҳақиқат, ҳақдир,  
Сўзлайман юзимни тутиб Каъбага.  
Емира олмайди ўткинчи тақдир,  
Осуда ўтади руҳим абадга.*

*Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур,  
Асли сиз офтобим, мен зиёсиман.  
Тонгларингиз кулсин дориломон, ҳур,  
Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман.*

Шоира тандирдан узилгандай кайнок, янги бу шеърини ўқиб тугатганда, кошона гулдурос қарсақларга тўлиб кетганди.

Мамлакатимиз тарихига “Аёллар йили” деб ёзилган 1999 йилда Республикамиз Президентининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти-ни таъсис этиш тўғрисидаги Фармони чиқиши шоиранинг халқимиз маънавиятини юксалтиришда алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш билан бирга унинг эл-юрт олдидаги хизматлари, гўзал фазилатлари билан янги-янги наслларни энг олижаноб хислатлар руҳида тарбиялашда авлодларга руҳан ҳамроҳ, ҳамкор эканлигидан далолат эмасми?!

XXI асрнинг биринчи чораги ўзбек адабий ҳаёти тарихига яна бир унутилмас саҳифа бити-



ладиган бўлди. 2014 йилнинг 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда шоиранинг “Бетакрор истеъдоди, Ватанга муҳаббати, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси” алоҳида эътироф этилиши; Зулфия таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида ўзбек тилида “Сайланма” асарларини, инглиз, рус ва қорақалпоқ тилига таржима қилинган шеъррий тўпламларини, “Зулфия замондошлари хотирасида” китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш; шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш; Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида “Мустақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти” мавзусида илмий конференция ўтказиш; мамлакатдаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва



олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш; 2015 йилнинг март ойида Тошкент шаҳридаги “Туркистон” саройида зиёлилар, фаол хотин-қизлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида шоира хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари белгиланиши озод ва обод мамлакатимизда адабиётга бўлган катта эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Зулфияхоним ва у каби миллат ифтихорига айланган шахслар ижоди ва фаолиятини ўрганиш, уни тарғиб ва ҳаётга татбиқ этиш, тараннум этишнинг моҳияти энг эзгу тилаklarимиз йўлларини равланштиради. Зеро, теран заковат, ёрқин истеъдод дарёларидан сув ичган келажак боғларида Зулфияхонимнинг, истиқлол насими қалбига етган ва етмаган азиз аждодларимизнинг орзулари рўёби – янги-янги иқтидорлар Ватан, халқ номини шарафлайверадилар, иншоаллоҳ.

## МУҲАББАТ САРОЙИДА МАНГУ ҚОЛГАНЛАР

Қайсидир шоир ёки ёзувчини ўзидан олдин ўтган ёки даврдош бўлган бошқа бир ижодкорга айрим жиҳатлардан ўхшатиш азал-азалдан



учрайди. Ижодкорнинг руҳияти, мавзу доираси, услуби, фикрлаши, дунёкараши... бошқа бир қалам соҳибида маълум даражада такрорланиши мумкин. Бирок ҳар жихатдан ибратга лойик бўлиб, миллатнинг энг гўзал фазилатларини ўзида мужассамлаштирган шахс сифатида тарихда қолиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Ҳамид Олимжон билан Зулфияхоним – ХХ аср ўзбек адабиётининг таниқли сиймолари. Ҳамид Олимжон шеърларини ўқиб, унинг оташин нафасидан илҳомланиб кўлига қалам олганлигини эътироф этган авлод вакилларининг аксарияти ўша аср охирларига келиб ўзбек адабиётининг устунларига айландилар.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним қарийб ярим аср давомида адабиётнинг ҳақиқий заҳматкаши, гамхўри сифатида қанчадан-қанча иқтидорларнинг рўёбга чиқишига сабабчи бўлди. Бу фикрлар адабиёт ихлосмандлари учун янгилик эмас.

Бундан ташқари халқ орасида бу икки гўзал инсоннинг худди эртақлардаги каби муҳаббатига оид гап-сўзлар оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда. Маънавият хазиналари – китоблардан эртақларни қайта-қайта ўқиш мумкин, бирок ҳозирча қўл узатсак етгудеккина бўлиб турган ХХ асрнинг биринчи ярмига дахлдор ҳаётий



ҳақиқат – Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним шахси, уларнинг биргаликда кечган ўн йилгина ҳаётлари, ўзаро муносабатлари хусусида ҳали қогозга туширилмаган хотиралар оз эмас.

Аждодларимиз дунё донишмандларига неча асрлардан буён илму урфон бобидагина эмас, энг олижаноб фазилатлар мактабида ҳам сабоқ бериб келганлар. Уларнинг ақлу шуури-ни ёритган, фикрларига магиз берган хазина халқимизни қомиллик даражасига етаклаган фазилатлардир.

1977 йилдан бошлаб то умрларининг охири – 1996 йилгача Зулфияхоним раҳбарликларида ишламоқ, хонадонларида бўлмоқ, баъзан биргаликда меҳмонларини қутмоқ, таҳрир сирларини ўрганмоқ, янги шеърларини биргаликда ўқимоқ, тонг сахарлару узун окшомларда зохирда сокин-у, ботинда дарёлар қудратига монанд суҳбатларини тингламоқ... насиб этди, Аллоҳга беадад шукроналар бўлсин! Устоз адабиёт, санъат, инсоний муносабатлар, гўзал фазилатлар, ўзлари яқиндан ва яхши билган инсонлар тўғрисида бўяб-бежамасдан, мухтасар қилиб сўзлаб берардилар, тушунтирардиларки, гап оҳангларидан, кўз ифодаларидан айтаётган ҳар бир фикрларининг самимий, рост эканлигини англаш қийин эмасди. Лекин бир мавзу-





да – Ҳамид Олимжон билан муҳаббатлари ва бирга кечган йилларидаги ўзаро муносабатлари тўғрисида ўзлари-ку сира огиз очмасдилар, агар шу ҳақда сўрайдиган бўлсак ҳам, “Бу – маним кўнгил бойлигим, у дастурхон каби ёзилавермайди”, – кабилида жавоб бўларди. Умрларининг охири етти-саккиз йилида деярли ҳар бир суҳбатда “у ёққа кетиш фурсати яқин қолгани” ҳақида гапирардилар. Бунинг учун тайёргарлик кўрардилар. Ўша кунларнинг бирида туш кўрибман: ярақлаб турган янги атлас кўрпанинг устига марваридлар сочилганмиш. Уларнинг ичида ғужум-ғужум бўлиб бир-бирига ёпишганлари ҳам кўп. Мен ўша йирик-йирик марваридларни териб оляпман, кафтимга сикқанича. Лекин кўрпа устида терилмаган анча-мунча марваридлар қолиб кетди. Уйғондим-у, дилимдан: “Зулфия опанинг хотиралари, умр йўлларидан айтиб беришлари мумкин бўлган ҳодисалар гўзал қалбларида марвариддай сочилиб ётибди, уларни териб олишга улгурмаяпмиз, кунт қилмаяпмиз”, – деган таъбир ўтди. Мана шу ҳолат ҳам сабаб бўлдию шоирани Ҳамид Олимжон билан боғлиқ шахсий ҳаётига оид айрим – денгиздан томчи хотираларини сўзлаб беришга кўндирдим ва ёзиб олиш насиб этди, шукроналар бўлсин!



Уларнинг адабий мероси ҳақида адабиётшунослар кўп ёзишган ва бу иш давом этади, деб ўйлайман. Лекин кўпчиликни қизиқтирган мавзу – Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳаётда қандай инсонлар бўлишгани, уларнинг садоқатли севгиси баён этилган каминанинг эъзоз ва ифтихор нури акс этган мазкур китобини ушбу мавзунини ёритишдаги яна бир катра сифатида қабул этгайсиз.

## ҲАМИД ОЛИМЖОННИНГ АДАБИЁТГА КИРИБ КЕЛИШИ

Ҳамид Олимжон 1909 йилнинг 12 декабрида Жиззах шаҳридаги меҳнаткаш оилалардан бирида туғилган. У тўрт ёшида отасидан етим қолиб, онаси Комила бувининг тарбиясида вояга етган.

Комила буви ўз даврининг илғор аёлларидан эди. У ёш Ҳамиднинг чин сўзли, иродали, меҳнаткаш йигит бўлиб етишуви учун бор кучини сарф этди. Уни эртак ва дostonлардаги халқ баҳодирлари, халқ орзу-умидлари, кураш ва интилишлари, меҳнат ва ижоди билан таништирди. Ҳамид Олимжон болалик кунларида тинглаган эртакларининг сеҳрли кучини хотирлаб, шундай мисралар яратган:



*Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда  
Кўп эртак эшитгандим,  
Сўзлаб берарди бувим...*

Ҳамид Олимжон бу каби асарларни фақат онасидангина эмас, балки “бойликлари умрларга тенг” бўлган халқ шоирларининг дoston айтиш кечаларида ҳам тинглаган. Унинг бобоси Мулла Азим билан ошначилиги бўлган Фозил шоир бу ҳақда шундай ёзади: “Гези-гези билан Жиззахга бориб, уларга кўнардим, бир ҳафта, икки ҳафта туриб, кадрдонларимга кўшик айтиб келардим, ўзимнинг ҳам кўнглимни ёзиб қайтардим”.

Мулла Азим ўзбек классик адабиётини яхши билган, ўзи ҳам шеърлар ёзган. У 1916 йилда мардикорликка сафарбар этилганлар қаторида Русиянинг Пенза губерниясида ишлайди. Рус халқининг илғор маданияти ва рус тилини ўрганиб келади. Бу ҳол ёш Ҳамид Олимжоннинг болалик чоғлариданок рус тилини ўрганишига, рус адабиёти намуналари билан танишувига имконият яратади.

9 ёшга кирганда Ҳамид Олимжон Жиззах шаҳридаги Наримонов номидаги тўлиқсиз ўрта мактабда, 1923 йилдан бошлаб эса Самар-



канддаги Ўзбек эрлар билим юртида ўқий бошлади.

Ҳамид Олимжоннинг 1929 йилда ёзилган “Сиёб” шеъри билан боғлиқ ёзувчи Насрулло Охундийнинг шундай хотираси бор: “Биз ҳали ёш эдик. Жума куни эрталаб шаҳар меҳнаткашлари Сиёб водийсига оқдилар. Ўзбекистон давлат педагогика академиясининг студентлари сафида Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ойдин, Ботир Ғулом, Йўксил, Назир Сафаров, Илҳом Исҳоқов, Обид Ҳамидов ва бошқалар бор эдилар. Биз билан бирга бораётган ҳурматли муаллимларимиз орасида рус тили ўқитувчимиз Квасницкий ҳам бор эди. Сафимизга Садриддин Айний кўшилганини кўриб, дарҳол унинг ёнига борди ва куюк сўрашди. Айний домла ҳар кайсимиз тўғримизда нималарнидир сўради. Квасницкий бир неча марта унинг диққатини Ҳамидга жалб қилиб, нималарнидир уқтирди. Пастда, Сиёб соҳилидаги гавжум садалар соясида мушоира бошланди... Шокир Сулаймондан кейин Боту, Ботир Ғулом, Н.Раҳим ва бошқалар шеър ўқидилар. Мушоира қатнашчиларининг юрак тўлқинлари айни авжига чиққан тобда сўзни Ҳамид Олимжонга Абдулла Алавий шундай деб берди:



– Кўп истеъдодли ёш шоиримиз Ҳамид Олимжонга диққату эътиборингизни жалб қиламан.

Шул чокка қадар анча паришон кўринган Айний домла лочиндек бир ўрнидан тирпиниб, яна ўрнида маҳкам ўрнашиб олди-да, Ҳамиднинг даврага чиқиб келишини синчиклаб кузатиб турди. Кузатаркан, унинг мош-гуруч соколлари андак титради, кўзларида севинч ёшлари ялтиради. Фақат Айний домлагина эмас, энди ҳамманинг кўзи Ҳамидда эди. Ҳамид даврага дадил чиқиб келди”<sup>1</sup>.

Ҳамид Олимжон адабиётимизга мана шундай кириб келган эди.

## ЗУЛФИЯНИНГ ИЛК УСТОЗЛАРИ

Зулфия Исроилова 1915 йилнинг 1 мартида Тошкент шахрининг Дегрез маҳалласида таваллуд топди. Унинг хотираларида ўзининг келажигига мустаҳкам тамал тоши кўйган оиласи, ота-оналари ҳақида шундай гаплар бор:

– Мен яхши оилада ўедим, ота-онамнинг беш ўғил, икки кизлари бор эди. Лекин жуда

---

<sup>1</sup> С.Азимов. “Ҳамид Олимжон абадияти”. Тошкент, 1967. Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёт. 67-бет.



тез камайиб кетдик. Мен отам билан онамни энг бахтиёр онларда эмас, ўша – оиламиз аъзолари камайиб бораётганда... қандайдир сабаблар билан кимнидир ўлим тортиб олса, бирини бошқа кучлар жувонмарг қилиб, қон йиғлатган пайтларда уларни англаб, кадрлайдиган бўлдим. Чунки ҳаёт бошларига қандай кунларни солмасин, ота-онам сира ўзларини йўқотган эмаслар. Ҳеч қачон ҳеч кимни қарғамадилар, қолганларнинг шукрини қилиб: “Худо берганини берди, Ўзи берганини Ўзи олди. Биз бандаларнинг қўлидан ҳеч иш келмайди”, – деб қаноат қилардилар.

Отам дегрез, яъни пўлат қуювчи эдилар, ўзлариям Дегрез маҳалласидан бўлганлар. Мен ўша жойда туғилганман. Кейин ўзимни таниганимда, Ўкчи маҳалласида эдик. Айтишларича, бу ерда бизнинг боғимиз бўлган экан. Ўкчида яшаганимизда тўртта акам ҳам ишлашарди, ҳам ўқишарди. Бу 1925–1926 йиллар эди.

Акмал Икромов бизнинг маҳалламизда яшарди, шу сабаблики, кўзга кўринган йигитларни танлаб, Москвага ўқишга жўната бошлади. Улар қаторида аввал Исмоил акам, кейин Нормат ва Аҳмад акамни ўқишга жўнатишди. Улардан бири Москвада музламада йикилиб, касал бўлиб қайтиб келди. Дўхтир унинг би-



лагидан кесиш кераклигини айтди. Уч-тўрт ой ётди, лекин кўлини кесишга рози бўлмади, оқибатда касаллик бутун вужудига тарқаб, вафот этди.

Онам қайғунинг ичида қолдилар.

Бувиниса деган опам бор эдилар, ниҳоятда гўзал. Юзлари тиник, оппоқ, сочлари узун. Ўша пайтда мен ўн икки, ўн уч ёшлардаман, опам эса ўн еттида. Опамни бир чиройли йигитга унаштириб қўйишди, лекин нимагадир жуда хафа эди. Куёвнинг уйи кабристонга қўшни бўлганлигидан опам ўша ерга боришдан кўркишини айтарди. Хуллас, нима сабаб бўлдики, опам касал бўлиб қолди, қорнини ушлаб, оғриқ хуружидан букчайиб турарди-да, кейин яна ишини қилиб кетаверарди. Ўшанда мен эски мактабда Акмал Икромовнинг опалари Сиддика отинойдан сабоқ олардим. Бир куни мени ўқишдан қайтариб олиб келишди, опамнинг ёнига ўтказиб, Қуръон ўқигин, дейишди. Беморнинг юзига қарашга юрагим бетламайди, тинмай Қуръон тиловат қиламан... Бир вақт онам ёнимга келиб: “Тур, кизим, сен нариги уйга чиқкин. Қуръонингни олиб қўйгин, опанг оламдан ўтди”, – дедилар.

Дафн маросими дахшатли тус олди. Тобут бир кўркам бўлиб кетди, устига паранжи, па-



лак ёпишди, ҳовлига опамнинг сепи учун тай-ёрланган ҳамма моллар ёйиб ташланди. Куёв келиб, тобутнинг бир томонини елкасига олди. Ўшанда одамлар ичида баланд бўйли, озгингина онамнинг соялари юрарди гўё...

Онажоним кечалари бизга китоб ўқиб берардилар, шу билан бир оз юпанч топгандек бўлардилар, лекин тонг отганда ўзларини қўярга жой тополмай колардилар. Ҳамон онамни согинавераман, кизим Ҳулкарнинг киёфасида онамни кўргандек бўламан, балки бу кизимнинг бўйлари баландлигидан, шу билан бирга меҳрибон, мулойим киз бўлганлигидандир...

Шундай килиб, ота-онам иккита фарзандларини ерга қўйдилар. Ўн етти яшар укам 1937 йили май ойида Пушкин кўчасида трамвайда типпа-тик кетаётганда, бошидаги дўпписи учиб кетган. Уни ушлаб оламан, деб тезкор ҳаракат қилганда, боши ўртадаги темирга каттик урилган... Уни ҳам ерга топширдилар. Онамнинг:

*Бўйига етказиб, ерга бердим,  
Гулга ўлчаб бўй ўстириб,  
Ерга берган болаларим, –*

деган мунгли нолалари юрагимга ўрнашиб қолди. Англадимки, энг яхши туйгуларнинг ҳаммаси онамнинг юракларида жам бўлган экан.





Опам ўтгандан кейин ўша унаштирилган куёвнинг синглиси Инобат опани акамга келин қилиб олдилар. “Инобатойнинг узун сочини ўрганда, қизимнинг сочини ўргандек бўламан”, – дердилар онам. Келинларини худди ўз қизларидек кўриб меҳрибонлик қилдилар.

Онам менга “Қиёматнома” деган китобни ўқиб берардилар. Кечкурунлари кўни-кўшнилар чиқишарди, “Девона Машраб”, “Сўфи Оллоёр”, “Або Муслим” деган катта-катта дастурхондай китоблар бўларди, шуларни ўқиб берардилар.

Ўн икки-ўн уч ёшимдан бошлаб онажоним ўзлари билиб-билмаган ҳолда мени адабиёт оламига олиб кирган эканлар, илк устозим онажоним бўладилар. “Ўткан кунлар” китоби янгича ислоҳ қилинган ёзувда чиқди, унияям ўқирдилар. Хуллас, китоблар оламида катта бўлдим. Бир пайтлар шундай бўлдики, “Булар диний китоблар”, – деб ажойиб китобларни ёндириш бошланди. Лекин онам уларни сақлаб қолдилар. Ёстиқларининг тагига, ичига қўйиб яширдилар. Лекин бу йўқотишлар кам экан. Нормат акам 1937 йил қатағони қурбонларидан бўлди...

Мен Сиддиқа отинойидан, у кишининг эрлари Қори акадан дарслар олдим. Юзлари нурли, салобатли одамлар эди, ҳаммани сизлаб



гапиришарди. Отинойидан Куръон ўқишни, Қори акадан Саъдийнинг “Бўстон” билан “Гулистон”и ҳақида ҳамда форс тили ва шеърятини ҳақида сабоқ олдим. Шундай бўлдики, мактабни битириб, ўзбек хотин-қизлар педагогика билим юртига ўқишга кирганимда мен билан суҳбатлашганлар тошкентлик эканлигимга ишонишмасди, чунки мен Тошкент шевасида эмас, адабий тилда гапирар эканман. Хуллас, аклимни китоблар оламида танидим. Мен учун киёфалари ҳам намуна бўлган у инсонларнинг охиратлари обод бўлсин!

## МУАЗЗАМ ШАРҚ НАМОЁНДИР

### “Ой сўзлади юлдузни тўплаб”

*Лиммо-лим қисматга бўлмаганлар ёр  
Кемтиклик ҳасратин биларми дардин!  
Қалбни беаб кетган ишқда зўр бахт бор,  
Юрак унутарми олтин дамларни?  
Аёл бахти!  
Мендай аёл бахтига  
Тақдир маликани кўрганми лойиқ?  
Халқ меҳрида, ёрман эл шуҳратига,  
Бахтли аёл деса ҳақли халойиқ...*

**ЗУЛФИЯ**



Ота-боболаримизнинг удумлари бўйича одамлар мукаддас кадамжоларни зиёрат қилишдан олдин ўзларини руҳан покламоқлари керак. Зулфия опа (бу номни қачон тилим, дилимга олсам, шуурига нур таралади гўё!) ҳақларида сўз айтмоқ масъулияти ҳам осон эмас мен учун.

Ўтган асрнинг 70-, 80-, 90-йилларида журналистик фаолиятим юзасидан республикаимизнинг узоқ-яқин қишлоқларида сафарда бўлганимда, ёши бир асрга қараб кетаётган кексалар ҳам Зулфия опани, у кишининг соғу саломатликларини, фарзандлари ҳақида сўрашарди. Балоғат ёшига етиб-етмаган қизлар Зулфия опани “бир кўрмоқни орзу қилардилар”. Зеро, ўзбек адабиётининг бу суюқ сиймоси бутун умри давомида халқу Ватанини ардоқлаб, ўзлари ҳам шунга муносиб – юрту элнинг эъзозида яшаб ўтдилар. Мен бу қуёш нури каби ҳақиқатга яна бирор янгилик кўшмогим мушкул...

Қадим-қадимдан шоирлари бисёр юртимизда юрагидан тоғ ирмоғидан оққан шалола каби шеър қуйилиб келган қизлар ҳамиша самимий ёрдам, маънавий суянчга муҳтож эканликларини ҳис этган ҳолда... Зулфия опа ҳаётлари ва ижодлари саҳифаларини, яъни жамоат арбо-



би, бағрикенг ва бутун инсоннинг босиб ўтган йўллари бариамизга ибрат учун эҳтиром билан варақлашга ижозат сўрайман...

– Бола қалби ёзилмаган оппоқ дафтар каби бўлади, – дер эдилар Зулфия опа. – Унинг онгига, тафаккурига нимани ёзсанг, шу қолади.

...Катта, боғ-роғли ҳовлимизда эрта баҳордан то кеч кузга қадар хушбўй ва хушрўй гуллар очилиб ётарди. Етти оғани оилалари билан битта ҳовлида яшардик. Гўёки ҳар битта оиланинг фарзандлари етти ота-онанинг тарбиясида, кузатувида, меҳрибончилигида улғаярдик.

...Рамазон ойларида ўртага катта дастурхон ёзиб, кўзадаги чилим сувини янгилаб, ёнғокларни чакиб, майизу узум шиниларини чиройли идишларга солиб, рўза ифторини кутиб, руҳинг тиниқлашиб, чехралар ҳам майин тортиб, ўзаро муносабатларда эзгулик барқ урар эди...

Мен онамнинг кенжаси эдим. Онам! Кўпроқ ўғил болаларни ўстирган. Ўғил бола тарбияси қийин бўлади, агар аёл кўп ўғил ўстирса, сержаҳл бўлиб қолади, деган гаплар қулоғимга чалинган. Йўқ, менинг онам овозларини сира кўтармас эдилар. Мен уларни тинглаётганимда пок, оромбахш бир оламга киргандай ҳис этар-



дим ўзимни. Ўша овоз, энди билсам, мени дунё кенгликларига бошлаган сўқмоқ экан. Агар истесьдодим бор бўлган эса, унинг чашмаси – онамдан.

Тўрт акам бири-биридан кучли, мард йигитлар эди. Тўғри, биз бой яшамасдик, осон ҳам эмасди турмушимиз, фақат гўзал, тинч ҳаёт кечирардик...

Бу ихчам хотиралар келажакда ўзбек халқини, ўзбек аёли заковатини, санъати миқёсларини элу элатларга намоён этган шоир қалбига ҳайрат, илҳом, муҳаббат, садокат учқунларини солган ҳаёт остонасининг мухтасардан-да мухтасар лавҳалари.

Шубҳасизки, бадий ижодда устозу шогирдлик тушунчасини бу сўзларнинг луғавий маъноларидан келиб чиқиб шарҳламоқ жуда қўполлик бўларди. Азал-азалдан халқимизнинг шоирлари, ҳофизлари, донишмандлари устозу шогирдлик бурчи, шарти, садокатини муқаддас санаб келганлар. Эътиқодлар юксаклиги, ҳақ йўлида хизмат қилмоқ нияти, халқчиллик, бадий жиҳатдан мукамал асарлар яратмоқ истаги устозу шогирд қўлларини, йўлларини, дилларини туташтирган. Зулфия опа ана шу бокий анъананинг зилол чашмаларидан баҳраманд бўлдилар.



– Мен жуда яхши муҳитда яшадим. Шеърятга энди кириб келганимда, шоира ва олима Музайяна Алавия менга мураббий, ҳамроҳ ва ҳамфикр бўлдилар. У киши жуда маданиятли, бағрикенг аёл эдилар. Ундан сўнг Ойдин опам Собирова доимий гамхўрлик қилдилар. Ҳозир 20–22 ёшлилар бошловчи шоирлар ҳисобланади. Лекин ўша 1930-йилларда Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон катта шоирлар эдилар. Ғафур ака, Миртемир, Ҳамид Олимжон, Уйгун, Максуд Шайхзода менга жуда якин ижодкорлар эди. Кейинчалик уларнинг сафига Усмон Носир, Амин Умарийлар қўшилди. Улар орасида битта аёл – Ойдин опам худди оға-инилари билан юргандек эдилар, уларни ҳамкасб сифатида жуда ҳурмат қилишарди. Халққа ниҳоятда якин бўлган бу ижодкорларга биз, ёш бошловчи қаламкашлар, худди ўз отамизга суянгандек суянардик ва бу ишончимиз, эътиқодимизда ҳеч қачон адашмаганмиз.

1932 йилда Зулфиянинг “Ҳаёт варақлари” номли илк шеърый тўплами ўқувчиларга тақдим этилди.

Шундай, “Чигалликлар, тортишувлар, изланишлар тўла паллада янги ва умидбахш садо, ёкимли бир соз жаранглаб” (Миртемир) ўзбек шеърятига Зулфия деган ном кириб келганди...



– 1932 йил... Бу сана менга ёш ва ўтли, шиддатли бўлиб кўринаверади. Балки ўша пайтдаги туйгуларим, кечинмаларим билан богликдир?.. Мен Ҳамид Олимжонни илк дафъа ўша йили кўрганман... Биз йигирма чоғли адабиёт ихлосмандлари семинар машғулотларига йиғилардик. Машғулотларни Ҳамид Олимжон билан Уйгун олиб боришарди. Уларнинг ўша пайтдаги фақат ўзига ишонган кишидагина бўладиган босик, мағрур, кучли қиёфаси мени ҳозиргача ҳайратга солади... Яшириб ўтирмайман, Ҳамид Олимжон илк учрашувданок кўзимдан кўнглимга ўтди...

### “СЎЗ ПОРЛАСИН МИСОЛИ ГУЛҲАН”

– Ҳозир бўй етган қизлар ота-онаси, ҳатто қариндошлари билан ҳам ўз тўйлари, тўйга мебель олиш ҳақида заррача тортинмай гаплашаверадилар, – дегандилар бир суҳбатда Зулфия опа. – Ахир, мебель деганда, энг аввало, тасаввурингда одам ухлайдиган каравот пайдо бўлади-ку!

Ана шундай, аждодларимиз гапларининг ички маънолари, мантиқи ҳам гўзал бўлган. Бу – юксак маданиятлилик белгиси. Зулфия опа одамлар билан яккама-якка суҳбатларда ҳам,



кўпчилик билан бўладиган мулоқотларда ҳам тилга гоаят эътиборлилик, нозиклик билан сўз танлардилар, бунга кўпчилик хавас қиларди.

...“Саодат” журналида ишлаётган пайтимизда ўзимиз ёзган ёки тайёрлаган материаллар Бош муҳаррир кўлидан қандай чиқишини кутиб гўё чўғ устида юргандек ҳис этардик ўзимизни. Умуман, таҳрир билан ҳам “одам бўлмайдиган” мақола, очерк, бадиий асарни фикрларини аниқ, исботли қилиб айтиб қайтарардилар. Озгина таҳрирга муҳтожларига эса қалам теккизардилар. Саҳифалар узра фақат опанинг ўзларига хос ёзувлар, тузатишлар дилни хушёр торттирарди. Айрим сўзларни жуда бепарволик билан ишлатиб юборганимизни бирдан англаб, иситма чиқиб кетарди.

Тилимизда шундай сўзлар борки, улар асл маъносидан ташқари кўчма, коса тагида ним коса қабалидаги маъноларни ҳам билдиради. Сўзнинг ана шундай ички маъноси кўпол, бепардарок бўлса, муҳарриримиз бу фикрни бошқа сўзларда ифодалашни ёктирардилар. Баъзилар бунга: “Нима бўпти, ҳар бир одамнинг, ҳар бир ижодкорнинг ўз фикрлаш, сўзлаш услуги бор. Уни ҳар доим силликлаштириб, бир қолипга тушириб бўлмайти”, – деб эътироз





билдиришлари ҳам мумкин. Тўғри, бадий асар қаҳрамонларининг ўзига хос характери, ички дунёсини очиш учун уларни ўз табиатига мос гапиртириш – ижодкор маҳоратининг белгиси. Бироқ кундалик матбуотда журналистлар тили ва услуби қанчалар ранг-баранг бўлмасин, улар ўқувчини юксак тил маданиятига ўргатишлари шарт.

Сўзда зийраклик, масъулиятлилик, унинг чуқур зохирий маънолари ва оҳанглари ҳис этгувчи қалб меҳнати шоиранинг таржималарида ҳам ярақлаб туради. Зулфиянинг Пушкин, Некрасов, Марина Цветаева, Анна Ахматова, Константин Симонов, Сулаймон Рустам... шеърятидан қилган таржималари асл нусхалар юрак тепишларига қанчалар яқин! Худди шунингдек, Зулфия опа ўз шеърларининг рус тилига ўгирилишига ҳам беҳад талабчан эканликларига кўп бора гувоҳ бўлганман. Шоирнинг анчагина шеърларини рус тилига таржима қилган Семен Липкин билан ёзишмаларини ўқиганман. Липкин юборган таржималарнинг муваффақиятсиз чикқан ўринларини кўрсатиб, шарҳлаб, унга муносиб тушадиган сўзларни кўрсатиб, шундай мактублар ёзардиларки, уни ўқиган ҳар қандай таржимон ўзига ва меҳнатига нисбатан кўрсатилган юксак ҳурматдан кўнгли



кўтарилиб, ҳакли, маданиятли, қалбни яна изла-  
нишга даъват этгувчи талабларни тан олмасдан  
колмасди, назаримда.

“Шоир сўз танлашда хато қилса, унинг  
фикрлари ҳам хато гапира бошлайди. Вахо-  
ланки, қандай бой хазина, сўзлар жавохири  
хазинаси бизга мунтазир бўлиб турибди! Бах-  
тимизга, келажакдаги куралимиз мана шу  
халқ тили деб аталган хазинада тургани билан  
зангламайди, факат пешланиб, ўткирлашиб  
бораверади-ю, лекин бундай ўй билан ўзни  
оклаш ҳам шеъриятга фойда келтирмайди”, –  
дея Зулфия опа доим таъкидлаб келганлар.

Баъзан йиллар, гоҳида мансаб ёки бойлик,  
баъзан эса носоғлом муҳит одамларнинг ўз-  
ўзига талабчанлигини йўқотиб боради ва бу  
йўқотиш кўпинча тилга эрк бермоқдан бош-  
ланади. Зулфия опанинг эса ҳамиша мухта-  
сар ва мунаввар суҳбатларидан кўнгил бойиб  
қайтаркан, ўйлардим: “Бу қадар мустаҳкам,  
муаззам маънавият дарахтининг илдизлари сув  
ичган чашмалар қайсилар экан?”

“Кўлида кизғиш чўғ жилмайиб турган  
ота”нинг гоят талабчан, викорли меҳрими?  
Қизининг қалбида “жаҳонни кўзга кенг очув-  
чи, инсонни гўзаллик сари етакловчи шайдолик  
хиссини” уйғотган она – “остона хатлаб кўчага



чиқмаган аёл” айтган қўшиқ, афсона, дostonу эртакларми? Ёхуд қизалок Зулфияга араб ёзувида ёзишни ва ўқишни ўргатган, мусулмон қизларининг одобу ахлоқи қандай бўлиши ҳақида илк сабоқларни берган Акмал Икромовнинг опаси – фариштали Сиддиқа отинойи ва у кишининг турмуш ўртоғи – илм, нафосатга ташна ёш қалбни Саъдийнинг “Гулистон”у “Бўстон”ига олиб қирган Қори аканинг қутлуғ нафасларими? Буларнинг ҳаммасини ўзбек халқининг кадриятлари деб аталмиш кўхна маънавий меросимиз умумлаштиради. Ундан баҳраманд бўлганларгина она тилини нондек азиз билишлари мумкин.

– Одамлар ҳар қандок муаммони бир-бирларини камситмасдан, дилини оғритмасдан хал этишлари мумкин. Ошкоралик бир-бирининг дилингга тиғ санчиш эмас, – дегандилар устоз бир гал ёзувчиларнинг катта мажлисидан кейин.

Бу гапга қўшиладими, йўқми – ҳар кимнинг ихтиёри. Лекин шундоқ ҳам осон кечмайди дилларимиз ўйлаб-ўйламай айтилган сўзлардан жароҳатли эканлиги, катта мақсадлар йўлида бирлашмоғимиз шарт бўлган қўлларимизни суяксиз тилларимиз ажратиб, кучимизни парчалаб ташлаши мумкинлиги, афсуски, ҳақиқат.



## “ИНСОН ҚАЧОН КЕТГАН ЕРДАН УЗИЛИБ?”

– Шеър одамнинг ташки оламдан олган таасуротлари билан юрагидаги ҳис-туйғуларининг коришиғи меваси. Агар юрагингда эзгулик бўлса, эзгулик, ва аксинча, риё бўлса, риё туғилади! – бу Зулфия опанинг, шу билан бирга Зулфия опанинггина фикрлари эмас.

Менинг ҳамфикр дугоналарим, яъни Зулфия опа билан бирга ишлашга, суҳбатларидан баҳрамандликка муяссар бўлганлар хамиша елкалари мағрур, баланд ва тик коматли, ҳам-суҳбатининг кўзига жиддий тикилиб сўзлайдиган, умр ва табиат фаслларининг ҳар бирида кийган либосларигача ўктам ва чиройли устознинг одамийлик фазилатларига қойил қолиб келганмиз.

“Фақат битта истагим бор: бугуннинг аёллари икир-чикир, майда туйғулардан баландрок бўлишини хоҳлардим”, – дегандилар бир суҳбатларида. Бу гапни жуда кўпчилик айтган, ҳамон айтилмоқда ва келажакда ҳам тилдан тушмаслиги аён. Лекин айтмоқ бошқа, унга амал қилиб яшамок ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева:



– Бир пайтлар, яъни ўтган асрнинг 70-йилларида, беморхонада оғир аҳволда ётиб қолгандим. Кейин билсам, менинг соғайиб ҳаётга қайтишимдан шифокорларнинг ўзлариям умид узиб қўйишган экан. Бундан хабар топган Зулфия опа касалхонага редакция ходимларини юборибдилар. Ўзлари келиб аҳволимни билибдилар. Бир ноёб дорини фақат Москвадан топиб келиш мумкин экан. Соғликни сақлаш вазири билан гаплашибдилар, ўша дори бир кун ичида олиб келинибди. Шу тариқа Зулфия опа ҳамда шифокорлар сабабчи бўлиб, янгидан ҳаётга келдим. Соғайиб чиқарканман, Шеманская деган врач: “Зулфия сенинг киминг бўлади?” – дея сўради. “Устозим”, – деб жавоб қайтарганимда, улар устознинг бу қадар меҳрибон, жонкуярлигига ҳайрон қолишганди...

Журналист Раҳима Шомансурова:

– “Саодат” журналининг 50 йиллик юбилеи нишонланаётганди. Ўша кунларда собик Иттифокнинг республикаларидан келган меҳмонларнинг ресторанда уюштириладиган нонуштасига мен масъул эдим. Рўйхатда ўттиз иккита меҳмон кўрсатилган. “Ўттиз уч кишилик нонуштага пул ўтказиб, ўзингиз ҳам уларнинг қаторида тамадди қилаверинг”, – дедилар Бош муҳарриримиз. Ахир, менинг бир чекка-



да бошкаларнинг еб-ичишларини кузатиб ўтиришим ҳам чиройли эмас-да! Лекин Зулфия опа биринчи кундаги нонуштага келдилар-да, менга сўзсиз сабоқ бердилар: ўзлари ва мен учун – икки кишининг нонуштасига ҳақ тўлаб кетдилар. Зулфия опанинг табиатида инсон шаънини хиралаштириши мумкин бўлган жамики шахсий манфаатларга мутеликдан ғолиб бир устуворлик, улуғворлик бор эди. Бу фазилат кимларни гўзаллаштирмайди!

Озарбайжон Республикасининг Нахичеван туманида Зулфия опанинг номини шарафлаб ота-оналари бир кизалокқа Зулфия деб ном беришган ва хатлар ёзиб туришарди. Зулфия опа кизалокқа атлас кўйлакчалар тикдириб юборардилар. Кичкина Зулфиянинг тугилган кунларини совғасиз қолдирмас эдилар. Энг ажабланарлиси шуки, жуда муҳим, катта ишлар орасида ҳам бу кизгинани йўқлашга жуда куюнчаклик билан киришардилар.

“Саодат” муҳарририятига Зулфия опа номларига ҳар куни ўнлаб, ҳатто юзлаб хатлар келарди. Улар билан танишиб, жавоб ёзмокқа ишхонада вақтлари етишмаганлиги сабабли уларига олиб кетардилар. Хатларга ўзлари ёки бирорта ишончли ходимга тайинлаб жавоб йўлламагунча (лекин бошқа одам ёзган хатни



хам ўзлари, албатта, ўкиб чиқардилар) кўнгиллари тинчимасди. Аслида эса бу олижаноб инсоннинг меҳридан, меҳрибонлигидан паноҳ излаб ва мадад умидвор бўлиб келганлар, мактуб йўллаганлар жуда кўп эди. Шу ўринда Зулфия опага келган бир мактуб ва унга Зулфия опа йўллаган жавоб хатидан парчалар келтирмоқчиман:

*“Ассалому алайкум, Зулфия опа!*

*Сизга бу хатни йўллаб қолувчи Жиззах вилояти Зомин туманида истиқомат қилувчи Латипова Мавлуда. Агар эсингизда бўлса, сиз Зоминга келганингизда, бир шахсий савол билан юзланган эдим. Ўзимни таништирай: болалар богчасида тарбиячи бўлиб ишлайман. Онам йўқ, ёшлигимда вафот этиб кетганлар. Ҳозиргача отамнинг тарбияларида яшаб келмоқдаман. Мен қорақалпоғистонлик кўзи оғиз бир йигитга кўнгил бердим, у билан умрбод яшамоқчиман. Барча яхши-ёмон кунига шерик бўлиб, уни бахтли қилмоқчиман ва бу йўлда барча қийинчиликларга тайёрман, деб ўйлайман. Зулфия опа, сиз берган маслаҳатингиздан кейин мен уйдагиларни кўндирдим. Бу гапларни дадамнинг ўзларига айтишга уялдим, шунинг учун хат орқали кўнглимдаги гапларимни баён этдим.*



Дадам розилик бердилар, ноябрнинг охирида тўйимиз бўлади.

...Бир умр севмаган кишинг билан азоблангунча, севганинг билан чеккан азобларни бахт деб биламан. Бир умрга севган кишингга азизлигингни, кераклигингни сезиб, унга мадад, қувват бўлишдан ортиқ бахт борми?!"

"Мавлудахон, менинг жасоратли, олижаноб қалбли қизим Мавлудахон, салом! Мактубингиз мени жуда хурсанд қилди. Мавлудахон, негадир ўша куни ҳамма масала худди шундай, биз истагандай тугашини сезиб турганди юрагим. Чунки сизнинг қалбингиз амри ҳақиқий инсоний туйғулар билан тўла: олижаноблилик, меҳр ва муҳаббат деб аталмиш бу эзгу туйғулар, истақлар, интилишлар олиб келганди Сизни менинг ёнимга! Мен ўша куни Зоминга борганимдан, Сиз билан рўбарў келганимдан ниҳоятда мамнунман. Ўшандан бери Сиздан хабар кутдим, тақдирингиз ҳақида ўйладим.

...Жасоратли қизим, муҳаббатингиз тантанаси билан чин юракдан табриклайман! Сизнинг бундан кейин ҳам жасоратлар, ирода талаб қиладиган жуфт ҳаётингизга қудрат, бахт тилайман!

Жонгинам, жасурам Мавлуда! Сизга дилингиз танлаб олган Зиёвуддинингиз муборак





бўлсин, бир умр у Сизники, Сиз уники бўлиб, бир-бирингизга суюнч, нур, икки танда бир тўлиқ ҳаёт бўлиб яшанглар. Ҳаётда – ҳамма-нинг кўзида мағрур, бошингизни баланд кўтариб юриб ҳаёт кечирингки, Сизга ҳайрон қолсинлар, табиатнинг ўзи ҳам тасаннолар десин.

Ҳайр, жоним, шафқатли отангизга мендан салом ва ҳурматимни топширинг... Мен Сизни тўйингиз билан табриклаганларнинг энг самимийси, энг қувончлисиди сифатида Онадай пешонангиздан ўтиб, ёрқин бахту саодат йўлига кузатган ҳис этаман ўзимни.

Тонг отди, ҳозир хизматга боришим керак. Сизга ҳам яна бир тонг муборак бўлсин. Сизни ўтиб, пешонангизни силаб,

*опангиз Зулфия”.*

Икки саҳифани тўлдириб, тонг олдида ёзилган бу жавоб мактубини ўқиганим сайин юрагимдаги миннатдорлик тўлқини кўзларимга уммон бўлиб келаверади. Биламанки, Зулфия опанинг бир бадий асарга бахш этгулик қалб кўри, меҳр ва масъулияти билан ёзилган мактубларини олганлар неча ўнлаб топилади. “Бир кўнгилни обод этмоқ савоби Маккаи мукаррамани зиёрат этмоқнинг савобидан ортиқроқ”, – дейдилар. Бир умр уйини обод этмоқ, бир



такдир йўлини равшанлаштирмоқ, бир адашганни меҳр билан йўлга солмоқ, бир иложсизга шафқат ва гамхўрлик кўлини узатмоқнинг савобу қиммати қандай мезонлар билан ўлчанаркин?

Дарвоқе, тўйларидан сўнг Мавлуда кутилмаганда Зулфия опага қўнғироқ қилиб, Тошкентга келганликларини (Зиёвуддинга пойтахтдан иш топиш мумкин эди), кўрлар жамиятига бориб, бошпана сўраганликларини, лекин у ердагилар ёш келин-куёвларга умуман ёрдам беролмасликларини айтишганини билдирди. “Ҳозирок бизнинг уйга келинлар”, – деб таклиф қилдилар Зулфия опа. Мавлуда ва Зиёвуддиннинг тезда ётоқхонага жойлашишларига ва сал ўтмай уйли бўлишларига ёрдам бердилар. Ҳозир улар ўзларидан кўпайишиб, неварачеварали бўлиб кетишган.



## ШЕЪРИЯТ – ҚАЛЬ СУРАТИ

**“Сиз нақадар истеъдодлисиз, табиатдаги  
бокиралик, маънавий гўзаллик туйғуси...  
Сизда нақадар кўп сақланган”.**

*Қайсин Қулиев*

Зулфия номини эл аро унинг шеърияти нечоғлиқ улуғласа, унинг ягона мухаббатига ва умр йўлдошига садокати, поклиги, бардошлилигини ҳам халқимиз бундан кам ардоқламайди. Аммо ҳайратланарлиси шундаки, вафо китобини бир умр ҳаёт сатрлари билан тўлдириб яшаган Зулфия опа турмушда адашган, алданган ва ҳатто хато қилган аёлларни ҳам ҳамдардлик билан англашга, тушунишга ўргатардилар. Эсимда, “Саодат” журнали муҳарририятига шоира дугоналаримиздан бири ҳақида хунукрок гап етиб келди. Зулфия опа уни эшитибок:

– Ўзи бусиз ҳам кўпчилик ижодкор қизларимизнинг бахти кемтик. Агар уларнинг номига доғ туширадиган гапларни кўтариб юрадиган бўлсак, бу ерда бизга ўрин йўқ, – дея суҳбатни шартта кесиб қўйгандилар. Кўпчилик эътикод қўйган инсон, одамларнинг ишини ва бошини қовуштирадиган шахе мана шундай – майда-чуйда иғволару фиск-фужурлардан юк-



сак туришининг кимматини кейинроқ англадим. Кейинки, ўзи юраги қон бўлиб юрган аёлни ҳамжинслари мажлисга солиб беобрў қилмоққа уринганларида, унинг ўн йиллар олдинги оилавий бахтсизлигини юзига солиб, томоша қилмоқчи бўлганларида ва аёл ўша пайтгача қалбида элдан яшириб юрган дардларини айтиб йиғлагандан сўнг мажлис ахли гўё кўнгиллари ўрнига тушгандай тантана билан тарқалганларини кўрганда алам ва изтироб билан англадим...

Шеърятдай илоҳий неъматга қўл урмоқ ва унга дохиллик ҳам жисман, ҳам маънан, ҳам руҳан пок-покиза бўлмоқни тилайди. Табиати, ҳаётни, одамларни, ўз кўнгил мулкани фақатгина эзгу туйғулар билан кузатиб куйлаганликларидан Зулфия опанинг сатрларидан осмонлари мовий тонгларнинг нафаслари, насимлари, даъватлари келади. Ҳаётда нималар бўлмайди, шоиранинг инжа қалбини ранжитганлар ҳам бордир, аммо... унинг кимдандир қасд олиш учун тизилган бирорта ҳам сатри йўқ. Зеро, шеърни элга тақдим этдингми, энди у элники, ўқиганники, англаганники. Шунинг учун у ижодкорнинг шахсий ожизликларини манфаатлари қобиғини ёриб чиқиши шарт!



## “БАРЧАСИНИ БЕРАЙ ҚИЗЛАРГА”

“Зулфия опа неча ўн йилликлар давомида хотин-қиз ижодкорларни “Саодат” журнали атрофида жипслаштириб, улар орасида Ёзувчилар уюшмаси бажариши керак бўлган ишларнинг ҳам бир қисмини амалга ошириб келдилар”, – деган эди журналистлардан бири. Айни ҳақиқат. Бу ҳақиқат исботини жуда кўп аёл ижодкорлар ўз тақдирлари мисолида кўрдилар.

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида “Саодат” саҳифаларида босилган шоира Мукаррама Муродованинг туркум шеърларининг ҳаммасини биз ёшлар деярли ёдлаб олгандик. Унга Зулфия опа жуда қайноқ меҳр ва қувонч билан сўзбоши ёзгандилар. Кейинчалик билдикки, Ўзбекистоннинг чор тарафидаги шеър ихлосмандлари кўнглига Мукаррама Муродова номи ва шеърияти ўша шеърлари орқали жўшқин ирмоқдай кириб борган экан. Кейинчалик Фароғат Камолова, Қутлибека Раҳимбоева, Дилбар Ҳамзахўжаеваларнинг “Саодат”да босилган ижод намуналари ҳам адабиётимизга ҳақиқий янги иктидорлар кириб келганидан дарак берди.

Мухарририятга ҳар куни оқиб келадиган юзлаб машқлар, ўзлари: “Шеър ёзгандим”, – дея



тортиниб машқларини ташлаб кетадиган кизлар ичра бир умидлисини учратсалар, Зулфия опанинг худди денгиздан гавҳар топган каби қувонганлари, хайратланиб сўзлаганларини кўп учратганмиз.

*Мен эсам, шу куйни нақ ўзим битгандай,  
Келажак минг йиллар ўрқачин ўтгандай  
Қувонарман!*

Қўконлик Дилбар Ҳамзахўжаеванинг гўёки нурлар шовиллаши эшитилиб турадиган сатрларини жуда кўп такрорлардилар. Биз, Дилбарнинг тенгдошлари, шундай ажойиб шоира дугонамизни йўклашни кўпинча ёдимиздан чиқарардик, лекин Зулфия опа тез-тез: “Ҳай, Дилбар каерда, нега ёзмаяпти, топиб гаплашинглар”, – деб суриштирардилар.

Ёш ижодкорлар учун Зулфия опанинг салобатларини енгиб, ўзи ёзган машқларини ўқиб бериш осон эмасди. Аммо... у киши каттами, кичикми – ким шеър ўқиса, бир кизикувчан мухлисга айланар эдилар. Ҳамон кўз ўнгимда: Хуршид Даврон, Усмон Азим, Муҳаммадҷон Раҳмон каби шоирлар шеъриятимизга журъат билан кириб келган 1980-йиллар остонаси. Зулфия опа эрталаб ишхонага хаяжонланиб кириб келардилар-да, тўғри шеърият ҳақида фикрла-



шиш мумкин бўлган ходимлардан бирининг ёнига кириб, бу кеча янги ўқиган тўпламлари тўғрисида тўлиб-тошиб гап бошлардилар.

– Ишкилиб, ёмон кўздан асрасин, – дердилар оналардек меҳр билан. Сўнг илтимос ва истак орасидаги бир оҳангда кўшиб кўярдилар: – Мен шу шоирни бир кўрай...

Зарур пайтда қанча ёш шоирларга оқ йўл тилаб, унинг қалбидаги тортинчок умидни қатъий ишончга айлантирганлар – бунинг саноғига ўзлариям етмаган бўлсалар керак. Лекин ўша тилакларни жонлантириб, жилолантириб турган битта хислат: катта шоирнинг ўзбек адабиётида янги чечак каби уйғонган яна бир истеъдоднинг муваффақиятларидан самимий қувончлари, умидлари, тилаклари рост бўларди.

Зулфия опа умрларининг охиригача ёшлар шеъриятига эътиборли бўлдилар. Ҳалима Аҳмедова, Зебо Раҳимова шеърларини жуда яхши кўрардилар. Адабиётимизга “бир-бирига ўхшамайдиган” ажойиб ёшлар кириб келаётганлиги ҳақида нигоҳлари нурланиб, овозлари товланиб сўзлардилар. Бир умр шундай бўлди. Зеро, Зулфия опанинг ёш ижодкорларни бағрикенглик, ифтихор, меҳрибонлик билан қўллаб-қувватлашлари элнинг кўз ўнгида эди.



## ЎЗИМ МАРҒИЛОНДА, КЎНГЛИМ ТОШКАНДА ЭДИ...

Уламолар айтадиларки, банда ўзи ва ўзгалар учун қанча яхшиликлар, эзгуликлар тиласа, Аллоҳ унинг муродини беради, иншоаллоҳ.

Оддий ишчи оиласида ўсган, Марғилоннинг ҳамма кизлари қатори ўқишдан бўш вақтларимни дўппи тикиш ва уй юмушлари билан ўтказган... фақат орзулари кўтаринки, бу орзулар шу қадар баландпарвоз эдики, уларни бировга айтишга ҳам журъат этолмайдиган ёш қалб эдим. Ўрта мактабни битирган кунларим дадам оғир дарддан вафот этдилар. Отажонимнинг: “Онанингиздан узоққа кетманг”, – деган гапларини дилимга тугиб Мирзо Улугбек номидаги Фаргона давлат педагогика институти (ҳозир университет)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини фақат аъло баҳолар билан – кизил дипломга битирдим. Марғилонда беш йил ўқитувчилик қилдим. Аммо жисмим Марғилонда-ю, фикру хаёлим Тошкентда – қайноқ адабий муҳитда эди. Кўпинча ўзим ишлайдиган педагогика билим юртидан бир кунгина жавоб олиб, поездда Тошкентга келардим. Газета, журналларнинг муҳарририятларига киришга журъатим етарди ёки йўқ... Қолаверса,





уларнинг бирортасида мени танийдиган одам ҳам йўқ эди. Лекин бу келиб-кетишларнинг оқибати нима бўлишидан катъи назар, худди бир рухий қувват олган каби она шахримга қайтардим, йўл-йўлакай дилимга шеър қуйиларди...

Оиламиздагилар, айниқса, онам менинг ижодга талпиниб турган калбимни тушунардилар. Бошқа ишлар, ташвишлар ичида банд бўлсам-да, уларнинг ҳаммаси мен учун иккинчи даражали эди.

Бир гал “Саодат” журнаliga келганимда шеърлар қолдирдим. Икки ойлар ўтиб, яна Тошкентга келиб, журнал муҳарририятига қўнғирок қилганимда, ходимлар шунака яхши муомала билан кутиб олдиларки! Муҳарририятда ҳам мени худди интик бўлиб кутиб турилган меҳмон каби қаршилаганларидан ҳайрон эдим. Кейин бош муҳаррир – Зулфия опанинг хоналарига таклиф қилишди. Эшикни очиб салом берсам... ҳали-ҳануз кўз ўнгимдан кетмайди: Зулфия опа (охиратлари обод бўлсин!) ҳеч кимникига ўхшамайдиган меҳрли, тийрак нигоҳларини тикдилар-да:

– Ҳа, “Қатим тортар кизгина”! – дедилар.

Аввалги келганимда бирров кўришгандик. Шундай бўлгандики, ўшанда мен муҳарририятга



айни журналнинг навбатдаги сони босмахонага топшириладиган кунда келган эканман. Қабулхонада уч киз тургандик, Зулфия опа ичкаридан чиқиб келдилар-да, “Сизлар менинг олдимга кирмокчимисизлар? Ҳозир учалангиз билан гаплашгани икки дақиқа вақтим бор”, – деб ичкарига таклиф этгандилар. Мен шеърларимни стол устига колдириб, йикилиб-туртилиб кетмаганимга шукр қилиб чиқиб кетган эдим. Кейинчалик, ўзим “Саодат” муҳарририятида ишлаганимда, журнал нашриётга топшириладиган кунда бўладиган ишлар, уларнинг қанчалар тезкорлик ва зийраклик талаб қилишини кўргач, Зулфия опанинг ўша илк учрашувимиздаги “..Учалангизни билан гаплашгани икки дақиқа вақтим бор”, – деганларининг сабабини тушунганман...

Шундай қилиб, иккинчи бора учрашувимиз мен учун неча йиллар кутилган орзунинг рўёби учун йўл очди. Зулфия опа худди ўз фарзандларини кўз-кўзлагандай хонама-хона таништириб юриб, ходимларга менинг шеърларим хақида яна гапирдилар. “Яна” дейишимнинг боиси шуки, бу гапларни аввал ҳам ҳаммага айтган эканлар. Ҳаттоки машқларимдан айрим сатрлар, бандларни ёдлаб олиб, ўзимга ўқиб берардилар. Ўша пайтда энди... мени кўяверасиз, ҳаттоки



энг юксак орзулар қанотида ҳам бу қадар бахтиёр бўлмаганман.

Кейин хоналарида ўзим билан ёлғиз гаплашдилар, оиламиз, ота-онам ҳақида сўрадилар. Сухбат охирида:

– Менга нима гапингиз бор? – деб савол бердилар.

Савол шу қадар самимий, чин дилдан эдики, беихтиёр кўнглим тубидаги ният қалқиб чиқди:

– Тошкентда, ижодий муҳит бағрида ишлагим келади.

Тўғриси, бу ниятимни айтишга айтдим-у, лекин амалга ошиши жуда мушкулдай эди. Чунки ўша пайтгача вилоятимизда чиқадиган “Коммуна” газетасига катнаб, котиба вазифасига бўлса-да ишга олишларини сўраётган, бир неча йилдан буён мана шу истагимга ҳам етолмаётган эдим. Орадан тўрт ойлар ўтиб, (дарвоқе, бу орада “Саодат” журнаliga уч-тўртта мақола ёзиб жўнатдим, улар босилиб ҳам чиқди) 1977 йилнинг 10 февраль куни Марғилондаги ишхонамга “Саодат” журнаlining масъул котиби Эркин ака Маликов кўнғирок қилиб:

– Муҳтарама, мен Зулфия опанинг номларидан телефон қияпман. Агар Тошкентда ишлаш орзуингиз бўлса, ҳамма ҳужжатларингизни олиб, бизнинг ишхонага келинг, – дедилар.



Ўшанда онажоним олтмиш беш ёшда эдилар. Мендан катта ҳамма акаларим уйланган, опаларим узатилган. Оила куриш навбати менга келиб тўхтагани. Қолаверса, акаларимнинг иккаласи ҳам алоҳида уй қилиб чиқиб кетишган, ҳовлимизда онам, мен ва синглим яшардик. Бундай вазиятда, яна... аксарият одамларнинг фикрича, айти турмуш куриш ёшида бўлган қизни пойтахтга жўнатиб юбориш онам учун оддийгина ҳал қилинадиган масала бўлмагандир. Лекин онажоним: “Зулфия опа (аслида онамнинг ёшлари Зулфия опадан улуғ эди) чақирган бўлсалар, у кишига йўқ дея олмаймиз. Майли, боргин”, – деб рухсат бердилар.

Неча йиллар давомида дилимда етиб бўлмасдай туюлган орзу йўлига кириб келишим ана шундай бўлганди. Мухими, ўша самимий суҳбат боис Зулфия опадек ажойиб, покиза, бебаҳо инсон раҳбарликларида ишлаш насиб этди.

Адабиёт оламида, журналистикада менинг ўрним, эҳтимол, тилга олишгаям арзимас. Шу нуктаи назардан ёндашиладиган бўлса, юкоридаги сатрларни ёзиб ҳам ўтирмасдим. Лекин биргина менинг эмас, 1960–1970–йилларда ада-



биётимизга кириб келган кўпгина қизлар, аёлларнинг ҳаётидаги бурилиш нукта устоз Зулфия опа билан танишувдан, у кишининг назарига тушишдан бошлангани сир эмас.

Тилагим: дилларимиз ҳамиша яхши ниятлардан мунаввар бўлсин. Аллоҳ уларнинг ижобатини берсин, ўзи азиз айлаган одамларни эзгу ниятларимизга йўлдош қилсин!

## ТИЛ ВА ДИЛ БИРЛИГИ

Зулфияхонимнинг “Саодат” журнали муҳарририяти ходимларига карата: “Аёлни тушунмайдиган, қўллаб-қувватламайдиган, зарур бўлса, уни ҳимоя қила олмайдиганларнинг бу даргоҳда ишлашга ҳақи йўқ”, – деган гапларини кўп жойларда такрорлаганман. Бу фикрнинг исботини бевосита ўз тақдиримга дохил воқеада кўрганман.

...1982 йилнинг охирига ҳафтасида босилган сониди “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ўз муаллифларидан йил ғолибларини эълон қилди, уларнинг орасида менинг номим ҳам бор эди, ўша йили босилган иккита шеърим туркумим эътироф этилганди.

1983 йилнинг 2 январь куни газета муҳарририятига миннатдорчилик билдириш учун



бордим. Йўлакдан ўтиб борарканман, адабий ходим чакириб колди. Унинг хонасига кирдим.

– Кўшиқ хакида давом этган баҳс-мунозараларга яқун ясаяпмиз, – деди у. – Кичкинагина мақола сиғадиган жойимиз бўш, шунга бирор нарса ёзиб беролмайсизми?

Мен санъатга, хусусан, кўшиқчиликка оид мақолалар ёзиб турардим, лекин бунака кичик ҳажмли материалим йўқ эди. Шунга айтдим. Ходим эртагача балки бирор нарса ёзиб беришим мумкинлигини сўради. Шунда айни мавзуда битта катта мақолам борлигини, агар ундан бирор парчани олиб олиш мумкин бўлса, эртага олиб келишни ваъда қилиб, унга кетдим. Мақолани ўқиб карасам, бир кўшиқ хакида ёзилган жойини мустақил тарзда газетага босиш мумкиндай туюлди. Унда овозлари кўнғироқдай иккита аёл санъаткор ижро этган “Ёр келур” кўшиғи матни танқид қилинганди. Айниқса:

*Бағрига бош қўярман.*

*Тўйиб-тўйиб суярман.*

*Жондан азиз ёримнинг*

*Дийдорига тўярман –*

сатрлари... Менинг назаримда, шунчаки оҳангош сўзлар тизмасидан иборат бўлган бу шеър



жуда саёз ва жўн эди (таъкидлайман, менинг фикримча!). Унинг муаллифи ким эканлигини билмаган, эътироф этмаган ҳолда (ўша пайтдаги машҳур кўшиқчи шоирлардан бири ёзган бўлса керак, деб ўйлаганман) шеърни заҳарханда билан беаёв “савалаганман”. Мана шу парчани ходимга қолдириб кетдим. Орадан икки кунгина ўтиб, яъни жума куни ишга келсам, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг бош муҳаррир ўринбосари мени йўқлаётганини айтишди. Унга қўнғирок қилсам, ёнига боришимни сўради. Ўринбосарга кўзим тушган заҳоти унинг авзоини кўриб: “Ишқилиб, тинчликмикин?” – деган фикр хаёлимдан ўтди. Чақирилишим сабабини жуда тез билиб олдим.

– Кимнинг шеърини танқид қилганингизни биласизми? – деб сўради муҳаррир ўринбосари.

– Бирорта кўшиқчи шоирники бўлса керакда, – дедим ишонч билан. Ҳақиқатан ҳам шундай фикрда эдим, чунки ўша пайтларда кўшиқбоп шеърлари билан танилган уч-тўртта муаллифлар машҳур эди.

– Фалончининг шеърлари экан-ку! – деган ахборот гўёки электр токи каби бошимдан киради, бутун вужудимни силқитганча оёқларимдан чиқиб кетди.



– Энди нима бўлади? – дедим кўрқув ичида. – Мени жазолашадими?

Бу хотираларни ёзиш ҳам, ўқиш ҳам бугунги кун нуктаи назаридан шунчаки ёддан чиқмайдиган воқеани сўзлаб беришдек туюлиши мумкин. Аммо, азиз ўқувчи, агар айти ўша мақола чиққан пайтида унда шеър танқид қилинган шахс мамлакатнинг биринчи раҳбари эканлигини тасаввур эта олсангиз, менинг ўша пайтдаги ҳолатимни озгина бўлса-да англашингиз мумкин. Бу кўшиқ матни унинг Иккинчи жаҳон уруши даврида босилиб чиққан шеър тўпламига киритилган бўлиб, таассуфки, бундан нафақат мен, балки “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг барча ходимлари ҳам беҳабар эканлар.

Хуллас, бир замбил лойга айланиб, ўша лаҳзаларда бутун Ўзбекистон менга кўлини бигиз қилиб тургандек ҳис қилдим ўзимни.

– Майли, бориб ишингизни қилаверинг, – деди Бош муҳаррир ўринбосари. – Бу ҳақда ҳар кимлар билан гаплашиб юрманг.

Чиқиб кетдим. “Саодат” муҳарририятига етиб келганимда... йўлақдан ўтиб борарканман, айримларнинг бошқача нигоҳларини ҳис этмасликнинг иложи йўқ эди. Матбуотда бир яхши мақола ёки асар босилса, баъзан уни ким-





лар сезиб, кимлар сезмай қолиши мумкин. Лекин ҳамкасбларимнинг кўпчилиги битта хонага йиғилиб олиб, столга газета ёзиб, унга бирдек эгилиб ўқишаётгани, шивир-шивирларидан билдимки... бу янгиликдан ҳамма хабардор, менинг мақолам барчанинг диққат марказида!

Бир пайт Зулфия опа ишга келдилар, лекин мени ёнларига махсус чақиртирмадилар. Мухарририятдаги ўзимизнинг ишимизга тааллуқли масала билан хоналарига кирганимда, “Нимага шунга ёздингиз?” – дедилар юз-кўзларида ташвиш билан. Ҳа, Бош мухарриримиз менга аччиқланиб, норозилик билан эмас, ташвишланиб қараб турардилар. “Билмабман, – дедим мен. – Шеър муаллифи бошқа одам деб ўйлабман...”

Зулфия опа муаммоли, хавотирли вазиятларда пастки лабларини кимтиб, бошларини сал сарак-сарак қилиб қўярдилар, ўшандаям шундай қилдилар. Тамом. Бошқа бу ҳақда гап очилмади, устоз менга ишондилар.

Ҳеч муболага эмас, ўшандан кейин “Ёр келур” кўшиғи ҳар куни радиодан бир неча марта берилар, “Сиз ёктирган кўшиқлар” деб номланган концертлар худди шу кўшиқ билан бошланарди. Келгуси ҳафтада “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг навбатдаги сониди



бир ишчи номидан менинг мақолачамга қарши чиқиш босилди. Унда менинг шеърятни тушунмаслигим каттик танқид остига олиниб, “Ёр келур” шеъри макталган эди. Бу ҳол мени бирмунча тинчлантирди, назаримда, шу каби “жазолар” гуноҳимни бир қадар юмшатадигандай эди. Ўша кунларда адабиёт газетамизнинг Бош муҳаррири Марказқўм котиби қабулида бўлганлиги, менинг газетада босилган “саводсиз” мақолам ҳақида гапириб, узр сўраганда, қўшиқ муаллифи мазза қилиб кулганлиги ва: “Энди биз шоир бўлиб шеър ёзганимиздан кейин, бизни танқид қиладиганлар ҳам бўлади-да. Қўяверинглар, ёзишаверсин!” – деган жавоб билан муҳаррирни кузатганлиги ҳақидаги гап тарқалди. Мен янада енгил тортдим, ноҳуш вазият ордда қолгандай эди. Лекин адашган эканман.

Бу воқеани бошқалар унутишмади. Газета ва журналлар муҳарририятларига кирганимда, у ердаги ходимлар менинг имкон қадар тезроқ чиқиб кетишимни хоҳлашаётганликларини тушуниш кийин эмасди. Муҳарририятларда шеърларимни олиб қолишарди, лекин уни чоп этишмасди. Шу пайтгача жуда кадрдон бўлганларнинг аксарияти энди шунчаки муомала қили-



шарди. Туғишганларим ҳаммаси Марғилонда, Тошканди азимда ўзим яккаланиб, ёлғизланиб қолган эдим.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт режасига аввалдан киритилгани учун ўша йили биринчи шеърӣ тўпламим босилиб чиқди, илк тўплами чоп этилганлар Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндилар, лекин менинг ҳужжатларим тортмаларда қолиб кетди... Бу ҳол токи Шароф Рашидов вафот этиб, унинг номи қораланган даврларгача давом этди... Дарвоқе, ёзувчи Асқад Мухтор ҳамон: “Қизим”, – деб жилмайиб гаплашардилар, “Нималар қилиб юрибсиз?” – дердилар қулиб, охиратлари обод бўлсин! Шоир Эркин Воҳидов бош муҳаррир бўлган “Ёшлик” журнали худди аввалгидай ҳар йили битта шеърӣ туркумимни журналда босарди.

Лекин ўша йиллари бирор марта ҳам менинг дилимга: “Энди Тошкентдан кетсаммикин?” – деган ҳаёл келгани йўқ. Бунинг сабаби шуки, бош муҳарриримиз Зулфия опанинг муносабатларида заррача ўзгариш сезмадим. Ишларимга аввалгидай талабчан, муомалалари жиддий ва самимий эди. Кимлардир вазиятдан фойдаланиб мени ҳақ-ноҳақ танқид қила бошласа, Бош муҳарриримиз: “Мухтарамга бизнинг меҳнатимиз сингигани йўқ, у бизнинг ре-



дакцияга тайёр ходим сифатида келган”, – деб мавзуга нуқта қўядилар.

Вақти-соати билан Ёзувчилар уюшмасига қабул ҳам қилиндим, дўсту кадрдонларим сафи ҳам кенгайиб борди... Лекин ўшанда инсонни англаш, химоя қилишда атрофимдагилардан бирортаси Зулфия опадек бўлолмаслигини ўзим кўриб, билиб, дилдан англаганман.

### “ДИЛ СОҒ. БАЛКИ УНИ САҚЛАДИ ТИЛАК?”

Жамият тарихнинг нақадар оғир, зиддиятли, қора, қатағон даврларини бошдан кечирмасин, унинг бағрида ҳеч шак-шубҳасиз Ҳақиқат, Эзгулик, Иймону Эътиқодни келажак авлодларга етказувчи одамлар кўп топилади.

1955 йилда Зулфия совет ёзувчилари сафида биринчи марта чет элга – Хитой Республикасига боради. Шундан сўнг ўзбек адабиёти намояндаси, Осиё–Африка бирдамлиги комитетининг, Ёзувчилар уюшмасининг, Бутуниттифок Хотин-қизлар кўмитасининг, Ўзбекистондаги “Дўстлик” жамиятининг вакили сифатида бир неча бор Ҳиндистон, Цейлон, Миср, Япония, Бирма, Югославия, Австрия каби мамлакатларда бўлди.



Бутун бир халқнинг вакили сифатида ўзга юртларга борган ва минг-минглаб одамларнинг зийрак, қизиқувчан нигоҳида бўлгувчи инсоннинг фақат яхши шоир бўлишининг ўзи камлик қилса керак. Зулфия қаерда бўлмасин, Шарқ табиати, маданияти, маънавиятининг баҳри уммонларидан баҳраманд бўлган инсон сифатида ўша юртлар халқларида Ўзбекистонга нисбатан меҳр, ҳурмат уйғотди.

“Саодат” журналида ишлаган йилларимизда Зулфия опани Хотин-қизлар кўмитасининг турли йиғинларига таклиф қилиб, Москвадан телеграмма ва телефонограммалар келарди-ю, лекин доим мажлисларга ўринбосарлари – Холида опани юборардилар. Муҳарриримиз собик Иттифоқнинг пойтахтига, асосан, Ёзувчилар уюшмасининг табдирларида қатнашиш учун борардилар. Бунақа сафарларга аксарият одамлар жон-жон деб йўлга чиқардилар, шу боисдан Хотин-қизлар кўмитасининг тез-тез ўтказиладиган йиғинларига таклифномани кўрган захотиёк Зулфия опанинг ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмай, “Холидахон, сиз бориб келинг”, – дейишларига ҳайрон бўлардим. Кейинчалик бир суҳбат асносида шундай воқеани айтиб бердилар:



– 1965 йили Венада ўтадиган Умумжаҳон хотин-қизлар ассоциацияси конгрессига бориш учун Москвада йиғилишимиз керак эди. У ерга бориб, Хотин-қизлар кўмитасига кирдим. Куз фасли эди.

– Ўзбекистон, Тошкент қандай? – деб сўради кўмига ходимларидан бири.

– Жуда чиройли. Гўзал бўлган. Анорлар, қовун-тарвузлар, олма-яшлар фарқ пишган.

– Узум ҳам пишдими?

– Ҳа, пишди.

– Икки килогина олиб келиш мумкин эмасмиди?

– Мумкин эди. Лекин мен фақат аёллар сумкачасини олиб юришга одатланганман. Катта сумкаю оғир юклар кўтаришни ўзимга ор деб биламан...

Кўриб турибман, менинг жавобим суҳбатдошимга ёқмади. Лекин мен бор гапни айтдим. Ташқарига чиқарканман, ўзим каби мана шу тадбирга келаётган аёлларни учратдим, уларнинг айримлари катта қутиларда мева-чевалар кўтариб олишганди.

Венага бордик. У ерда ҳар биримиз аввалдан белгиланган режа бўйича ҳар куни алоҳида-алоҳида жойларда учрашувлар ўтказиб келардик. Кечкурун ҳамма йиғилганда эса кўмигадан



рахбар бўлиб борган аёл нимагадир фақат мендан ўтказган учрашувларимнинг тафсилотини батафсил сўрарди – қандай саволлар тушди, мен уларга нима деб жавоб бердим... Бошқаларни бундай савол-жавобларга тутмасди. Тасаввур қилингки, мен икки карра ишлардим, ҳам кундузи савол-жавоблар, ҳам кечкурун.

“Нега мен икки карра ишлашим керак, – дедим ниҳоят бунинг сабабини тушунолмай. – Негача фақат мендан ҳисобот сўрайсиз? Агар менга ишонмасангиз, аввало, бу ерга бошқа одамни олиб келиш керак эди. Ёки ёнимга одам қўшиб қўйинг, у мени назорат қилиб юрсин!”

“Мен ҳаминиша атрофимдаги буюк одамларга қараб бўй ростлашга ҳаракат қилдим”, – дер эдилар Зулфия опа. Мен бу гапни хаёлан давом эттираман: ирмоқлар дарёга интилганидек, ниҳоллар улкан дарахтларни ҳавас қилиб улғайгани каби бир ибратли умрнинг мазмуни ҳам яхши тилакли ва эзгу амалли инсонларга интилиб, улар билан ҳаммаслак бўлиб яшамок эмасми? Уларни танлаб, топиб олмоқ учун эса ҳар кимнинг қалбини идроку фаросатдан бенаиб этмасин.

Хуллас, юкоридаги воқеанинг давомини ус-тоз шундай давом эттиргандилар:



– Шундан сўнг мени сўрок-саволга тутмайдиган бўлишди. Сафаримиз тугади. Москвага кайтишда африкалик аёллар ҳам меҳмон сифатида биз билан бирга келишди. Москва ҳавоси совук эмасми, кутиб олувчи аёллар қўлларида пўстинлар билан меҳмонларга пешвоз чиқишди, самолётнинг ичидаёқ уларни иссиқ кийинтириб, ташқарига таклиф этишди. Тадбир иштирокчиларининг қайси енгил машинага ўтириб, қайси меҳмонхонага жўнашлари аввалдан белгилаб қўйилган экан, ҳамани бир-бир таклиф этишди, машиналар уларни олиб жўнади. Менга эса бирорта одам ҳатто “Бу ёкка юр”, – ҳам демади. Ҳолбуки, менга Умумжаҳон хотин-қизлар ассоциациясининг аъзоси сифатида муносабат кўрсатишлари керак эди. Аллоҳ меҳрибон, кутилмаганда учраб қолган аёл арбоб билан меҳмонхонага кетдик.

Эртасига Хотин-қизлар кўмитасига кириб, тезда Тошкентга қайтмоқчи эканлигимни айтдим. Улар мен учун билет тайинланмаганини маълум қилиб, “Ўзингиз оласиз”, – дейишди.

– Яхши, мен депутатман. Ҳозир бориб билет олишим мумкин. Лекин бу даргоҳга иккинчи бора қадам босмайман, – дедиму чиқдим. Шундан кейин у остонага қайта қадам қўймадим...





Зулфия опа бу воқеани на кимдандир шикоят ва на ўзларини ноҳақликдан жабрланган қилиб кўрсатиш учун гапирмагандилар. Шунчаки, гапдан гап чиқиб, бир хотира сифатида айтгандилар. Зеро, у инсонда бир-иккита одамнинг феълу атворига қараб кўпчилик тўғрисида хулоса чиқариш одати йўқ эди. Мухими, ҳар қандай вазиятда ўзларининг ҳам, миллатнинг ҳам шаънига гард юқмайдиган хатти-ҳаракатлар, муомала-муносабат кўрсатардиларки, бундан аввало ўзларининг кўнгилларида ғашлик, пушаймонлик қолмасди (мен шундай деб ўйлайман).

Келинлари – Риояхон Олимжонова Зулфия опа уйларига кимдир қимматбаҳо совға кўтариб келса, бундан ранжиб қолишлари ҳақида гапирардилар. Ҳақиқатан ҳам, Зулфияхонимнинг олдиларига гуллар ва китобдан бошқа нарса кўтариб боришнинг ўзи жуда ноқулай эди, назаримда. Чунки расмий раҳбару ходимликдан тортиб ўзаро яқин муносабатларгача – барча-барчасида юксак одамийлик этикасини муқаддас саклардилар. Яхшиликлари ҳаммага беғараз бўлгани каби ножўя мактов, ноўрин совғасаломлар билан бошқаларнинг шаънини хиралаштиришни истамасдилар. Ҳеч кимнинг ҳеч кимга ниманингдир илинжида муте бўлишини



ёктирмасдилар. Бу борада ўзлари бизга ҳар куни ибрат эдилар. Гапнинг очиғи, юқоридаги фикрларнинг Зулфияхоним шахси билан муқоясада айтилишининг ўзи ноқулай, чунки юксак тоғларнинг салобати, киёфаси, ўқтамлиги, мағрурлиги кирлар билан киёсланмайди...

– 1953 йил. Урушдан кейинги кийинчилик йиллар. Ленинграддан Александра Стрельцова келиб, бизнинг “Ўзбекистон хотин-қизлари” журналимизда ишлай бошлади, – деб сўзлаб бергандилар таникли таржимон, журналист Холида Ахророва (Аллоҳ раҳмат қилсин!). – Шуранинг оёғидаги туфлиси йиртилиб, жуда хунук бўлиб кетган экан. Биз унга янги пойабзал олиб бермокчи бўлардиг-у, лекин кўнглини огритиб қўйишдан кўрқардик. Бир куни тўпланиб гаплашиб ўтирганимизда, Зулфия опа бир баҳона ўйлаб топдилар-у, ҳамманинг оёгининг размерини сўраб чиқдилар... Туғилган кунида эрта-лаб ишга келган Шура столининг тортмасини очди-ю, у ерда янги туфлини кўриб, бор овози билан йиглаб юборди. Зулфия опа: “Шура, Худо ҳақки, биз сизни хафа қилган бўлсак, кечиринг!” – деб узр сўрай бошладилар. Шура эса азбаройи шундай эътиборли, гамхўр одамлар орасига келиб колганидан кўнгли тўликиб,



миннатдорлигидан йиглаётган экан. Зулфия опанинг муҳаррирликларида ўттиз йилга яқин ишладик. Жамоамизда ҳамиша мана шундай бир-биримизни кадрлаш, авайлаш одат эди.

“Ўзбекистон Хотин-қизлари” журналида ишлаш жуда кўпчилик учун орзу бўлган 1950–1980 йилларда “Саодат”нинг қутлуғ даргоҳида ижод қилиб, ризқини териб, тақдирини яратганларни ҳаёлан бир-бир кўнглимдан ўтказаман: уларнинг қарийб ҳаммаси журналистикада, бадиий ижодда ўз ўрнини топган қаламкашлардир. Кимнингдир арзанда фарзанди ёки қариндоши бўлганлиги учун “Саодат” муҳарририятига осмондан тушган... биттагина одамни эслайман... Бунинг тарихи жуда мураккаб... Энг оддийдан тортиб энг мураккаб бўлган масалаларда ҳам бош муҳарриримиз ҳамиша бир мезон – одамийлик, иқтидор ва қонун нуқтаи назаридан келиб чиқиб иш юритардилар.

Зулфия опа ижодкор, арбоб сифатида жуда кўп мамлакатларда бўлдилар. Лекин мен у кишининг бирон-бир давлатни қайсидир жиҳатлардан ўз она-Ватанимиздан устун қўйиб, афзал қўриб гапирганларини эслолмайман. Ўша даврларда қаерда бўлмасинлар, ўзбек миллатини танигану танимаган халқлар орасида мағрур қалб ва ўқтам қад билан юртимизга, элимизга



нисбатан муҳаббат, ҳавас уйғота олдилар. Шоира бутун эътиқоди, садоқати, саодати билан Ўзбекистонни севди, унга фарзанд эканлигидан ифтихор қилди, шу она заминдан куч-қувват, илҳом, ҳарорат олди.

– Бир сафар Бирмадан Ҳиндистон орқали Цейлонга ўзим ўтишимга тўғри келди, кутилмаган вазият туфайли, – деб ҳикоя қилгандилар. – Ҳамма аэропортларга мен учун чипта олдиндан тайинлаб қўйилган экан, фақат биттасини огохлантиришни унутган эканларми... Ўша жойга боргач, тил билмайман, аэропорт ходимлари имо-ишора билан фақатгина эртага учириб юборишлари мумкинлигини тушунтиришди. Мен эса уларга бу ерда бир кун ҳам қололмаслигимни тушунтиришга уринаман. Иложи бўлмади, ўша куни учолмадим, меҳмонхонада қолдим, тун шунчалар узун бўлдики!..

Шундан сўнг Тошкентга келдим-у, тўғри Марказқўмнинг Бош котиби олдига кирдим ва мени бу масъулиятдан озод этишларини илтимос қилдим. Тинчгина ижодим билан шуғулланиб, фарзандларимни бағримга босиб ўтириш ниятим борлигини айтдим. Қатъиятимни котиб тушунди...



...Ҳар йили баҳорнинг биринчи куни Зулфия опанинг кутлуғ хонадонлари тонгдан шомгача гавжум бўларди.

Шу куни турфа гуллардан яшнаб кетган уйнинг энг кўринарли жойида кичкина стаканчага лой солиб экилган, митти гуллари бодраб очилган чучмомалар бўларди. Унинг тафсилоти шундай: бир пайтлар Зулфия опанинг хонадонларида яшаган, кейинчалик Жиззахнинг Фориш туманидаги бир эркакка турмушга чиқиб, унинг болаларига оналик қилган Фотима опа чучмомаларни 1 март куни тонгда кимлардир орқали юборар экан. 1990 йили ҳам баҳорнинг илк кунида чучмомаларни – баҳор нафасини бағрига тўлдириб келган меҳру муҳаббат ифодасини кўриб: “Фотима опа одатларини тарк қилмабдилар-да”, – дедик. “Йўқ, – деб жавоб қайтардилар Зулфия опа. – Фотима опа вафот этганлар. Гулларни у кишининг ўғиллари ташлаб кетди”. Шунда мен Зулфия опанинг номлари республикамизнинг узок-якин шаҳру қишлоқларида, кексаю ёшлар орасида, шеърга жону дили билан пайванд одамлардан тортиб адабиётдан анча йироқ бўлганлар орасида ҳам азизу мукаррам эканлигини яна бир қара англагандек бўлгандим. Муқаддас Ватанни, муҳаббату садоқатни нурли сатрларда куйла-



ган шоира Зулфиянинг сўзи ва ўзи бир бутун яхлитлик, бир бутун комил тақдир эканлигини халқимиз яхши билади.

Садоқатли, муҳаббатли Онани тақдир бекам сийлади. Хонадоннинг узок йиллик ва доимий дўсти таниқли олима Сабоҳат Азимжонованинг сўзлари билан мухтасар айтганда: “Агар ҳамма фарзандлар Зулфияхонимнинг ўгил ва кизидек бўлганда эди, дунёда бахтсиз она колмасди”.

Ва ниҳоят, Зулфия опанинг тақдирини ҳавас билан ўйлаганинг сайин донишмандлар, дохийларнинг келажак авлод бахти учун умр тикишлари сабабини англай бошлайсан: чин маънодаги бахтли одамларгина инсонларга, жамиятга эзгулик, яхшилик, бахтиёрлик бахш эта оларканлар.

*Кечир мени, нозли малагим,  
Сени мақтай олмасим тайин.  
Сенга шунча чирой берган ким,  
Айтиб бергин, уни мақтайин, –*

дея ошиқ калбининг суратини чизганди Ҳамид Олимжон.

Бу сатрлар Зулфияга бағишланган.

Бу тўртликдаги хайрат, савол менинг кўнглимда ҳам жаранглаб турибди. Бу саволга гўёки академик шоир Ғафур Ғулломнинг “Зулфиябегимга” шеъри сатрлари ҳам жавоб излайди:



*Муаззам Шарқ намоёнدير сенинг покиза жонингда,  
Бу бизнингдир, сенинг ахлоқу иффатга*

*тўлиқ нозинг.*

Азал-азалдан улуғ зотларга бешик бўлган  
Ватаним, волидаю падар бўлган меҳри дарё  
халқимга Зулфиядай овози мағрур шоир, ўктам  
фарзанд берганлиги учун Аллоҳга беадад шук-  
роналар бўлсин!

## БАҲОРДАЙ САХОВАТЛИ ЭДИ

1 март – баҳорнинг илк куни... Неча-неча  
йиллар давомида қалбимизда айна шу кундаги  
кувончларимизга яна бир катта хаяжон мушта-  
рак эди – 1 март – азиз устоз Зулфия опанинг-да  
таваллуд кунлари.

Қизил чиннигулларни яхши кўрардилар.  
Ҳеч биримизнинг кўнглимизга ортикча хозир-  
лигу ҳашам ташвиши тушмасди. Уч киши бў-  
ламизми, ўнта қизу аёлларми – бир даста кизил  
чиннигул билан Зулфия опанинг мунаввар, баг-  
ридан меҳру эъзоз уфуриб турган хонадонла-  
рига кириб борардик. Энди... қалбларимиздан  
сизиб чиққан согинч қатралари мукаррам, муаз-  
зам Зулфия опанинг мангулик хобгоҳлари узра  
унган гулу гиёҳларга томади. Илоҳим раҳмати-  
га гарқ айласин.



Неча ўн йилликлар давомида адабиётга кириб келган қизлар, аёллар учун ҳақиқий гамхўр инсон, кимнинг каламидан чикқанидан қатъи назар, агар ижоднинг гўзал намунаси бўлса, унга тан бергувчи шеърхон, бошқаларга ёрдам қўлини чўзишга ҳамиша тайёр-у, аммо бу ҳақда ҳар қандай оқибат шароитида ҳам оғиз очмайдиган меҳрибон эдилар Зулфия опа. Шундай фазилатларни рўзи азалда Аллоҳ руҳу жонларига омухта қилган бўлса керак. Ўз шахсий манфаатлари кўйига кирмас эдилар, инсонийликка заррача ғубор тушириши мумкин бўлган барча ожизликлардан еру осмон қадар юксакда яшардилар. “Зулфиядек дунё таниган шоира, арбоб” олдида ўзгаларнинг ҳам кадр-киммати, кўнгли, иззат-нафсига озор етишига зинҳор йўл қўймас эдилар.

Зулфия опанинг меҳрлари, ишончларини қозониб, катта умидларга, қай фурсатлар бағриларини тўлдирган гурурларига сабаб бўлгач, еттинчи осмонларда учиб юрдик. Олдинмакетин у кишига атаб шеърлар ёздик. “Устоз” деб атадик. Бугун мундок ортга ўгирилсак, эҳе, умрнинг кўпи кетиб, ози қолдими ёки аксинчами – Аллоҳ билади, лекин ёш эмасмиз. Ҳаётда ҳақиқий устозлар Зулфия опа каби ўзига ихлос қўйган ёшларга фақат шеърят сир-





ларинигина англатмайдилар. Ҳақиқий устоз олим шогирдига фақатгина илмнинг заҳматли сўқмоқларига қандай кўтарилишни ўргатмайди. Ҳақиқий устоз ҳар жиҳатдан ибрат, муаллим.

Ҳақиқий шогирд-чи? У ўзи танлаган соҳа ёки йўлга мустаҳкам тушиб олса, шунинг ўзи басми?

Инсон боласи ғофилликка мойил. Лекин қачонлардир кўнгил кўзлари очилиши керак. Бугун бағримизни симиллатиб турган огрик фақатгина Зулфия опани қўмсаган дил соғинчларими? У киши каби маънавий таянчга ташналигимиз учунгинами? Балки, пайти келганда катта-катта минбарлардан бағримизни тўлдириб: “Устозим!” – деб шеърлар ўқиган бўлсак-да, ҳаёт саҳифаларини варақлашда, турмуш китобини ўқишда ҳамиша ҳам Зулфия опадек бўлолмаганимиз аччиқ армондир...

\* \* \*

Зулфия опанинг хатти-ҳаракатлари, хотиралари кўнглимдан такрор-такрор ўтаркан, бу сиймо яна ҳам юксаклашиб бораверади. Ўзингнинг ожизликларинг, худпарастлигинг, иккиюзламачиликларинг лошингни яна ҳам пастга судрайди. Эй Парвардигори олам, ўзинг шафкат қил!



Бир умр шундок яшаб бўлмайди. Ана, каттик ерни ёриб чиккан нимжонгина гиёҳлар ҳам офтобга интиляпти. Кўнгил мулкида улуғ инсонлар ибрати бўлган кимса учун бу ҳам Аллоҳнинг бир инояти эмасми? Бу ҳаётий мактабдан ибрат олмай ўтиб кетмоқ... Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек, баайни ҳаммомга кириб, ювинмай чиқиб кетмоқ билан тенг эмасми?

Зулфия опанинг раҳбарликларида саккиз йил давомида “Саодат” журналида ишлаш насиб этди. Ўша йиллари ёш кизлар ҳам опанинг тик қоматларию бошларини чиройли мағрур тутиб юришларини зимдан ҳавас қилардик.

...Хонада ишлаб ўтиргандим. Зулфия опа қўлларида уч дона митти гуллар (ангишвона гул ҳам дейилади) билан кириб келдилар. Ердан қор кетар-кетмас очиладиган баҳор чечаклари.

– Бу – сизга! – дедилар кўзларида ҳамиша ўзларига ярашимли ифода билан. – Марказқўмга мажлисга боргандик. Пиёда қайтаётсак, йўл четларида очилибди. “Бугун Мухтарамнинг туғилган куни”, – деб териб олдим.

Бу воқеага неча йиллар бўлди. Каттаю кичик гулдасталар насиб этди. Бироқ... Зулфия опа ўша мунчокка ўхшаш гулларни қўлимга



берганларида, дилимдан: “Шундай обрўли, шундай машхур одам оддийгина ходими учун эгилиб йўл четидан гуллар терса!” – деган хаёл хайратдай ўтганди. Кейин бу туйғу умр-бод кўнглимни кўтарадиган миннатдорчиликка, эҳтиромга айланиб қолди.

\* \* \*

Давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов шахсига нисбатан қисқа давр ичида бўлган икки хил муносабат айрим ўзига хос табиатлилар учун кўзгу вазифасини ўтади.

Зулфия опа Шароф аканинг номи на қораланганда, на оқланганда у ҳақида хотиралар ёзмадилар. Ҳаттоки “жабрдийдалар”нинг ҳасратлари дарёга айланган кунларда Ёзувчилар уюшмасининг минбаридан: “Зулфия опа, сиз нега индамайсиз?” – қабилидаги сўроқлар ҳам бўлди.

Аёл қалбининг бу қадар матонати, мардона тан олиш керакки, ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Гоҳ адолатсиз тузумнинг сохта гуллар билан безатилган аравасига чиқиб олиш учун жонни ҳовучлаб югурмай, гоҳ яхшию ёмонни аралаштириб устидан тухмат, бало қуядиган қозонига ўт қаламай улугвор яшадилар Зулфия опа. Чунки бу ҳаракатларнинг заминиди



Энг катта ожизлик – ўз-ўзини яхши кўриш, ўз манфаати учун жонсараклик, қурбонлик ётади. Зулфия опа бундай туйғулардан жуда-жуда баландда яшадилар.

\* \* \*

Мухарририятнинг ички ишлари хақида сўз кетганда, “Асосий оғирлик бош муҳаррирнинг ўринбосари зиммасига тушади”, – деган гап юради. Зулфия опа жуда масъулият билан ишлардилар. Ҳаттоки бетоб бўлиб колсалар ҳам, “Саодат”да босиш учун тайёрланган ҳамма материалларни ўзлари кўрардилар. Кўрганда ҳам нафақат маъноси, мақсади, бадиияти, стилистикасига эътибор берардилар, балки ҳар бир сўзнинг нечоғлик ўз ўрнига тушган-тушмағанлигини ҳам бир эшитганда илғардилар.

\* \* \*

Аллоҳ Зулфия опани ҳам зоҳиран, ҳам ботинан гўзал, нозик қилиб яратган экан. Ҳамма нарсанинг чиройли, дидли бўлишини яхши кўрардилар. Ва айни шу туйғу уларнинг табиий эҳтиёжига айланган эдики, буни кўз-кўз қилиш ва ўзларини бошқалардан ажратиб кўрсатишга уриниш одатлари йўқ эди. Кийимлари ўзларига жуда ярашимли, даврадагиларнинг хавасини



келтирадиган даражада бўларди. Лекин кўпчилик аёлларга ўхшаб атрофдагилар бу либосларини макташларига, олқишлашларига сира йўл кўймасдилар.

Ўзгаларнинг ғам-ташвишини дарров юракка яқин олардилар. Ҳаммага ёрдамга тайёр эдилар. Лекин ўзларининг на жисмоний дардларини, на кўнгил изтиробларини айтмас, шарҳламас эдилар. Узун кечаларда шу оғриқларни енгишга умрларининг қанчаси сарф бўлган экан?.. Ҳаттоки бетоблик оқибатида ўзларига бир оз қаролмаган бўлсалар, бундай пайтда бошқаларга кўринишни, дўсту кадрдонларнинг дилини инжитишни истамасдилар. Ҳамиша одамларнинг кўнглини кўтариш, кайфиятини чоғ этиш, умид ва ишончини мустаҳкамлаш, яхши сўз ва яхши амал билан хотира қолдириш Зулфия опанинг одатлари эди. Устоз умрларининг охириги дамларигача шундай бўлиб қолдилар.

\* \* \*

Саксон ёшлари яқинлашиб келаётганди.

– Мундоқ ўйлаб қарасам, тугунларни тугиб-тугиб қўядиган кунларим яқинлашиб қолибди, – дедилар Зулфия опа. – Лекин менинг ўз устозларим олдида узилмаган қарзларим ҳали жуда кўп. Бизнинг тенгдош, тақдирдошларимиз



орасидан Ғафур Ғулом, Миртемир домла, Ойбек ака, Ҳамид Олимжон, Шайх акаларни кўрганлар оз коляпти. Улар тўғрисида айтишим керак бўлган гапларим кўп. Улгурармиканман...

Зулфия опа шуларни гапирардилар-у, мен бу вазмин, салобатли, дунё таниган шахснинг “Устозларим”, деб алоҳида эхтиром билан сўзлашларидан яна хайратланиб ўтирардим. Тавба, бир-иккита тўплами чикиб, газетада у ҳақда битта-яримта мақтов босилса, “Фалончи менинг устозим”, – демокка тили келишмай коладиганлар қанча! Зулфия опа эса шунча шону обрў билан умрларининг охиригача қалбларида ўз устозлари олдида қарздорлик туйғусини, уни узиш ниятини кўтариб юрдилар.

1993 йилнинг январь ойида бир ой мобайнида муттасил ишлаб, академик шоир Ғафур Ғулом ҳақидаги хотираларидан “Элнинг ўктам куйчиси эди” сарлавҳали бир мухтасар суҳбат тайёрлагандик. Уч қайта деярли янгидан ёзилган бу суҳбатдаги ҳар бир сўз, ифода Ғафур Ғуломнинг ҳам шоир, ҳам инсон сифатидаги улуғлигини кўрсатиши керак эди – Зулфия опа шуни таъкидлардилар.



## ЭЛНИНГ ЎКТАМ КУЙЧИСИ

**Муҳтарама Улугова:** Зулфия опа, наинки ойлар, йиллар... балки кунлар ҳам мустақил республикамиз ҳаётига улкан янгила니шлар билан кияпти. Ҳар бир воқеликка халқимизнинг кадр-қиммати, ғурури, қадриятлари нуқтаи назаридан баҳо беряпмиз. Дилимга бир савол десамми, хаяжонми тўлади: элимизнинг, юртимизнинг мустақиллиги осмондаги қуёш каби ёрқин ҳақиқатга айланган шу кунларда Ғафур Ғулом ҳаёт бўлсалар, нималар ҳақида ёзган бўлардилар?

**ЗУЛФИЯ:** Ҳар қандай ижодкор ўз даврининг фарзанди ва унга хизмат қилади. Шунини комил ишонч билан айтаманки, халқимизнинг мутафаккир шоири Ғафур Ғулом ижодини, фаолиятини ўз элу юртига сидқидилдан, самимият билан бағишлади. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистоннинг қиёфасига, ўзбек халқининг овозига айланиб қолганди. Унинг тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз ҳақидаги чуқур, серқирра билими, она юртга ва халқига бекиёс муҳаббати, хизмати, кўксини тоғ этган ғурури шундоқ демокка ҳуқуқ беради.

Агар Ғафур Ғулом шу кунларда ҳаёт бўлганларида...



Шоир сифатидаги ростгўйлиги, самимияти шу қадар эдики, айрим шеърларини йиглаб ёзардилар, йиглаб ўқирдилар. Бир умр ҳақиқат деб тан олганимиз, бахт йўли деб интилганимиз – етмиш йиллик тарихнинг алдов, сохта, ўзликни йўқотиш эканлигини англаш Ғафур ака учун ҳам осон кечмасди. Ва маним назаримда, алам ва армон билан ҳўнграб йиглаб ҳам шеърларни жаранглатиб ташлар эдилар. Мустақиллик кадр-киммати, шарофатини бутун вужуди-ла ўзбекнинг академик шоири, олими бетакрор сатрларга соларди, эҳтимол. Ўзига хос баланд рух, ўқтам қалб билан яна шоҳ асарлар битган бўлардилар.

Минг шукрим, илдизлари теран адабиётимиз ҳамма даврларда ҳам яхши шоирлардан ёлчиган. Бир пайтлар Ғафур Ғулом:

*Сиз агар самони қучмоқ бўлсангиз,  
Мен нечун елкамни тутиб бермайин? –*

деб улуғ ният қилган ёшлар орасидан саф-саф бўлиб иктидорли, зукко, мулло, бири-бирига ўхшамайдиган шоирлар етишиб чиқдилар. Улар бизнинг елкаларимиздан ўтиб, поғонама-поғона юксалиб бораётганликларидан ифтихордаман. Уларнинг бугунги кун нафасини, инсон рухиятини, эрку озодлик кадрини чуқур хис





этиб ёзган шеърларига ҳавасим келади. Яна... айна кунлар тарихимизнинг энг ёрқин саҳифалари, таърифга сиғмас онлари эканлигини ўйларкан, қалбимизда, Ватанимиз осмонида, мустақиллик кенгликларида бир соғинч ҳис қиламан, бу – айна шу масъуд онларда иктидорли шоирларнинг шеъриятига жўровозликка етишмаётган Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Шайхзоданинг мағрур овозлари эмасми? Ҳаркалай, мен шундай фикрдаман.

**М.У. Сиз Ғафур Ғуломни ўз устозингиз деб биласизми?**

**ЗУЛФИЯ:** Албатта! Адабиётда устозу шогирдликнинг мантики шуки, биров-бирова қандай ёзишни ўргатмайди. Ғафур ака ўз даврининг жуда кўп ёшларига маънавий хомий эдилар. Кейин-кейин англаб етдимки, у кишининг ҳар бир талаби, ўгити, меҳрибончилиги қадим-қадимдан анъана бўлиб келган устозу шогирдлик мактаби сабоқларининг давоми экан.

1947–1948 йиллар. Тожикистон ёзувчиларининг съездига Ғафур Ғулом бошлиқ Собир Абдулла, Мирмуҳсин, Уйғун, Назармат ва мен вакил бўлиб боргандик. Анжуманнинг ёпилишида Ғафур ака ҳам сўзга чиқиши керак эди. Мени синамоқчи бўлдиларми ёки ўргансин, де-



диларми, “Мен минбарга чикиб, уч-тўрт огиз гапираман-да, сўзимни Зулфияхоним давом эттиради”, – деб тушиб кетаман. Балки шеър ҳам ўқирсан”, – дедилар.

– Йўк, бу иш қўлимдан келмайди. Бу тантанада ўқишим мумкин бўлган шеърим ҳам йўк...

Эртасига кун бўйи мажлисдан қолиб шеър ёзишимни тайинладилар.

“Ёздингизми, ёзмадингизми, менинг ишим йўк. Сўз бериб тушиб кетавераман”.

Эрта тонгда завқ-шавқ билан шеър ёзаётгандим, каламим синиб қолди. Биз ҳукуматнинг боғида яшардик. Нима қилишимни билмай, ташқарига чикиб у ёқ-бу ёққа қарайман, ҳеч ким йўк. Уч-тўртта уйлар, қайси бирига кириб қалам очиш учун пичок сўрасам экан, деб турсам, тўғридаги хонадан шоир Лохутий чикиб қолдилар. Зукко, нозиктаъб, файзли кийимлари ўзларига ярашган, камтарин бир инсон эдилар. Бу улуг зотга мурожаат қилишга тортиниб тургандим, ўзлари мен томонга юра бошладилар. Шошиб пешвоз бордим.

– Ҳа, жони ширин? – дедилар.

– Ассалому алайкум, домла. Мен якта шеър навис шишта будам, нучи қалам шикаст, – дебман.



– Янги қалам топиб берамиз ҳозир, – деб ичкаридан ўзи ёзадиган ручка олиб чиқиб бердилар.

Устознинг қалами бир кўтаринки рух бағишлади. Ўша кунлари Тожикистон жумҳурияти давлатга бир миллион тонна пахта топшириб, режани адо этганди. Бу менга қўл келдида:

*Тоҷикча сўзлашни билмайман, аммо  
Ўзбекча сўз билан бошлайман калом:  
Бир миллион беш юз минг тонна пахтани  
Териб олаётган элимдан салом, –*

кабилида бошланувчи шеър ёздим.

Кечқурун тантанали йиғилиш ғоят гўзал опера театрида бўлди. Ғафур ака президиумга чиқдилар. У кишига сўз берилиши билан менда каттиқ ҳаяжон бошланди. Юрагим ўйнайди. Оёқ-қўлим титраб, саҳнага чиқдим ҳам. Масъулият журъат бағишлади чоғи, ҳалиғи шеърни дуппа-дуруст ўқидим. Қарсақлар бўлди, дўстлар табриклашди. Шу окшом якунловчи меҳмондорчиликка йиғилдик.

Зиёфат тугагач, Тожикистон Марказқўмининг ўша пайтдаги биринчи котиби Бобожон Ғофуров хайрлаша туриб, менга ҳам қўл узатдилар-да:



– Сиз бугун жуда яхши шеър ўкидингиз, раҳмат, – дедилар. – Лекин биз мана шунча пахта териб оляпмиз, деб мактандингиз. Тошкентга боргандан кейин устозларингизга, раҳбарларингизга айтинг, сизларни камтаринлик руҳида тарбияласинлар!

Шу лаҳзада: “Домла, устозларимиз ҳам, раҳбарларимиз ҳам камтарин, бизни ҳам шу руҳда тарбиялайдилар”, – дедим.

Ўша туни биз поездда Тошкентга жўнаб кетдик. Эрталаб Ғафур ака ҳаммани ўз купеларига йигдилар.

– Зулфия, маладес, кеча яхши бўлди, – дедилар. – Сизларга ёз демаса, ёзмайсизлар. Хўш, Тошкентга етгунча мен сизларни бир имтихондан ўтказай. Нима ўқияпмиз, нима биламиз, бизнинг ота-боболаримиз кимлар эди? Жаҳонга машхур адабий меросимиздан нималарни ўқиганмиз? Буларни билмасдан туриб катта адабиётимизнинг ривожига ҳақида ўйлаш кийин. Анъаналарни давом эттириб, ўша хазинага ўз топганимизни қўшиб кетишимиз керак.

Имтихон шундай бўлдики, Ғафур ака бир шеърни ўқий бошласалар, биз унинг муаллифини айтишимиз, агар шеърни давом эттирсак, нур устига аъло нур эди. Хоҳлаганлар ўзлари билган асарлардан ўқишлари мумкин эди.



– Собир, илтимос, сиз айтиб берманг, имтиҳондан ўтган муаллимлардан бирисиз, – дедилар Собир Абдуллага.

Шеър ўқий бошлаганларида, ҳаммамизнинг билимимиз ҳам, бошқаси ҳам фош бўлаверди.

– Ҳа, сингилжон, сиз нималарни биласиз?

– Навоийни, Лутфийни яхши кўраман. Машрабни...

Онам саводхон аёл эдилар. Кўп китоблар ўқирдилар. Окшомлари кўлларида Сўфи Оллоёр, Машраб тушмасди. Ёшлиқдан менинг кулоғимга қуйилиб қолган:

*Эй менинг хуш меҳрибон руҳи равоним, қайдасан?*

*Бу кўнгил бўстонида гунча даҳоним, қайдасан?*

Ёки:

*Дилбар юзини кўргани девона келибдур,*

*Юз нозу карашма била жанона келибдур...*

Энди... ўша пайтда Ҳамид Олимжон вафотидан кейин Фузулийга кўмилиб кетганман. Юракдан чиққан фарёд шеъри ёдимга келди:

*Дод, минг войдодким, дилдордин айрилмишам,*

*Фитна чашми соғари хунхордин айрилмишам.*

*Булбули шўридаям гулзордин айрилмишам,*

*Кимса билмас ким на нисбат ёрдин айрилмишам...*



– Кўй, кўй, юрагимни эзиб юбординг, – дедилар Ғафур ака. – Ҳа... унча-мунча билар экансизлар. Лекин шу гапни ёдда тутингларки, ҳеч бўлмаганда 25 минг сатр шеърни ёд билмаган шоирни мен шоир санамайман.

**М.У:** Ўзи азалдан классик адабиётимизнинг буюк намояндалари ҳам шоирликка даъвогарлар камида 10 минг сатр ёд билиши шарт, деганлар. Ғафур Ғуломнинг қувваи хофизаларида неча асрлик адабиёт дурдоналари жам бўлганлиги ижодларидан шундоқ кўриниб туради.

**ЗУЛФИЯ:** Ҳа, чуқур билимлари, шарқона доноликлари, табиатан гоят самимий, кенг-фёъл хислатлари билан элга севимли эдилар. Мен Ғафур аканинг ўшандай имтиҳонларининг мақсаду мазмуни биз ўйлагандан анча чуқурроқ эмасмидийкин, деб кейинроқ ўйланиб колдим. Чунки ўша давргача ёзувимиз икки бора ўзгартирилиб, ўзбек халқи икки қарра саводсиз қилинганди. Эски ўзбек ёзувидаги қанча асрлик қитоблар қатағонга учради. Шундай шароитда Ғафур ака – маънавий меросимизнинг қўлами, кадр-қимматини билгувчи инсон, ёшларнинг тарихимиздан, адабий меросимиздан узилиб қолишларидан ташвишга тушгандирлар, балки. Ахир, оқибат шундай ҳам бўлди-ку!



Ғафур акани бутун Шарк, айникса, Ўрта Осиё – қондош-жондош республикалар халқлари беҳад кадрлардилар. Ҳар қандай давранинг олдида эдилар, чунки Қозоғистонда қозок бўлиб гапирардилар, Тожикистонда тожик бўлиб, Татаристонда татарча... Биз учун у кишининг орқасидан чиқиб бориш ҳам ифтихор эди.

Ғафур ака тантиликда ҳам бир жаҳон эдилар. Ҳамид Олимжон вафотидан кўп куйдилар, кўп йигладилар. Оиламизга меҳрибонлик қилиб турдилар. “Комила аямизнинг соғликлари қалай?”, “Ҳулкарнинг ўқишлари яхшими? Омон катта йигит бўлиб юрибдими?” – деб сўрардилар. Бир куни ҳайдовчиларидан қафасга солинган иккита қуш ва оппоқкина кучукча бериб юборибдилар. “Болаларинг ўйнаб юрсин”, – дедилар. Яна бир куни қизлари Олмосхонни олиб келиб Ҳулкар билан таништирдилар: “Қизларим, икковларинг ўртоқ бўлинглар. Мана, биз ойинг билан дўстмиз, отанг билан жуда кадрдон эдик. Бугун Олмос сенинг ёнингда қолади”, – деб кўйиб кетдилар.

**М.У:** Зулфия опа, Ғафур Ғулом сизнинг шарафингизга зиёфат берган эканлар...

**ЗУЛФИЯ:** Бу воқеа ҳам Ғафур Ғуломнинг ўз оғамдек оқибатли, меҳрибон эканлигининг



бир далили. Юкорида айтганим, Тожикистондан қайтарканмиз, поезддаги шеърхонликдан кейин уй-рўзғор, бозор-ўчар ҳақида ҳам гап чикди. Шунда Ғафур ака:

– Зулфия, сенинг уйингда ҳам меҳмон кўп бўлади. Бозор, пишириш-куйдириш, кутиш-кузатиш ҳаммаси ўз бошингда. Мен сенинг ша-рафингга бир зиёфат берай, – дедилар.

Мен бунӣ шунчаки гап деб унутиб ҳам юборгандим. Бир куни рафикалари Мухаррама опа кўнғирок килиб чакириб колдилар:

– Сизни кўргимиз келди. Ҳозир машина бо-ради, келинг.

Бордим, бир пиёла чой устида гап бошлади-лар:

– Зулфияхон, акангиз анчадан буён сингли-миз меҳмон бўлиб кетсин, деб гапириб юриб-дилар. Ҳозир айна пайти, йўк деманг. Баҳона билан дийдор кўришиб ҳам оламиз.

Меҳмонларнинг рўйхатини туздик. Ёзувчи-лардан Ойдин опам, Музайяна опам, академик олима Хадича Сулаймонова, Мукаррамахоним, Саида Нарзуллаева, министр Васи́ла Содикова... Ўн бешга якин аёллар, яъни дўстларимиз.

Манзиллари ҳаммага маълум, Бешёғочдаги ҳозир табаррук кадамжо бўлиб колган уй-музей-нинг иккинчи қаватидаги катта хона. Оғамиз





кўпдан-кўп узоғу яқиндан келган кадрдонларни шу хонада қабул қилардилар.

Баҳор. Бағриларидек кенг деразадан кўклам нафаси уфуриб турибди. Оппок дастурхондаги нозу неъматлар куёш шуъласида тантанаворлик касб этган, тўкиндан тўкинлик. Ошхонада куймаланишяпти. Ҳали қовун чиқмаган эди, ёнғоқдай-ёнғоқдай кизил, олтиндай сарик ғилослар, эртапишар шафтоли, узум. Олмосхон билан келинлари Дилдорхон дастурхонга зеб беришяпти. Меҳмонлар жам бўлгач, Ғафур ака кўксиларига қўл қўйиб:

– Хуш келибсизлар, азиз сингилжонларим. Энди баҳузур ўтиринглар. Мен дарвоза олдида туриб, наинки эркак зоти, балки эркак пашшаниям ичкарига ўтказмай, ўзим қоровуллик қиламан. Хизматингизда бўламиз, – деб чиқиб кетаётган эдилар:

– Ғафур ака, битта ашула айтиб беринг. Ашулангизни булар ҳали эшитишмаган, бир хузур қилишсин, – деб илтимос қилдим.

– Қайсини айтай?

– “Йўл бўлсин-ей, йўл бўлсин”ни.

Бир стулни нарироққа суриб ўтирдилар, дугторни созладилар. Бир дам созни чертиб туриб, ашулани бошладилар:



*Йўл бўлсин-ей, йўл бўлсин,  
Босган изларингиз гул бўлсин...*

Унча баланд бўлмаган, ниҳоятда ёкимли, ширадор овоз шу қадар ажойиб жарангладики, назаримда дутор ҳам кўшилиб сўзлай бошлади. Кўзингиз олдида узок-узок кенгликлар, тонгги уфқлар куйлаётгандай эди...

Бундай меҳмондорчиликлар Ғафур аканинг хонадонларида жуда кўп бўлган. Бу саховатли, фойзли маконда тунаб қолганлар, ўз уйидагидек истикомат қилганлар қанча эди.

1960 йилларнинг бошлари. Ўзбекистонга азалдан чет эллик, айниқса, ҳиндистонлик меҳмонлар кўп келишарди. Ҳиндистоннинг Панжоб штатидан икки ёзувчи Республикамиз хақида китоб ёзиш учун бир ой муддатга келишган экан. Иложи бўлса, бирор ёзувчи хонадониде яшаб, турмуш, яшаш тарзларини кўриб, урф-одатларини яқиндан билиб, мулокотда бўлиш ниятларини билдиришибди. Бу масала юқори доирада муҳокама қилиниб, Шароф Рашидов: “Агар малол келмаса, Ғафур Ғулом қабул қилсалар, соз бўларди, – деб айтибдилар. – Чунки китоб ёзиладиган бўлса, Ғафур акадан бошқа тайёр “илмгоҳ” манба кам. Шоир, олим, ўтмиш ҳам, бугун ҳам у кишининг қафтида. Лекин бошқалар ҳам қарашиб турсин...”



Меҳмонларни мен билар эдим: Панжоб штатининг обрўли зотларидан, адиб, халқпарвар, оппоқ соқоллари кўксига тўкилган машҳур Гурбахш Сингх ва унинг ўгли Навтеж Сингхлар эди. Улар вегетариянлар, яъни гўштемаслар бўлганликлари учун таржимон билан бирга алоҳида ошпаз ҳам керак эди. “Меҳмонлар муборак”, – деб бориб-келиб турдик. Бир ой жуда жўшқин кечди. Самарқанд, Бухоро, Москвага сафар... кузатиш, кутиш... Яхшики, Ғафур ака ташвишларининг бир қисмини елкага оладиган дўсту шоғирдлари кўп эди.

Ҳурмат-эъзоз билан кузатдик, совға-саломлар ҳам катта бўлди.

Албатта, кейин Ҳиндистоннинг қатор газета, журналларида Ўзбекистон ҳақида ёзилди. Китоблар чиқди. Бу савобли вазифани адо этиш учун дунёдай бағрикенглик, дарёдай меҳр, сасийлик, мурувватлилик оғамизда жам эди. Мана шундай фазилатлар Митремир домлада ҳам мужассам эди. Бу – ҳақиқий ўзбекларга хос одат.

**М.У:** Юқорида Мухаррама ая номларини тилга олганингизда, Ғафур Ғулом хонадонлари, академик шоиримизнинг:

*Ҳар гуручи анор дона ош билан,  
Мухаррамой лаганмас, қуёш билан,*



*Кўл кўкракда, таъзим этиб бош билан,  
Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим, –*

деган сатрлари кўнглимга тизилди. Остона-сини не-не улуғ зотлар босган бу табаррук хонадон ҳозир ҳам унинг забардаст соҳиби барҳаётлигининг рамзидек файзли, кут-баракали, меҳмонга бағри очиқ... Буларнинг ҳаммасида Муҳаррама аянинг эътиқоду хизматлари бекиёс.

**ЗУЛФИЯ:** Ҳа, Муҳаррамахонимдай ажойиб, мулойим, бир сатр шеър ёзмаган бўлса ҳам, шоир дилини яхши англайдиган ва кадрлайдиган аёлни кам кўрганман. Ғафур аканинг рафикалари шундай бўлмаганда, у кишининг хар каерларга ташлаб кетган асарлари йўқолиб кетармиди?.. Муҳаррамахоним сафарларда доим бирга эдилар. Бир куни гапдан гап чиқиб:

– Мен жуда бепарво хотин бўлган эканман. Ҳамид Олимжон шеър ёзиб окка кўчиргач, кораламаларини йиртиб ташлар эдилар. Шунинг учун кўп кораламалар сакланмаган, – дедим, Муҳаррамахоним:

– Ғафур акангизнинг каламлари тагидан чиққан ҳамма қоғозларни мен саклаганман. Шеърларини окка кўчириб олиб чиқиб кетишлари билан хонага кириб ёзганларини бир ўқиб чикаман-да, найга ўхшатиб ўрайман ва кизил



ипак билан боғлаб, шкафнинг битта ғаладонига ташлаб қўяман. Агар букласам, ўша жойдаги ёзувлари ўчиб кетади, дея аяйман. Керак бўлиб колса, кўлёмаларини мен дарров топиб беришим мумкин, – дедилар.

Бу – ёзувчиларнинг рафикаларига ибрат бўладиган ажойиб одат, садокат. Муҳаррамахоним Ғафур акага келган хатларни ҳам, у кишининг бошқаларга мактубларини ҳам шу тарика сақлаган эканлар. Кейинчалик бирқанчаси босилиб чиқди. Ажойиб тарих!

Ғафур ака ҳам тадбиркор, вафодор рафикаларини жуда ҳурмат қилардилар. “Сиз” оғизлари “сен”га бормаган.

*Богимда настарин гуллаб қолди-ю,  
Баҳор ҳурмати-чун мен узиб олдим.  
Кейин ўз чаккамга тақийшдан кўра  
Бекамга тақдимни ўйлабон қолдим, –*

сатрлари ёдингиздами? “Бекам” сўзида канчалар меҳр-муҳаббат, эъзоз, фаҳр мужассам! Мени энг койил колдирган – Муҳаррамахонимнинг маданияти! Ғафур Ғуломнинг меросини кўз корачиғидай сақлаганликлари учун рафикаларига тасаннолар айтиш керак.

Шундай ота-она тарбиясида фарзандлари олим йигитлар бўлиб улғайдилар, кизлари Олмосхон отасининг ишини давом эттиряпти.



**М.У:** Ғафур Ғулом ҳақида хотира сўзлашни кўпчилик ёқтиради. Аксарият ёдномаларда у киши ғоят хушчақчақ, ҳазилкаш, баъзида сал чапанироқ қилиб тасвирланадилар. Ҳамиша шундаймидилар?

**ЗУЛФИЯ:** Яхши маънода шундай. Ўзбекнинг бағри кенг, халқчил, ўқтам ўғилларидан бири эди. “Мен вақти-вақти билан ёнимиздаги Бешёғоч бозорининг у ёғидан кириб, бу ёғигача томоша қилишни яхши кўраман. Бозор – халқ дастурхони кўзгуси. Ассалому алайкум, десам, мевафурушларнинг бири шафтоли, бири узум тутиб туради. Айланиб чиккунча мевага тўяман”, – дердилар. Бундай манзиратни мен ўзим ҳам кўп кўрганман. Бу – шоирнинг ҳам, халқнинг ҳам ўқтамлиги, мурувватлилиги нишонаси.

...Бир гал Қозоғистоннинг Эшиккўл деган жойида меҳмон бўлаяпмиз-у, мундоқ қарасам, ҳар столга иккитадан қўйнинг пиширилган калласи қўйилган.

– Вой-вуй, бизни меҳмон қилиш козокларга жуда қимматга тушибди-да, – дедим.

– Нима учун, хоним? – одатларича жиддий сўрадилар Миртемир домла.

– Анави каллаларни қаранг. Нечта қўй сўйишибди.



– Эй соддагина синглим-ей, – дедилар Ғафур ака. – Йўлда келаётганингизда ғўшт дўконига кўзингиз тушмадими? Ўша ерга келтирилган каллаларни бу ерга олиб келишган. Қозоклар ҳам анойи эмас...

Лекин ҳамдардликда, бировнинг кўнглини кўтаришда ҳам беназир эдилар. Юқорида айтдим, Ҳамид Олимжоннинг вафотидан жуда куйиб йиғладилар.

...Ҳамид Олимжоннинг вафотидан уч-тўрт ой ўтиб шеър ёза бошлаган бўлсам-да, у дод-фарёдларни ҳеч кимга ўкимасдим ҳам, ҳеч қаерда чиқармасдим ҳам. У менинг ўз дардим, ўз оғригим эди. Ҳамманинг ғаму ташвишлари ўзига етиб ортарди ўша пайтда.

1945 йилнинг баҳори. Ерда, кўкда нур. Дарахтлар гулдор гумбаздай бўлиб, уларнинг ичида куёш кукунлари чакнардди. Аллақандай беҳиштий манзара ҳоким. Ўзингни қаерга қўйишни билмайсан. Ҳамманинг кўзида хушнудлик, рухлари баланд. Бўлмаса, уруш тугагани йўқ, лекин ғалаба яқин эди. Ғафур ака келиб колдилар. Мен учун Ҳамид Олимжонсиз келган илк баҳор эди.

– Қаёқка кетяпсан? – деб сўрадилар.

– Қаерга боришимни билмайман. Ўша ёққа, – дедим кадрдон дўстлари ётган боғ томонга



ишора қилиб. – Менга ҳозир... Московда метро бор-ку, шундай ерости йўли бўлса-ю, у орқали даштларга чиқиб кетсам. На гул очиладиган ва на ўт кўкарадиган...

– Нима деяпсан? Жинни бўлдингми? Мана бу баҳорги дунёни томоша қил. Сен бундай гапларни оғзингга олма! Бу – ёмон гап. Ундан кўра шеър ёзгин, – дедилар.

Шу суҳбатдан кўп ўтмай кўксим тўлиб уйга кўпириб бордим-да, кечки овқатдан кейин болаларимни ухлатиб, уларнинг ёнидаги столимга ўтирдим. Қанча ўтирганимни билмайман. Қайнонам жуда ажойиб, меҳрибон, жаннати аёл эдилар... Хонам эшигини очиб:

– Болам, анча вақт бўлди, чарчаб кетдингиз. Ётинг, эрталаб ишга борадиган одам, – дедилар.

– Аяжон, мен жуда яхши ўтирибман. Сиз ухлайверинг.

Шеърни битирдим, окка кўчирдим, яхши кайфият билан ишга жўнадим. Лекин ниманидир кидираман. Кейинроқ бир шеърда ёзганимдек:

*Шеърим ёзиб... нуқта қўйибоқ  
Бир тингловчи қоламан излаб...*

Ишхонамда лойдай бўлиб ўтирибман. Хонадаги беш муҳаррир ўз ишлари билан банд. Бир вақт Ғафур акам келиб қолдилар.





– Қалайсан, уйда тинчликми?

– Шукур, тинчлик. Шеър ёздим, ўқиб берайми?

Мен янги ёзилган “Баҳор келди сени сўроқлаб”ни ўқий бошладим...

Азиз китобхон, бу ўша – ҳаммамизга қадрдон, севимли бўлган шеър эди. Келинг, уни Зулфияхонимдан тинглаган каби яна такрор ўқийлик:

### **БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ...**

*Салқин саҳарларда, бодом гулида,  
Бинафша лабида, ерларда баҳор.  
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,  
Баҳмал водийларда, қирларда баҳор...  
Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,  
Ўрик гулларининг эдинг мафтуни.  
Ҳар уйғонган куртаси ҳаёт берган каби  
Кўзларингга суртиб ўпардинг уни.  
Мана, қимматлигим, яна баҳор келиб,  
Сени излаб юрди, кездди сарсари.  
Қишнинг ёқасидан тутиб сўради сени,  
Ул ҳам ёш тўқди-ю, чекилди нари.  
Сени излар экан, бўлиб шаббода  
Сен юрган боғларни қидириб чиқди.  
Ёйиб кўрсатай деб ҳусн-кўркини,*



Яшил қиргоқларни қидириб чиқди.  
Топмай, сабри тугаб, бўрон бўлди-ю  
Жарликларга олиб кетди бошини.  
Фарҳод тоғларидан дарагинг излаб,  
Сойларга қулатди тоғнинг тошини.  
Қирларга илк чиққан қўйчивонлардан  
Қайда шоир, дея айлади сўроқ.  
Барида сукунат, маъюслик кўриб,  
Ҳориб-чарчаб келди, тоқатлари тоқ...  
Сўнгра жило бўлиб кирди ётоғимга,  
Хулқар ва Омоннинг ўпди юзидан.  
Сингиб ёш куйдирган заъфар ёноғимга,  
Секин хабар берди менга ўзидан.  
Лекин ётоғимда сени тополмай,  
Бир нуқтада қолди узоқ тикилиб.  
Яна ел бўлди-ю, кезиб сарсари,  
Мендан сўрай кетди қалбимни тилиб.  
“Қани мен келганда қулиб қаршилаб,  
Қўшиғи мавжланиб бир дарё оққан?  
“Бахтим борми”, дея яккаш сўроқлаб,  
Мени шеърга ўраб суқланиб боққан?  
Ўрик гулларига тўнмайди нега  
Елда хилтиратиб жингала сочин?  
Нега мен келтирган шўх нашидага  
Пешвоз чиқмайди у ёзиб қулочин?  
Қандай ишққа тўлиб боқарди тонгга,  
Камол топтирарди кенг хаёлимни.



Унинг рангдор, жозиб қўшигида  
Мудом кўрар эдим ўз жамолимни.  
Қани ўша куйчи, хаёлчан йигит?  
Нечун кўзингда ёш, туриб қолдинг лол.  
Нечун қора либос, сочларингда оқ,  
Нечун бу кўкламда сен паришонҳол? ”  
Қандай жавоб айтай, лолдир тилларим,  
Баридан тутдим-у, келдим қошингга.  
У ҳам гаминг билан кезди афтода,  
Боқиб туролмайин қабринг тошига.  
Аламда тутоқиб дарахтга кўчди,  
Куртакни уйғотиб сўйлади гамнок.  
Сенинг ёдинг билан елиб беқарор,  
Гуллар гунчасини этди чок-чок.  
Гулу райҳонларнинг таралди атри,  
Самони қоплади майин бир қўшиқ.  
Бу қўшиқ нақадар ошно, яқин,  
Нақадар ҳаётбахш, оташга тўлиқ.  
Баҳорга бурканган сен севган элда  
Овозинг янгради жўшқин, забардаст.  
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,  
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.  
Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,  
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!



Ғафур Ғулом билан суҳбатга қайтамиз.  
Шеърни диққат билан тингладилар.  
–...Қишнинг ёқасидан тутиб сўради сени,  
У ҳам ёш тўқди-ю, чекилди нари...Нима де-  
динг, қайта ўқи! – дедилар Ғафур ака.

Ўқидим.

– Яхши айтибсан!

Мен давом этаман. Кечинмалар сатрма-сатр  
босиб келиб ҳолдан кета-кета ўқиб тугатдим.  
Нигоҳларига беҳол боқаман. Зийрак кўзлари  
жикка ёш. Бирдан ўринларидан турдилар-да,  
ўкиргандай буйрукнамо дедилар:

– Ёзма бунақа шеърларни, жигарим! Шеър-  
га шоир қалбидаги ҳаяжон, бўронларнинг ўн  
фоизигина тушади. Қолган тўқсон фоизи сени  
хароб қилади, синглим! Лекин яхши ёзибсан,  
офарин! – дедилар.

Яқунловчи бандни қайта ўқиттирдилар:

*Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,  
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кунлар ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.*

– Мана бу жуда соз! – дедилар. – Энди икки  
киши учун яшаб, икки киши учун ёзишинг ке-  
рак. Аламни қалам кўтаради. Лекин ғам-андухга



мук тушиб ётиш ҳамманинг ҳам кўлидан келади. Енгишга кодирлигингни табриклайман. Омон бўл! – деб чиқиб кетдилар.

Чарчокларимни баҳор ўзининг зилол, майин кафтлари билан силаб ўтган каби енгил ўрнимдан турдим.

Яна суҳбатимизнинг аввалига қайтмоқчиман. Ғафур Ғулом халқнинг неча аср давомида босиб ўтган шарафли, заҳматли ҳаётини, йўлини дилига жойлаган аллома шоир эди. У ҳозир ҳаёт бўлганида, бугунги мустақиллик кадрини, нодир баҳосини, аҳамиятини ўктам қалби, ифтихори билан ўзгача куйлаган бўларди.

Ғафур ака бир шеърларида: “Қаламимни қабримнинг тугига даста қилинг,” – деб ёзганлар. Бу сатрга бир томондан изох ортиқча. Иккинчидан – унинг маъносини сўзларга сигдирмоқ қийин.

Биргина бизнинг халқимиз эмас, собик Совет Иттифоқи деб аталмиш бепоён ҳудуднинг юзлаб миллатлари алданиб, кул бўлиб яшаётганликларини билмай, ёрқин келажак курамыз, деб ўтдилар. Мустақиллик шарофати, зиёси билан ҳаётимизни кўринмас занжирларга боғлаб берган хуфёна қарорларнинг тилсими ечилди. Истиклол кулфи дилимизни очди, мутелик ўрнига конимизга жасорат кирди. Ам-



мо алданиш алами аччиқ, ғоят аччиқ экан. Етмиш йил давомида устингга ортилган тошларни териб ташлаш осон кечмас экан. Етмиш йиллик зах-ғуборлардан фориг бўлиш мушкул экан. Тўғри, шу кейинги тўрт-беш йилнинг ичида бугун ундок, эрта бундок бўлиб бошини баланд кўтариб юрганлар ҳам бўлди. Ва, умуман, шамолнинг майлига юриб яшаб ўтганлар ҳам... Йўқ, мен ҳеч кимнинг дилини оғритмоқчимасман. Ҳозир айти бир-биримизни кўллаб-қувватлашимиз, яхши ниятлар йўлида бирлашмоғимиз, бир-биримизнинг юрагимизга қувват бўлмоғимиз шарт.

Тарихий шароитдан келиб чиқиб адабиёт-шуносларимиз Ғафур Ғулом адабий меросига холис, ҳаққоний баҳо беришлари керак. Бу мулоҳазам барча ижодкорлар меросига тааллукли.

Ғафур Ғуломнинг ёш-ёш ижодкорларга қилган оталарча муруватлари элга маълум. Ҳозир республикада маълум ва машҳур, ҳатто Халқ ёзувчиси унвонига муяссар бўлган бирмунча шоиру адибларимиз ўзларини Ғафур Ғулом қаноти остидан катта адабиётга кириб келгани билан ифтихор этсалар керак. Бу – жуда тўғри. Майли, оқибатда ким бўлиб кетмайлик, ижодга атак-чечак давримизда кўлимиздан тутиб,



бир умрга тақдиримиз бўлиб қоладиган адабиётнинг равон йўлига солиб юборган маънавий мураббийларимизни унутмаслик олижаноблик бўлади.

Юкорида кўпроқ Ғафур Ғуломнинг ўтмиш тарихимизу авлодимиз, урф-одатларимизга эҳтироми ҳақида тўхталдик. У киши халқига келажакда ғоят яхши кунлар, ёрқин истеъдодлар насиб этишига ишонган улуг, элпарвар ёзувчи эди. Мана бу тўртликка эътибор қилинг-а:

*Бирингиз шеърда камолга етиб,  
Ишқу сўз мулкани қилурсиз обод.  
Шунда ибтидоий бўлса ҳам гарчанд,  
Менинг ёзганимни қилажасиз ёд.*

“Ибтидоий ёзганим” (Ғафур Ғуломдай шоир шеърларим демайди!) ибораси билан у ўз авлодлари истиқболига қанчалар ишонч билдиради, наслини улуглайди. Бунини унутмаслик керак.

Ғафур Ғуломдек аллома шоирнинг руҳи шод, жойлари жаннатда бўлсин!

## ҲАЁТ КИТОБИНИ ВАРАҚЛАБ...

Зулфияхонимнинг ким ёки ниманидир кутиб ортиқ бетоқат бўлганини ҳам, вақтнинг тезроқ ўтишини кутиб зерикиб ўтирганини ҳам



эслолмайман. Юриш-туришларида, иш услубларида, суҳбату тадбирларни ўтказишларида бир сокин маром бўлгувчи эди. Аслида умрнинг ғаниматдан-да ғанимат, тасаввур этиб бўлмас даражада учкур, ўтган ҳар сониянинг олдида бу дунёнинг бойлигу ганжиналари ёнғиндан сўнг қолган кулчалик аҳамиятга эга эмаслигини ҳис этиш туйғуси шоира қалбини улкан соат қапири каби тинимсиз уйғотиб, ҳушёр торттириб тургани жуда кўп сатрларида кўринади.

*Ҳамма нарса насиб сенга беўлчов,  
Фақат, фақат, фақат умрдан ўзга...*

Ёки:

*Кечанг ортга,  
Эртанг олдинга тортар,  
Қушлар барг узгандай умрингдан узиб.*

Ва яна:

*Ким бир кун,  
Бир дамнинг бир чоқ  
Сониясин тутиб қололмиш қўлда?..*

Вақт ва унинг кадри ҳақида ёзганлар, гапирганлар жуда кўп, аммо Аллоҳнинг бу бебаҳо неъматини чуқур англаб, унинг баҳосига муносиб яшаш ҳаммамизга ҳам насиб





этавермайди. Фикр юритсак, жуда кўп фурсатларимиз бу дунёнинг ўткинчи хою ҳавасларига совурилади. Рўзгорда кундан кунга тўкинлик яратиш, либослар, тўю ҳашамлар, ҳар хил давраю гурунглар – оқибати, асосан, умрнинг елдек беиз учиб кетишига сабаб бўладиган бундай ишлар Зулфияхоним ҳаётидан бегона эди. Тўғри, устознинг уйлари шинам, бекаму кўст, ўз мавқе ва эҳтиёжларига яраша таъминланган эди. Бироқ бу йил сайин такрорланиб турадиган таъмирлар, жиҳозларни тинмай алмаштириш, ўзгартириш ва янгилаш самараси эмас, балки дастлаб қурилган, жиҳозланган пайтидан дид ва нозик таъб билан шундай ҳолга келтирилган, йиллар ўтса-да, ўша китоб жавонлар, меҳмонхонадаги стол-стуллар, гиламу пардалар ўз кўркини, шинамлиги, қулайлиги, ярашимлилигини йўқотмасди. Зулфияхоним табиатида кўпчилик аёлларга хос бўлган одат – янги чикқан ва урф бўлган нарсаю буюмларга ўчлик йўқ эди. Бу ҳақда ўйлаб, излаб юришга ўз мавқеларини ҳам, вақтларини ҳам лойик кўрмасдилар.

Тақдирнинг ғалати синовими, дарсимикин бу: айна навжувон – йигирма тўққиз ёшида келган жудолик шоира қалбига суйган ёридан айрилиқда, ёлғизликда кечадиган кун, ой, йил-



ларнинг ҳар ким ҳам кўтаришга қодир бўлмаган дардларини юклаш билан бирга бу йилларни мазмун-моҳиятда садоқат, меҳнат ва ижоднинг ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган ибратли мактабига айлантирди. Аслида камуйқу эдилар. Фақат... кўпинча тунни бедор ўтказганларини сўзлари эмас, кўзлари айтиб турарди:

*Яна йилдай узун бўлди тун,  
Кўзларимга келмади уйқу.*

“Саодат” журналининг бош муҳаррири, давлат арбоби, она сифатидаги иш ва ташвишлари ёруғ кунларга етиб ортарди. Шунинг учун шоира “Тунлардан тонглари ўгирлаб олиб” мутолаа ва ижод қиларди:

*Уйқу ўмраб олиб тупроқни  
Танҳо ҳоким бўлиб юрибди.  
Лекин кўзимдаги чироқни  
Ўчиролмай заиф турибди.*

Кўпинча вақтнинг аҳамияти, уни хайрли ишларга сарф этиш ҳақида ёши улуғлар насиҳат қилишади, ҳаётини мисоллардан ибрат келтиришади. Зулфияхоним вақт, яъни, умр олдидаги масъулиятни ҳаминиша улғайган қалб билан ҳис этганини кузатамиз. У “Ҳаёт китобимни беҳос варақлаб...” деб бошланувчи машҳур шеърини



олтмиш ёши остонасида ёзганди. Ундан кейин кечган қарийб чорак асрлик умри ҳам шу сатрлар мағзидаги эътирофга ҳамоҳанг.

*Ҳаёт китобимни беҳос варақлаб,  
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.  
Табассум ўрнида қулдим чарақлаб,  
Суйиш керак бўлса – телбача суйдим.  
Кийганим ипакми, читми ё кимхоб,  
Юрак бойлигидан қилмабман парво.  
Мени огушлаган ҳаёт нақ офтоб,  
Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабоҳ.  
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,  
Ҳеч кимда кўрмайин ўзимга ўхшаш:  
Суйдим,  
Эркаландим,  
Айрилдим,  
Куйдим,  
Иzzат нима билдим,  
Шу-да бир яшаш!..*

“Инсон ўз умридан, бажарган ишларидан коникмаслик туйғуси билан яшаш керак, шунда у янги кунга яна ҳам кўпроқ орзу-интилиш билан кириб боради”, – деган китобий гапга ўрганиб қолганимиз учунми, кимлардир шоиранинг юқоридаги шеърида ифодаланган ўтган умрдан розилик туйғусини қабул қилиши қийинроқ кечиши ҳам мумкин. Аммо бу дунё ҳаётида бошга тушган ҳар қандай муш-



кул синовнинг ҳам, қувончу омад, муваффақиятларнинг ҳам охир-оқибатда бир ҳикмати, одил Ҳақ томонидан бериладиган ажр-мукофотлари борлигига ишонган инсон тақдир тақдим этган кунларни осойишта, сабру қаноат ва шукроналик билан қабул қилади, кузатади.

Агар танлаш имконияти бўлганида эди, Зулфияхоним жамиятда шоира ва арбоб бўлиб танилишни эмас, суйган ёри билан бир умр ҳамроҳликда бахтли умр кечиришни танлаган ва буни ҳақиқий саодат деб билган бўлармиди, балки. Ахир, “Қайтмас шодликларнинг қайтишин кутиб бир умр” суюкли инсоннинг ёди, согинчи, фироқида яшаш осонми?

Бирок...

*Бандага берилар умр чамалаб,  
Афсус, ҳукмидамас тошу тарозу...*

Шунингдек, рўзи азалда пешонамизга ёзилган ҳукмни ўзгартириш ҳам ҳеч кимнинг ихтиёрида эмас. Шу боисдан шоира нолимайди, афсусланмайди. Зотан, “Ҳаёт китобимни бехос варақлаб...” шеърига ҳам у ўз қалби билан юзма-юз туриб қилган ҳисоб-китоби, мулоқотидан қолган туйғуларини сиғдиришга урингандай...



*Ва меҳнатдан нақ инак қуртдай  
Тўхтамасман тинмаса қалбим –*

бу эзгу ниятнинг меваси ҳам сара, салмоқли бўлди. Хизмати билан элу юрт ҳурматини қозонган фарзандлар, ажойиб набиралар, миллий адабиётимизнинг уриб турган юрагини ҳис этиш, ёш ижодкорларга ҳамиша эътиборли бўлиш ҳамда имкони етганича қўллаб-қувватлаш ва... ҳар қанча хавасу ҳайратга арзигулик воқеа – Зулфияхоним умрининг сўнгги йилларида (80 ёшини қаршилаётганда) “Хотирам синиклари” номли ажойиб достонини яратди. Йиллар, замонлар, одамлар, дунё ҳаёти неча бор янгиланган, турланган, ўзгарган бўлса-да, устоз қалби босиб ўтган умр йўлларига баҳо беришда ўзини-да аямай, аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни айтиш шиоридан зарра чекинмайди. Шу боис дoston халқимиз кечмишининг ўтган асрдаги энг қора кунларининг сўзлардаги суратига ўхшайди. Ҳаётда кўзлари ёшланганини бирор марта кўрмаганман, одамлар ҳар ёруғ кунда мулоқот, суҳбат, иш юзасидан учратиб юрган Зулфияхоним шундай эди. Узун тунларда ёлғизлик, фироқ, соғинч, ёлғизгина битта одамга аталган ва ўша одамдангина кутиладиган меҳрга ташналик тўлиб кўксидан кўзларига тошармиди, йўқмиди – Аллоҳ билгувчи. “Хо-



тирам синиклари” достонини ёзган лаҳзаларда шоира бутун ўтган умрини қайтадан яшагандек: сўзлар, туйғулар, ифодаларда ўртамиёналик йўқ. Армон, иқдор, ўтинч, умид, тилак ва саҳролар ёмғирни кутгани каби қалби интизоринтик бўлган хуррият нурлари шуъласида ўзини кўрмоқ бахти Зулфияхонимнинг бутун вужуди, руҳиятидан момақалдирик каби ўтади, чакмоқдек сатрлар инъом этган шаррос ёмғир каби туйғулар қалбига таскин бўлганмикин?..

Насиб этса, адабиётимизга янги-янги шоирлар, илму фанга олимлару файласуфлар, жамиятга арбоблар кириб келаверади. Уларнинг ҳар бири янги оламдай, ҳеч кимни такрорламайди. Факат... халқпарварлик, юртсеварлик, поклик, садокат, ўзгаларни ҳам ўзи каби қадрлаб яшашда миллатимиз шаънини Зулфияхоним каби инсонлар улуғлаши – ҳеч қачон қимматини пасайтириб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

## “БУЮК ҲИНДИСТОННИ ЯЁВ КЕЗАМАН”


ЎзФА муҳбир аъзоси бўлган Сабоҳат Азимжонова шундай сўзлагандилар:

– Ҳеч қайси давлат раҳбари ўзининг юқори даражадаги сафари чоғида республикамиздаги “Дўстлик” жамиятига ташриф буюрмаган.



Лекин Зулфия опа бу жамиятнинг Ҳиндистон бўлими президенти бўлиб ишлаган даврларида (мен ўринбосарлари эдим) Ўзбекистонга келган Жавоҳарлаъл Неру ҳам, Лаъл Баҳодир Шастри, Индира Ганди ҳам бўлимимизга келиб, учрашувлар ўтказган. Бўлим фаолияти расмий бўлиб қолмаслиги учун ўзимизни фидо қилиб ишлардик. Ҳар хил саналарга бағишланган тадбирлар зерикарли мажлис тарзида ўтказилмасди. Қизиқарли учрашувлар, суҳбатлар, халқимиз учун гоятда сирли ва сеҳрли бўлган Ҳиндистон ҳақида савол-жавоблар тарзида ўтказиларди. Ёигин қатнашчиларига доим хона торлик қиларди.

1968 йилда Зулфиянинг ўзбек ҳамда ҳинд халқи орасидаги дўстликни, маданий алоқаларни мустаҳкамлашдаги фаолияти Халқаро Неру номидаги мукофот билан тақдирланиши бежиз эмас. Зулфия опанинг суратлар альбомларида шу мукофот топширилиш лаҳзаларидан хотира – Индира Ганди Зулфияни кучоқлаб турганда туширилган бир сурат бор. Бу суратнинг тарихи ҳам шоир шахсининг инсоний муносабатларда ўзгаларга ҳам, ўзига ҳам гоятга ҳурматда бўлишнинг бир намунаси, дейиш мумкин.





– Собик совет Иттифоқидан Неру мукофотига лойиқ топилган беш киши уни олгани Ҳиндистонга бордик. Тақдирланганлар орасида фақат мен аёл киши эдим. Мукофотни топшириш маросими бошланишидан олдин сураткашлар мендан мукофотни олгач, Индира Гандини кучоклаб, миннатдорчилик билдиришимни илтимос қилишди. “Мен ҳукумат бошлиғи билан муносабатда ўзимни қандай тутишим жоиз бўлса, шундай қиламан. Илтимосингизни, узр, бажаролмайман, мен ўз ўрнимни биламан”, – дедим. Индира Ганди одати бўйича тез-тез қадамлаб кириб келди. Минбарга кўтарилди, нутқ сўзлади, Ўзбекистонга бўлган муҳаббатини алоҳида таъкидлаб гапирди, мукофотларни топширди. Мен мукофотни қабул қилиб олиш чоғида ҳамма катори Индира Гандининг узатган қўлини қисиб миннатдорчилик билдирдим, ўрнимга келиб ўтирдим. Маросим тугагач, Индира Ганди минбардан тушиб ташқарига чиқиш учун икки-уч қадам қўйди-ю... шартта орқасига бурилди, мен томонга кулимсираб кела бошлади. Пешвоз чиқдим, мени маҳкам кучоклади... Сураткашларнинг ниятлари амалга ошди – шу лаҳзаларни муҳрлашди...

Ҳукумат бошлиғи бўлишига карамай, Индира Ганди нақадар оддий ҳаёт кечирishi, халққа





яқинлиги тўғрисида жуда кўп гапиришганди. У туғилган кунларида дарвозаси олдига қўйилган курсига чикиб ўтираркан. Кўчани тўлдириб премьер министрни табриклагани келган халқ бирма-бир табригини, тилагини билдириб ўтиб кетавераркан. Шу тариқа ҳукумат бошлиғининг туғилган кунини нишонлаш маросими тамом бўларкан-да, тушдан кейин у яна ўз ишхонасига кетаркан. Охир-оқибат Индира Ганди ўша – халқдан табрик қабул қилган жойда душман ўқиға дучор бўлди. Улуғ инсоннинг қони тўкилган жойга ёдгорлик лавҳи ўрнатилган, устидан гул аримайди.

– Ҳиндистонда ҳатто менинг отам бор, – дегандилар ўшанда оғир сукунатдан кейин суҳбат руҳини ўзгартириб Зулфия опа. – Панжоблик кекса шоир Гурбахш Сингх ўз қишлоғига олиб бориб, одамларни йиғиб, улар орасида мени ўзига қиз қилиб олганлигини билдирганди.

Ҳатто ёз фаслида ҳам Зулфия опанинг елкаларига солиб юрадиган бир нафис, чиройли рўмоллари бор эди. Ўша рўмолни Гурбахш Сингх совға қилган экан. Чунки панжоблик қизларнинг ҳаммаси шунақа рўмол ўрашар экан-да!

Ўша хотираларни эслаб, Зулфия опа қуйидагиларни сўзлаб бергандилар:



– Ҳиндистондаги шеърӣ мубоҳаса Шарк адабиётидаги мушоирадан тамоман бошқача. Жамики тўпланган одамлар бу мусобакага ҳакамлик қиладилар, улар ҳеч кимни юз-хотир қилиб ўтирмайдилар. Шеърнинг ёккан-ёкмаганлигини тортинмай билдираверадилар. Яхши асарни такрор-такрор ўқишга мажбур қилишади, одамлар мисраларни, бандларни, шеърнинг ўзини дарров ёдлаб оладилар-да, гал сайин завққа тўлиб уни шоир билан бир-ға жўровоз бўлиб такрорлашади. Биздаги учра-шувларда айрим шеърхонларни одоб юзасидан, албатта, қарсақ чалиб олқишлашади, аммо у ерда бунақа сунъий қарсақбозликка ўрин йўқ. Мен бир гал шоир Файз Аҳмад Файзнинг шеър ўқиганини кўрганман. Унинг бир шеърини ўн мартача такрор ўқиттиришди, пировардида катта майдондаги шеър мухлислари уни батамом ёдлаб олдилар”.

Аҳолисининг қатта қисми саводсиз бўлган Ҳиндистонда мушоиранинг адабиётни тарғиб этишда мислсиз восита эканлиги Зулфияни ҳайратга солди, ўзи ҳам бу адабиёт байрамла-рига қўшилиб кетди.

Ана шундай талабчан, нозик табиатли ҳа-кам – ҳинд назм ихлосмандлари орасида Зул-фия шеърлари эътибор топди, дилларнинг



хамдардига, ҳамрозига айланди. Зулфиянинг 1970 йилда Халқаро Нилуфар мукофотига лойиқ топиллиши – унинг шоир сифатида қатор мамлакатларда ҳурмат қозонганининг эътирофи ифодаси бўлди.

– Менинг илмий изланишларим, ишим Бобур, бобурийлар, “Бобурнома” асаридан бўлганлиги учун Ҳиндистон сафарида кўп бўламан, – деб фикрларини яқунлаган эдилар профессор Сабоҳат Азимжонова. – Ҳиндистонда қаерга бормай, мен билан суҳбатдош бўлган одамлар, албатта, энг аввало, “мадам Зулфия” ҳақида сўрайдилар. Ҳиндлар Зулфияни ажойиб инсон, нозик дидли шоира бўлганлиги учун жуда яхши кўрадилар. Зулфия опанинг ўзлари эса бу ҳурмату эъзозни “Ҳинд халкининг бобурийларга ва улар шарофатидан ўзбек халқига меҳру эҳтиромидан,” – деб шарҳлар эдилар. Беш юз йилдан буён ўзбегу ҳинд халқи қалбида бир муштарак дўстлик чаманзори бор экан, демак, Зулфия опа ҳам бу муқаддас богга бир чиройли кўчат ўтказганлардан бўлиб қолди.

## УМР ШОМИДАГИ ҚУТЛУҒ ТОНГ

*Яллагланиб ётар кекса хотирам,  
Ичида шу дардлар, тигли синиқлар...*



*...Холбуки, нур ичра далаю дарам,  
Холбуки, боғимда булбул чах-чахлар.  
Хуррият, келдинг-ей, наҳотки, келдинг.  
Келар йўлларингда пинҳона толдим.  
Менинг ота-онам, эсон Ватанимда,  
Элим тақдирида абадий қолдинг.  
Келдинг-ей, Истиқлол, истиқбол бўлиб,  
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.  
Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб,  
Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим...*

## ЗУЛФИЯ

Гулдурос чакмоқ коронғу тунни яраклатиб ёритгани каби тарихимизнинг энг саодатли ониди Юртбошимиз мамлакатимизни мустақил деб эълон қилганларидан буён истиқлол ҳақида жуда кўп асарлар яратилди. Уларнинг орасида Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним ўзининг саксон ёши арафасида яратган “Хотирам синиқлари” достони бетакрор, бетимсолдир.

*Хуррият, келдингми, наҳотки, келдинг...*

Достоннинг илк сатрларидан бошлаб Зулфияхоним бир умрлик ростгўйлиги, қайсидир вазиятларда ўзини жабрланган қилиб кўрсатиб, обрў олиш илинжидан йироқчилигига содик қолади. Қарийб бир аср давомида неча авлоднинг эрк, истиқлолга интилган вакиллари жу-



вонмарг қилинганига қайта-қайта шоҳидлик шоира қалбини шу қадар зада, чалажон, зоринтизор этганки, у рўпарасида бор-бўйи билан турган ҳақиқат қаршисида бутун вужуди қалбга айланиб сўзлаётгандек:

*Хуррият, келдингми, наҳотки, келдинг...  
Пинҳона соғиндим, пинҳона кутдим.  
Ёмғирга бағрини тутган саҳродек  
Сенинг насимингга қалбимни тутдим.*

Достондаги “Тангрининг айри ихлос билан яратган” она образи – “Қароғида меҳр шамлари ёниқ, Гуллаган ўриқдай ораста, Сўфи Оллоёру Девона Машраблар баёзларини ўпиб кўлига олган, фарзандлари дилига “Мумтозлар назмини сочган” окила, олима, сабр-бардошда тоғлардан вазмин момоларимиз тимсоли.

...Шу ўринда юрагимга неча йиллардан буён тигдай ботадиган бир фикрни айтмоқчиман: “Ёв қочганда ботир кўпаяр”, – деганларидек, мустақилликка эришганимиздан кейин тарихни таҳлил қилувчилар орасида: “Қатағон йилларида фалончини фалончи ҳимоя қилиши мумкин эди, лекин бундай қилмаган”, – деб ёзганлар, гапириб юрганлар бўлди.

Ўтган асрнинг 37-йиллар кирғинбаротлари пайтида Зулфия опанинг ҳам Нормат акаси



хибсга олиниб отилган. Бу ҳақда сўзлаб: “Акам камалгач, биз – содда одамлар унга кўрпа элтиб бермоқчи бўлибмиз. Яна қанақасидан денг, онам билан мен атлас кўрпа кўтариб олганмиз. Тошкентдаги барча қамокхоналардан излаб, суриштириб чикдик, акамни узок дараклаб тополмадик. Кейин маълум бўлдики, ўша – биз сўраб-суриштириб юрганимизда, акамни аллақачон отиб ташлашган экан”, – дегандилар.

*Онам қўлларида муштдай тугунчак,  
Тош шаҳарни кезар авахта излаб.  
Авахта нечадир, зор она неча,  
Нечалар яшарди замонни “сиз”лаб.  
...Куни бўйи кезиб, букчайиб, толиб,  
Кекса бағрин ерга бериб ётарди.*

Ҳар бир онгли, ақлли инсоннинг бошига кулфат, ўлим соя ташлаб турган ўша замонда ўз жону жигарининг-да хабарини тополмай, гам-мотамга ботганларнинг аҳволини тушунмоқ уларга эллик йиллардан кейин баҳо бермоқдан мураккабрак жараёндир... ва яна... ким ҳақида гапираётганимизни, бунга нечоғлик ҳақдорлигимизни яхшилаб мушоҳада қилмогимиз шарт! Яна энг эътиборли жиҳати шундаки, лирик қаҳрамон ҳаёт ҳақиқатини бор ҳолича тан олади. Баландпарвоз сўзларда ўзини эл-



парвар қилиб кўрсатишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Севгига шоҳлар бутун бойликларини нисор этиб, гадолар эса умрларини тикиб тиз чўккан. Дунёнинг ажиб савдоларини қарангки, замона занжири ҳарки эзгулик, одамийлик, адолатни бўғиб ўлдираётган ўша йилларда Зулфия муҳаббат саройида ўзини йўқотган эди:

*Менми? Мен шу қадар ёш эдим ҳали,  
Ёшлиқ, гам бегона бир-бирларига.  
Қутулмоққа андуҳ ботқоқларидан  
Осилдим муҳаббат шодликларига.  
Менми? Мен ишқ отлиғ бир жаҳон аро  
Шеър тинглаб, шеър тизиб – шеърларда қолдим.  
Беҳиштий жаранглар жонимга оро –  
Ўзимнинг бахтимда ўзим йўқолдим.  
Бахт қасримга кириб мени тонди дард,  
Уруш, ёзда ёгган қор каби ўлим.  
Ўттизга етмаёқ сочим қор ялаб,  
Кўз ёшим сойига тўкилди гулим.*

Шўро тузуми миллатимизни камситишдан токи олим, фозил, арбобларгача кўрқиб яшашлари учун зулм машинасига байроқ ўрнатиб, халқни ўзининг энг азиз фарзандлари азасида ҳам порлоқ келажак ҳақида оташин нутқлар сўзлашга мажбур этди.



Алам, ёмон алам кўзинг кўр бўлса,  
Лекин сўқир диллик ундан-да даҳшат.  
Халқ ганжин юлмоққа чўзилган қўлга  
Биз алвон гулдаста тутибмиз фақат.  
“Ватанпарвар” дебмиз ўз-ўзимизни,  
Денгизлар қурибди, чирибди балиқ.  
“Инсонсан, бошингни кўтар”, – демабди,  
Кўнглинг қолганмиди бизлардан, Холиқ?

Достоннинг учдан икки қисмини ташкил этган хотиралар баёни на ўз-ўзини оклаш ва на ўз-ўзидан нолиш... балким яратиш, чин маънода инсоний бахтга эга бўлиш, халқу ватан иқболига ҳаётбахш нур каби сингиши мумкин бўлган умрнинг маккор тузумга қурбон этилганидан қалб оламини тўлдирган алам, изтироб – хотира синиклари.

Ўзининг қора кунлари, соврилган умри учун афсус-надоматдан ҳам кўпроқ “Иймону ишончи бутун, беиллат, Илму ҳикматларга ёр миллат”нинг кўргиликлари – шоирнинг изтироблари. Достон якунига қараб бораркан, лирик “мен” бу дунёдаги сўнгги ибодатлари чогида “Умримни нималарга сарфладим-у, у дунёга нималар олиб кетяпман?” – деб ўзини сарҳисоб қилади:





*Қай бири вазминроқ: савобми, гуноҳ?  
Яшадим-ку риё, ҳаромдан нари.  
Куйганман. Бош-оёқ куйган жонимнинг  
Нимасин ёқарди дўзах ўтлари?*

Умрларининг сўнгги йилларидан ўктам бир садо бўлган бу дostonда ҳам шоира тақдирнинг кўзига тик, очик юз билан қарайди, тилу дил бирлигига садокати яраклаб туради:

*Ёшим кетиб-кетиб тордай тарангман,  
Капалак шарпаси тегса, узилар.  
Чидай-чидай юпқа тортган парангман,  
Чўян бўлса ҳам дил – қулфи бузилар.*

Тақдиримда қарийб йигирма йил мобайнида Зулфияхоним билан гоҳ каттаю кичик давраларда, гоҳида ўзлари билан ёлғиз қолиб суҳбатларини олмоқ, ўрганмоқ, баҳраманд бўлмоқ толеи бор экан, беадад шукр. Эгниларида ҳамиша одмию сипо либос, ҳамиша ўйчан, теран бокувчи кўзларида на элга машхур шоирлигидан, на арбоблигидан кибр, эътиборталаблик кўрмаганман.

Давраларга, одамларга қараб ўзгармасдилар.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров бир суҳбатда жуда гўзал ташбиҳ қилиб: “Ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётда Зулфияхоним орбитаси пайдо бўлди”, – деганди. Ҳа,



бу орбита ўзининг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний гўзалликлари билан жозиб эди. Бадий ижодда нозик дидли, илми, хижрон сатрлари, аёл – онанинг ўктам овози билан Шарқ адабиётининг таникли намояндаси, қаерда бўлмасин, ўзбек миллати – Ўзбек аёли номидан гапирмоқ шафафи, масъулиятини покиза тутган шахс эди. Бу орбита атрофида кимлар нима илинжларда айланган бўлишлари мумкин... Лекин Зулфияхоним йигирма тўққиз ёшида зиммасига тушган икки фарзандга ҳам оналик, ҳам оталик бурчини-да бегард адо этди. Табиатида шаъни, ор-номусига заррача ғубор тушириши мумкин бўлган ҳар қандай манфаатни сўзсиз рад этгувчи устуворлик, мардлик бор эдики, худди шу фазилатлари боис миллатнинг, адабиётнинг вакили сифатида катта минбарларга кўтарилишга ҳақли, муносиб эди.

Зулфияхоним қарийб ярим аср мобайнида адабиётимизга кириб келган умидбахш қалам соҳибларини, айниқса, аёл ижодкорларни ҳар жихатдан қўллаб-қувватлади.

...Устоз ҳақларида қачон чуқур ўйга ботсам, шоиранинг 80 ёшлари муносабати билан республикамизда, Тошкентда бўлиб ўтган тантаналарни эслайвераман, юрагим тўлқинланаверади. Дунё кезган, жаҳоннинг катта минбарларидан



шеърлари жаранглаган, Шарк адабиёти юлдузлари орасида ўрни, мавқеи бўлган Зулфияхоним ўша кунларда тақдирдан шунчалар миннатдор, бахтиёр эдиларки! Назаримда, ҳаётлари давомида кўрган-кечирган эҳтиром, байрамларнинг энг улуғи, азизи мана шуниси эди. Айникса, Юртбошимизнинг махсус табрикномада Зулфияхонимни ўзбек адабиётининг Увайсий, Нодира, Зебуннисо каби юлдузлари каторига қўйиб эъзозлашлари XX асрнинг чин маънодаги Шахси бўлган Зулфияхонимни севган, кадрлаган, шундай шоираси билан фахрланган инсонлар учун икки қарра байрам бўлганди. Чунки бу – Зулфияхоним шахси борасида адабиёт ва тарихга оид яна бир ҳақиқатнинг тантанали эълон қилиниши эди.

*Руҳим у ёқларга қуш бўлиб учар... –*

деб шоира “Хотирам синиқлари” достонига хотима ясайди.

Миллатнинг, авлодининг Хурриятга эга бўлганини кўриб, бу бетимсол бахтдан ўзи ҳам баҳраманд бўлиб, Зулфияхонимнинг “Руҳи у ёқларга қуш бўлиб учгани” рост бўлсин.



## СЕНДАН ҚАРЗИМ КЎП, СЎЗ!

(Эссе)

– Зулфия опа, нега индамайсиз?

...Ўтган асрнинг 30-йилларини бор ҳолича тасаввур этишимизга на тарих китоблари, на оҳанрабо тасмаларида қолган хужжатли ёки адабий-бадий лавҳалар ёрдам бера олади! Минг-минглаб одамларнинг қалбидан ўтган изтироб, азоб, даҳшатлар ёлғиз Яратганнинг ўзига аён. Академик шоир Ғафур Ғуломнинг:

*Ўнинчи йилларнинг  
Саргардонлиги  
Иситма аралаш  
Кўрқинч туш каби  
Хаёл кўзгусидан  
Ўчмайди сира, –*

сатрлари битта тақдир хотираларига сарлавха бўлиши мумкин, холос.

...Янги келинчак онаизори билан биров бировга юпанч бўлишдан, маслаҳат ёки хол-аҳвол сўрашдан ҳам кўрққан замонда қўлларида тугунчак билан эрта тонгдан кеч шомгача Тошкент кўчаларида саргардон кезишади. Турмалар эшикларини умид билан қоқишади, жавоб: “Ундай одам йўқ. Фалон жойдаги хибсхонада



бўлиши мумкин”. Ёлгизгина мурод – она учун фарзанд, келинчак учун ака бўлган жигарбандини бир кўриш, унга насиба узатиш, қоқ ерда ётмаслиги учун кўрпа келтириб бериш. Ҳибсхоналарнинг ҳаммасини сўроқлаб чиқишади, жавоб – битта:

*Онам қўлларида муштдай тугунча,  
Тош шаҳарни кезар авахта излаб.  
Авахта нечадир, зор она неча,  
Нечалар яшарди замонни сизлаб.  
Куни бўйи кезиб, букчайиб, толиб,  
Кекса бағрин ерга бериб ётарди.  
Биз ночор бир-бирга эзилиб боқиб,  
Сукут денгизига оғир ботардик.*

Лекин бу саргардонликлар, хорликлар, согинчу саробларга бир таскин бор эди – умид! Уларнинг ҳаммасини ямлаб ютгувчи фожиа аллақачон юз берган, 1937 йил катағон қурбонлари орасида ўғил-ака аллақачон отилиб кетган, аммо она ва сингил ҳамон авахталараро сарсонликда уни сўроқлаб юрардилар.

*...Сабр, қаноатдан яралган элим,  
Сўқир ҳам ўзига сўқмоқ излар-ку!  
Норгул ўғилларинг қирилди қушдай  
Сибирнинг нур тушмас ўрмонларида.  
Сен эса яшардинг мисоли тушда,  
Туртиниб гофиллик туманларида.*



Ниҳоят, 1990-йилларга келиб ўзини миллатнинг жонкуяри, фидойиси деб тан олган авлод вакилларидан бири, бобоси ёки момосини саволга тутган каби катта йиғинда “оташин” сўзлар айтади. Бундан ярим аср аввалги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилади, халқ “дўстларию душманлари”ни ажратмокчи бўлади. Минбардан туриб савол ташлайди:

– *Зулфия опа, сиз нега жимсиз?*

Бу савол заминида ётган маъноларни завқшавқ билан муҳокамаю мулоҳаза қиладиганлар ҳам топилади. Фақат Зулфия опа – ўша пайтда ўз туғишган акасини ҳимоя қилиш қаёқда, ҳатто унинг тақдири охир-оқибат қандай тугаганидан ҳам хабар тополмай доғда қолган ёш аёл на матбуотда, на катгаю кичик давраларда бу ҳақда тиш ёрмадилар. Ҳолбуки, тарихнинг зулмат кўчаларида ўзининг ярим асрлаб “Зиё излаган, топмаган, жабрланган, фидо қилган”лиги ҳақида ёзганлару сўзлаганлар оз эмасди.

“Нечалар яшарди замонни сизлаб” – шоира тарихий ҳақиқатни тан оладилар. Қандайдир илинж билан тақдирнинг тухфаси ёки синовларини инкор этиш Зулфияхоним табиатига ёт эди.



*...Эй гумбазигардун, қолдимми гофил,  
Ишонч, эътиқодлар чиқди пучларга?!  
Суяниб, нажотлар кутгандик наҳот,  
Бизга чоҳ қазиган қора кучларга?!  
Ким билсин, савоб деб уринишлар ҳам  
Замона созига ўйинми бари.  
Дейдилар: Яратган энг улуг ҳакам,  
Ҳеч қачон адашмас торозулари.  
Қай бири вазминроқ: савобми, гуноҳ,  
Яшадим-ку риё, ҳаромдан нари.  
Куйганман. Бош-оёқ куйган жисмимнинг  
Нимасин ёқарди дўзах ўтлари.  
Бу дунёда кўрган азоб, кўз ёшлар  
Савоб посангисин хиёл босарми?  
Гумроҳлик палласин тўлдирса тошлар,  
Энг баланд дорига мени осарми?*

Зулфияхоним акасининг қурбон бўлганлиги, кейинчалик “Ҳижрон сатрлари” туркуми учун сиёсий душманларга ҳамкорликда айбланиб, маънавий сургунларга маҳкум этилганлигини айтиб... йўқ, унинг учун вазиятлардан қандай бўлмасин, ўзини оқлаб чикиб кетиш муҳим эмасди... йўқ, Зулфияхоним ўзини оқлашни ёмон кўрарди, буни ўзига муносиб билмасдилар, бу борада сўзга юкинганларини билмайман.

Устознинг лабларини маҳкам қимтиб бир нуқтага тикилиб қолган ҳолатдаги суратлари



*Энг гүллаган ёшлик чоғимда  
Сен очилдинг кўнгил боғимда...*

Ҳамид Олимжон







Қадрдонлар.




Зулфия ўғли Омон ва эвараси Комила билан.



Дунё таниган шоирлар Зулфияхоним меҳмони.



Ҳамкасблар Зулфияхоним хонадоннда.



*Севаман, олтин куз, севаман жондан  
Атлас табиатли гўзал чоғингни.*

Зулфия



Оила даврасида.  
[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kuruibxonasi



*Теранлик бۇ – нур ёгилган юзлардадир,  
Теранлик бۇ – ўйчан боққан кўзлардадир.*

Эркин Вохидов



Шоира замондош ижодкорлар таврасида.

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) [kurubxonasi](http://kurubxonasi)



масалада оғирликлари тушишини истамасдилар.

...Баъзан эрталаб ишхонага янги чиққан шеърий тўпламдан олган тассуротлари огушида кириб келардилар:

– Бу кеча фалончининг янги китобини ўқидим. Зўр-а! Биз ҳозирги ёшлардақа ёзолмаймиз, – дея янги китобдан ёд олган сатрларини айта бошлардилар. Кейин шунчалар табиий, самимий оҳангда орзулаган каби кўшиб кўярдилар:

– Мен шу шоирни бир кўра-ай...

Нега “Кўришим керак”, “Олдимга келсин”, “Телефонда чакиринг”, – демасдилар? Масалан, мени Марғилондан ишга таклиф қилиб олиб келиб, иш ва турар жой билан таъминлаганлар. Фарғонада беш йил редакцияларга катнаб, ҳатто туман газеталаридан оддий котибалик вазифасини ҳам ололмаган бир қизни ўша пайтда республиканинг энг обрўли нашрларидан саналган “Саодат” журналига бўлим мудирини этиб тайинлагандилар. Бош муҳаррир сифатида ҳам тўғридан-тўғри ҳар қандай топширик беришга ҳаддилари бор эди. Лекин Зулфияxonимнинг сўзлариям ўз обрўсини сақлаб турарди ғўё.

...Ўшанда эрта тонгда кўнғирок килдилар:

– Имкониятингиз бўлса, келсангиз...



Бордим, ранглари синик эди, кўзлари...

– Ўқидингизми? – дедилар столда ётган журналга ишора қилиб.

– ...

– Мен унинг бу асарни ёзганидан заррача хафа эмасман. Ижодкор ўзи хоҳлаган нарса, воқеа ҳақида ёзиши мумкин. Лекин мени бошқа нарса қийнапти: яхши кўрганымдан уни ёнимга, уйимга кўп чақирардим. Менга нисбатан дилида шундай гаплар бор бўлган одамни ёнимда узоқ-узоқ ўтиришга мажбур қилиб қийнаб қўйганим учун ўзимни кечиролмаяпман...

Охиста юзларига қарадим. Нигоҳларини шарт ёнга бурдилар-да, ўринларидан туриб ичкарига йўналдилар...

...Меҳрнинг, муҳаббатнинг кимгадир озори етишини ўйлаб азобланиш... Дунёда мана шундай туйғу ва олижаноблик ҳам борлигини ёшим қиркка борганда кўрдим, англадим, ишондим. Ажаб, устознинг меҳр-муҳаббатлари ҳам шу қадар назокатли, донишманд, дунёда шахсий манфаат дефган ожизлик борлигини билишним истамаган поклик, улуғворлик эди.



\* \* \*

Зулфияхоним умрларининг охирги йилларида Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан кўрган эъзозлари аёллик, ижодкорлик, инсонийлик, миллий ўзлигу виқорлиликка берилган энг муносиб мукофот бўлди. 2008 йилнинг 1 март куни шоиранинг кўркем сиймоси қад кўтарган майдонга гуллар билан оқиб келганларнинг аксарияти кўзларига ёш қуйилиб келганини ўзлариям сезмасдилар. Аллоҳнинг марҳамати, бандасининг меҳр-муҳаббати ва ихлосининг меваси бўлган ҳайкалда санъаткор Зулфияхонимнинг зоҳирий, ботиний оламини мужассамлаштиришга интиланди. Бу кун адабиётнинг, муҳаббат уюмиди, поклик ва олижанобликни ҳамда бу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган Зулфияхонимни қадрлаган халқимизнинг маънавий байрамига айланди.

Сокин, салобатли овозлари “Ўрик гуллаганда” мусикаси қанотларида ҳаволанаётгандек:

*Хуррият, келдинг-ей, ал-омон келдинг,  
Сени қалбим, кўзим, сўзларим қучар.  
Вақт етса, шу халқда қолар дафтарим,  
Вақт етса, бу ёқда қолар дардларим...  
Руҳим у ёқларга қуш бўлиб учар...*



Ниҳоят, умримда топган энг бебаҳо сўз – қалб бойлиғимниям бугун ошкор этгим келди: хайкалнинг очилишига бағишланган тантана пайтида бир-биримизни табрикларканмиз, шоир Минҳожиддин Мирзо фақат иккимизга маълум гапни яна такрорлади:

– Зулфия опа менга сиз ҳакинғизда “Мухтарама – маним кўнгил маҳрагим” деганларини ҳар доим эслаб юринг!

Биламан, шоир укам зиммамдаги масъулиятнинг қанчалар нозиклигини тағин бир қарра эслатиб қўймоқчи бўлди. Устознинг бу гапларига муносиб бўлмоқлик насиб этармикин? Мен эса... баъзан сукутлар энг тўғри жавоблар бўлган жойларда минбарга интиламан ва сўз олдидаги қарзим ботқоғига чуқурроқ ботиб беравераман...

### **ОНА ЎЗБЕК ТИЛИМИЗДА...**

Зулфия опа Тошкентда туғилиб, Тошкентда улғайган, бир ибора билан айтганда, асл тошкентлик бўлсалар-да, тилларида Тошкент шеvasига хос қўшимчаю иборалар умуман йўқ эди. Бунга сабаб ёшлиқларидан оналари, илк ҳарф танитган Сиддиқа отин ва Қори домла китоблар, адабиёт орқали ўзбек адабий тили-





нинг гўзал, бетакрор оламига ҳам олиб кирганликлари бўлса, ажабмас. Албатта, тил маданиятини шакллантириш, ривожлантиришда китоблар ўрнини босадиган восита топилмайди. Лекин... беихтиёр мулоҳаза туғилади: кўп китоб ўқиганларнинг ҳаммасиям адабий тилда гапиравермайди-ку!..

Зулфияхоним тил миллатнинг ўзлиги, маънавий бойликларини бағрига олган ва келажакка элтувчи дарё, шу билан бирга, халқнинг муштарак бойлиги бўлиб, унинг кифофати, латофати, қатъияти, ҳарорати, жозибаларини асраб-авайлаш миллий бурч эканини чуқур англаган шахс эди.

Фаол ҳаёт кишини хилма-хил табиатли одамлар билан учраштиради. Сизни тушунадиган ва тушунмайдиган; ҳар хил вазиятларда рози ёки норози; ширинсўз ёки аксинча... метин асаблар ҳам бардош беролмайдиган ҳолатлардан доим ҳимояланиб бўлмайди. Шундай пайтларда тилнинг тиғига қарши тилни қайрамаслик, заҳарига қарши заҳар сочмаслик, ҳақоратга ҳақоратни қалқон қилмаслик, қалбга санчилган сўз ўқига жавобан сўз нишини отмаслик – қандай улуғвор фазилят! Шу фазилятнинг ўзи билангина инсон шаъни, кадри қанчалар юксалиши мумкин. Зулфияхонимнинг



каламидан, тилидан ҳатто кўпчилик учун оддий бўлиб қоладиган “аҳмоқ”, “ноинсоф”, “нодон”, “калтафаҳм” каби сўзлар умуман айтилмасди. “Коса тагида ним коса”, “Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит” кабилида лукма ташлаб ёки ҳазил тарикасида дилларга озор беришдан умуман бегона эдилар.

“Саодат”да ишлаб юрганимизда, бемор бўлиб шифохонага тушиб қолдилар-у, журналда босиш учун тайёрланган бир неча мақолани тасдиқлаштириш учун олиб бордим. Шифокорлар ўқишнинг, ёзишнинг таққиб қўйишган экан.

– Материални ўқинг, – дедилар ёстиққа суяниб ўтирган куйи.

Мен Зулфия опани толиктириб қўйишдан кўрқиб, ишни тез тугатиш мақсадида мақолани шариллатиб ўқий бошладим.

– Тўхтанг, – дедилар бир пайт. – Шу гапни қайта ўқинг.

Бошқатдан ўқидим. Ундаги бир сўзни такрорлаб: “Нима дейсиз? Ўз ўрнига тушганми?” – дедилар. Ҳақиқатан ҳам, ҳалиги сўз гап мантиғига умуман мос эмасди... Бунга ўхшаш ҳолатлар кўп бўлган. Демокриманки, ҳар қандай вазиятда ҳам сўзларнинг ўз ўрнида ишлатилишига жуда эътиборли эдилар.



Зулфияхонимнинг ўзига хос сўзсиз сўзлашувлари бор эди: меҳрлари товланса, кулимсираб тикилиб қолардилар; ниманидир ёқтирмасалар ёки маъқулламасалар пастки лабларини қимтиб бош чайқаб қўярдилар; номаъқул ҳолат ёки ифодадан аста юз ўгирардилар...

Кексаликнинг кийинчиликлари кўпинча одамнинг тилига ҳам таъсир қилади: ёши улғайган сари тажанг, кўнгли тор, асабий, инжиқ бўлиб қолганларни кўп кўрганмиз. Бу ўзгаришлар аввало ёши улуғларнинг муомаласи, гап-сўзларида кўринади. Шунга қараб “Фалончи чиройли қарибди ёки бунинг тескариси...” каби хулосалар чиқарилади. Зулфияхоним суҳбатнинг ҳамма турларида умрларининг охиригача меъёрни бирдай сақлаганларига ҳамиша ҳавасда бўлганмиз.

Сўзларнинг баландпарвоз, мубҳам, мужмал туйғулар ифодаси бўлишини ёқтирмасдилар. Ажаб, инсоннинг тилиям ўзига ўхшаб кетарканда! Зулфияхонимнинг сўзлаш оҳанги, гап услуби табиатидан андоза – қатъий, салобатли, самимият ва аниқ ифода билан чиройли эди. Яна бир ибратли жиҳати – тилнинг софлиги эди. Жуда кўпчилигимиз учун “центр”, “медсестра”, “парк”, “остановка” каби хорижий сўзларни ишлатиш оддий ҳолат бўлиб қолган. Устозимиз



рус тилининг жуда нозик жиҳатларигача англаб, хис этардилар, аммо ўзбек тилида суҳбатлашганда ўрисча сўзларни умуман аралаштирмасдилар. Ўз шеърларининг рус тилига ўгирилиши ва рус тили орқали бошқа хорижий тилларда ҳам янграшини ўйлаб шошилмасдилар, биринчи навбатда таржима сифатига ўта талабчан эдилар. Шоиранинг шеърларини рус тилига ўгирган машҳур, моҳир таржимонлар ҳам таржимани аввало опанинг ўзларига кўрсатиб, фикрлари бўйича кўпинча қайта ишлашарди, маъкул кўрсаларгина нашр эттиришарди. Бу фикримни тасдиқловчи ёзишмалари анчагина.

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб токи мустақиллигимиз эълон қилингунча айрим юртдошларимиз рус тилида сўзлашишни юкори маданиятлилик белгиси деб билдилар. Нафақат боғча, мактаб, ишхонада, балки уйдаям рус тилида гаплашиш, айниқса, марказий шаҳарларда “мода” бўла бошлади. Зулфияхонимнинг ўзиям, фарзандлариям рус тилини яхши ўқиб ўрганган бўлсалар-да, хонадонларида фақат ва фақат она тилида гаплашганларининг гувоҳи бўлганмиз.

Инсон ўзида топилмаган нарсаларни ўзгалардан сўрайди, излайди, таклид қилади... Зулфияхоним ўзбек она тилимизнинг ифодаларга бойлиги, жозибаторлиги, жарангдорлигини қал-



бан, руҳан ҳис этган; тилимизнинг барча жилोलарини мумтоз адабиётимиз орқали қону жонига сингдиришга уринган ва бу хислатни халқига, келажак наслларга ҳам “юқтириш”га бел боғлаган ижодкорлардан эди. Бизнингча, умрининг энг эзгу ниятлари қаторида бу мақсадига ҳам эришди.

### КУНЛАРДАН БИР КУНИ...

Тошкентга янги келиб ишлай бошлаган йилларимиз... Дугонам Қутлибеканинг ўз даврадошларимиз орасида меҳр билан гапириб юриши шарофатидан менинг овқатларни ширин пиширишим (бу энди... дугонамнинг фикри!) анча-мунча овоза бўлиб кетганди. Зулфия опа ҳам буни эшитганмидилар ёки қизларнинг ҳаммаси чучвара тугишга уста бўлади, деб ўйлаганмикинлар, билмадим, хуллас... Хонада ишлаб ўтиргандим, шошилиб кирдилар-да, ўша кунларда Тошкентда меҳмон бўлиб турган ижодкорларни уйларига меҳмонга таклиф қилганларини айтиб, “Бир оздан кейин бизникига борамиз. Чучвара қилиш керак”, – дедилар.

Онам ошхона ишларини, пишир-қуйдирни жуда эрта биз – қизларига топшириб қўйган бўлсалар-да, хамирни, хамирли таомларни фа-



кат ўзлари тайёрлардилар. Ўша пайтгача ўзим бирор марта ҳам мустақил равишда чучвара пиширмагандим. Қизик ахволда колдим: бу иш кўлимдан келмаслигини тан олишгаям, билмаган юмушимга индамай кўл уришгаям ҳайронман – оқибати нима бўларкин? Меҳмонлар эса бири биридан таникли ижодкорлар. Тушундимки, уларнинг Зулфия опаникига ташрифи аввалдан режалаштирилмаган, агар шундай бўлганда, устознинг кизлари, келинлари олдиндан тайёргарлик кўришлари одатий ҳол эди.

Таваккал, дедим-да, ўтирган жойимда чучваранинг хамиржилди катталигида коғозчалар қирқиб, чучвара тугишни машқ қилдим.

Уйларига боргач, ошхамир олиб, уни ёя бошлаганимдаёқ бу вазифага нўноклигим кўринди-колди: ёйган хамирларим нотекис, бир жойи калин, бошқа жойи юпкариб йиртилиб кетяпти. Зулфия опа эса меҳмонхонада бандлар. Ичим тўла ташвиш: қанақа чучвара бўларкин? Яна бошқа томондан бу ерга опа кириб қолишларидан хавотирдаман. Ўйлаганимдай, шошилиб ошхонага кириб келдилар, мен бу пайтда йиртилган хамирни “улаётгандим”. Ишимга кўзлари тушди, менимча, бир қарашдаёқ вазиятни англадилар, аммо ҳеч нарса билмагандек хонадан чиқиб кетдилар. Қайтиб бу ерга кир-



мадилар. Менимча, яна ноқулай аҳволга тушишимни истамадилар.

Меҳмонлар келишди, одатдагидан икки-уч барабар катталиқдаги чучвараларни қайла билан безаб-беркитиб, лаганларда дастурхонга тортдик. Аммо масаллиқлар меъёрида, сифатли бўлгани учун таом мазали бўлган эди. “Ширин бўпти”, – деб миннатдорчилик билдирдилар меҳмонларни кузатгандан сўнг. Тамом, бу ҳақда қайта сўз очилмади.

Кейинчалик ҳам Зулфия опанинг кимлардир ўзи билмаган ёки истамаган ҳолда ёки тажрибасизлиги оқибатида йўл қўйган хато ва камчиликларини билиб билмасликка олганларига кўп гувоҳ бўлдим. Кишини ноқулай аҳволга солишни истамасдилар.

\* \* \*

Зулфия опанинг “Саодат” муҳарририятига бевосита алоқадор бўлмаган ишларини, аниқроғи, бошқа нашрлар ёки китоб учун шеър ва мақолаларини машинкада, асосан, котиба Гулнора опа кўчирарди. Бу касб онасидан ёдгорлик бўлган Гулнора опанинг эри вафот қилган, уч фарзандига ўзи ҳам ота, ҳам она эди. Шунинг учун доим уйида ҳам машина чиқиллатиб тинмасди. Кўнгилга нималар келмайди? “Зул-



фия опа Гулнорани ишлатиб меҳнат ҳакини берармикинлар?” – деган савол баъзан тор давраларда эшитилиб коларди. Бир куни Гулнора опадан шу тўғрида сўрадим. “Ҳар бир иш учун алоҳида-алоҳида ҳақ бермайдилар, – деди Гулнора опа. – Лекин мавриди келганда, бирор сабабни баҳона қилиб хизматларимни ортиги билан қоплайдиган тарзда ёрдам берадилар”.

Бу – бир кичкина мисол. Зулфия опа на моддий, на маънавий томондан бирор кишининг олдида қарздор бўлиб қолмаслик учун бу масалада жуда хушёр эдилар.

\* \* \*

Шоирани яқиндан таниганимда, 62 ёшда эдилар. Ўшандан кейин яна йигирма йил яшадилар. Мухарририят ишларида, жамоат арбоби сифатидаги фаолиятда анча-мунча ёшлар, ўрта ёшлиларага ибрат бўлсалар-да, ҳар доим умр шоми қошу қабоқ орасида эканини ҳис қилиб, унга тайёр бўлиш ташвишидан холи эмасдилар. Бу ноумидлик, атрофини тикан деворлар билан тўсиб ташласанг-да, барибир бостириб келаверадиган кексалик фаслининг кийинчиликларидан хавотир эмас, балки... умр аталмиш бебаҳо неъмат – давлатнинг тобора тансик бўлиб, камайиб бораётгани учун уни





иложи борича керакли, хайрли ишларга сарфлашга интилиш эди. Зулфия опа ўлим ҳақида шунчалар хотиржам, осойишталик билан гапирардиларки, “Кўйинг, бу ҳақда ўйламанг” қабалидаги одатий гаплар билан мавзуни бошқа ёққа буришнинг иложи бўлмасди.

Шундай суҳбатларнинг бирида: “Онангизга айтсангиз, эркаклар аза куни киядиган бекасам чопон тиктириб берсалар”, – дедилар. Ўша пайтларда миллий хунармандчилигимизнинг кўп соҳалари йўқолиб, унутилиб борар, момолярию оналаридан қийик, чопон тикиш каби хунарларни ўрганган аёллар ўз маҳсулотларини бозорда ошкор сота олмасдилар. Агар чопон сотувда бўлганда эди, Зулфия опа мендан буни илтимос килмасдилар, албатта. Тушундимки, ўғиллари ёки катта набиралари келиши мутлак бўлган айрилик кунда чопон кийишини назарда тутяптилар. Бу – 1980 йилларнинг бошидаги гаплар. У пайтда мотам куни азадорларнинг чопону дўппи кийишлари ҳам “сиёсатга тўғри келмасди”. Лекин Зулфия опанинг эътиқодлари асл ўзбекона эди.

Онам Зулфия опадек инсоннинг илтимосини бажону дил қабул қилиб, авра-астардан иборат бекасам чопон тиктириб бердилар. Тошкентга олиб келдим-у, лекин у ҳақда устозга сўз очиш-



га ҳеч тилим бормади, ноқулай бўлди-да... Опанинг ўзлари ҳам сўрамадилар, балки “Буларни ортикча ташвишга қўйдим”, – деб қайта сўз очгани тортингандирлар.

Мустақиллик халқимизнинг мазмуни теран, аждодларимиздан мерос қолган кадриятларимизга қайта умр бахш этди. Ноёб хунармандчилик соҳалари тикланди, ривожланди. Ўзлимизни англаганимиз сайин маросимларимиз моҳиятига муносиб тарзда ўтказила бошланди.

Зулфияхонимни ҳам ўғилу қизлари, набираю қариндошлари, яқинлари ўзбекона мотам либосида сўнгги йўлга кузатдилар.

Сандигимнинг энг тагида ҳамон ўша тахи, оҳори бузилмаган чопон. Худди икки олам ўртасида киприкдаги ёш каби титраб турганимизни таъкидлаётгандек...

## ҲАМИД ҒУЛОМ ХОТИРАЛАРИДАН

Замондошларининг айтишларича, Ҳамид Олимжон қўшиқ шайдоси бўлган, хаттоки дўстлар даврасини ўз қўшиқлари билан қиздирган...

Ёзувчи Насрулло Охундий: “Ҳамид қўшиқ айтганда фақат ҳамсуҳбатлар эмас, бошқа хоналардаги хотин-қизларнинг ҳам бирдам тўхтаб эшитганларини кўрганим бор. У шундай куйлар



эдики, катта-катта кўзлари чакнаб, ёноклари янада қирмизи тусга кирарди”.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом Ҳамид Олимжон хотирасига бағишлаб тайёрланган радиоэшиттиришда шундай деганди: “Ижодкорлар даврасидаги бир анъана ҳозир ҳам сақланиб келади. Шахсан ўзим ўттизинчи йилларнинг бошларида, ўрталарида Абдулла Қодирийнинг боғидаги шийпонда бир даврани кузатганман. Ғафур Ғулом олиб борганлар. Деворда битта дутор осиглиқ турарди. Ғафур Ғуломнинг ўзлариям дутор чертганлар, ҳам озгина хиргойи қилганлар. Худди шундай Ҳамид Олимжон ҳам. Беихтиёр чолғуни олиб чалиб, хиргойи қилиш уларнинг одати бўлган.

Ҳамид Олимжон халқ ижодига жуда катта эътибор берган. Мана ҳозир бизнинг ўттиз-қирк жилдлаб буюк хазинамиз – халқ шеърлари бор. Шуларни тўплашда Ҳамид Олимжон ташаббускор бўлган. У киши водийларда, воҳаларда, тоғу кишлокларда бахшиларни, созчиларни, халфаларни, шоирларни йиғиб, уларнинг шеърини ижодини, биринчи навбатда, дostonларни ёзиб олишни ташкил этганлар. Бу ишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг истъдодли олимлари, биринчи навбатда устоз Ҳоди Зариф бош бўлганлар. Халқ бахшиларини Тошкентга



йигиб, шу ишни ташкил этишда Ҳамид Олимжоннинг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳамид Олимжон жуда катта ташкилотчи эди».

Зулфиянинг шахс сифатида, шоира сифатида камолга етишида Ҳамид Олимжоннинг ҳиссаси бекиёс бўлган. Зулфия опа таржимаи ҳолларида шундай ёзадилар: “Ҳаёт мени талабчан ва каттиққўл муҳаррирга топширди. Ҳаётимнинг ўн йили, фақатгина ўн йили Ҳамид Олимжон билан ҳамнафас ва ҳамқадам ўтгани мен учун бахт бўлди. У энг гуллаган ёшлик чоғида, истеъдоди ўз чўкқисига етганда, фожиали ҳалок бўлди. Мен ўзимни у билан бирга ҳалок бўлдим, дедим хаёлимда. Ва ҳозир ҳам, орадан шунча вақт ўтишига карамай, айрилиқнинг куйдиргувчи аламларини бутун оғирлиги билан ҳис қилиб турибман. Улкан шоир, ўз она тили ва адабиётининг билимдони, кам учрайдиган қобилият ва истеъдод соҳиби, дўстларига меҳрибон, душманларига аёвсиз Ҳамид Олимжон менинг турмуш йўлдошим ва фарзандларимнинг отасигина бўлиб қолмасдан, айни чоғда қалбим тўлкинига уйғун ҳамроҳим ва жиддий маслаҳатчим ҳам эди. Мен ундан фикрлашни ва шеър ёзишни ўргандим. Унинг адабиёт мактабидан сабоқ олдим”.



Бу фикрларни фақат Зулфия опагина эмас, бутун бир авлод шоирлари ва шоиралари айтиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам улуғ устозларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек каби Ҳамид Олимжон ҳам адабиётда ўзининг мактабини яратиб кетди, деб ўйлайман.

### БИР МАКТУБ ТАРИХИ

1939–1944 йилларда Ҳамид Олимжон Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси бўлиб фаолият кўрсатди. Биз қуйида келтирмоқчи бўлган ҳужжат, яъни Ҳамид Олимжоннинг шоир Амин Умарийнинг онаси Нисобиби опага ёзган мактуби унинг раҳбар ва инсон сифатида ижодкорлар ва уларнинг яқинларига қанчалар жонқуярлиги, эътиборли ҳамда гамхўр бўлганлигининг бир далили деб ўйлайман.

**“Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг  
бошқаруви.**

*1942 йил 28 декабрь. № 356.*



## **Мухтарам Нисобиби опа.**

*Сизнинг ўглингиз, бизнинг дўстимиз, ўртоғимиз ва қаламдошимиз – Ўзбекистоннинг талантли шоири Амин Умарий ижодий қуввати эндигина балоғатга етганда вақтсиз вафот этди.*

*Қадрдон дўстимизнинг бемаҳал ўлими сиз билан бирга бизларни ҳам қайғу ва ҳасратга солди.*

*Нисобиби опа! Сизнинг қарилгингизни эътиборга олиб, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳукуматимиз олдига Сиз учун пенсия тайинлаш масаласини қўйган эди.*

*Ўзбекистон Халқ комиссарлар совети бу талабни қондирди ва ўзининг 1942 йил 22 декабрда чиқарган 1597 рақамли қарорида Сизга 1942 йилнинг 1 декабридан бошлаб ҳар ойда 150 сўм миқдорда умрбод нафақа (пенсия) тўлашни лойиқ топди.*

*Шу мактубимизни олишингиз билан маҳаллий ташиқлотларга мурोजаат қилишингизни сўраймиз.*

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси: имзо*

**(Ҳамид Олимжон)**



## “АЁЛЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ, ЛАТОФАТЛАРИНИ ЙЎҚОТМАДИЛАР”

*Ҳамид Олимжоннинг тоғасининг ўгли Синдорқул Ҳамроқуловнинг рафиқаси Шаҳрихон опа Ҳамроқулова билан Зулфия опанинг кўнгиллари жуда яқин бўлган. 2009 йилнинг 9 май куни Самарқанд шаҳридаги хонадонларида учрашганимизда, Шаҳрихон опа тўқсон ёшни қоралаб бораётгандилар. Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, фикрлари теран, ҳофизаси ёруғ бу аёлнинг қуйидаги хотиралари биз учун зоятда қимматлидир.*

– Ҳамид Олимжоннинг онаси – Комила ая ҳар қандай даврани тўлдириб ўтирардилар, ҳар бир гапни ўйлаб айтирардилар. Бировнинг юзига тикка қараб, “Ундай эмас, бундай”, – дейдиган хотин эмасдилар. Оғир, вазмин аёл тўрт қиз, икки ўғилни жуда яхши инсонлар қилиб тарбияладилар. Ҳаттоки Ҳамид Олимжон фожиаги, кутилмаган вақтда вафот этганда ҳам, дод-вой қилмадилар, ўзларини у ёқдан-бу ёққа уриб солмадилар. Ўша машғум кунни хотирлаб, шундай ҳикоя қилгандилар: “Ҳаммаси кетиб-кетиб қолди. Кейин мени ҳам олиб кетгани машина келди. Ҳамидни сўрасам, “Озгина мазаси қочиб қолибди”, – дейишди. Ҳайдовчи



мени каергадир олиб бориб, ўзи ичкарига кириб кетди. Қарасам, ҳамма ёкни супур-сидир килиб юришибди. Одамлар кўп. “Намунча одамлар кўп, ҳамма жойни орасталашяпти”, – деб ўйлаб ўтирдим. Шу ерда иккита фаррош бир-бири билан “Ким ўлибди, мунча одам кўп?”, “Бир катта одам ўтибди, ҳамма танирмиш”, – деб гаплашиб қолишди. Кейин кириб борсам, ўзимнинг болам экан...”

Балки ўша пайтда дод-фарёд қилгандир, ахир, она-ку. Лекин Комила буви тақдирга тан берадиган, турмуш синовларига сабр-каноат билан бардош берадиган аёл эдилар. Комила ая бундан бир кунгина муқаддам ўз олдидан оппоқ кийиниб, соғлом-бардамликда чиқиб кетган ўғлини мана шу ахволда кўради.

Кўркам, салобатли, ширин сўзли аёл эдилар. Ҳаммани “Барака топинг”, деб алкаб ўтирдилар.

“Ҳамроқул Тошкентга бориб, дарвозани очиб, “Аммо-ов!” деб чақирса, бошим осмонга етади”, – дердилар.

Кекса бўлишларига карамай, замон нафасини, талабини ҳис этиб яшардилар. Фарзандларига доим бағрикенглик билан муносабатда бўлардилар. Сарвар Азимов уйланаётганда: “Сарвар уйланыпти. Келин шоҳнинг совчилари-





ни қайтарган киз эмиш, майли, ўзига ёкса, уй-ланаверсин”, – дедилар.

Зулфия опамга нафақат она ўрнидаги қайнона бўлдилар, балки жуда кўп жихатлардан ибрат кўрсатиб яшадилар, деб ўйлайман. Осойишталик, сабр-тоқатлилик, атрофидагиларга меҳр-оқибатлилик, ўгил-қизларига, келин ва куёвларига меҳрибонликда Зулфия опамда Комила бувининг фазилатларини кўргандек бўлардим.

Зулфия опам кўнгилларига яқин инсонлар учун энг аввало дилкаш суҳбатдош эдилар. Бизникига келганларида:

– Келинг, Шаҳринисо, ҳамма ишни бир чеккага қўяйлик. Китоб, ёзувлардан ҳам жуда чарчадим. У ёқ-бу ёқдан гаплашайлик, – дердилар.

– Нимадан гаплашайлик, Зулфия опа?

– Модалардан, пазандачиликдан гаплашайлик. Сиздан анча-мунча янгиликлар олиб кетсам, “Саодат”га ёзамиз. Аёл кишининг учта кўйлаги бўлиши керак, – дердилар. – Биттаси уй кўйлаги, иккинчиси бозор-ўчарга киядиган, учинчиси эса тўйга, меҳмонга бориш учун. Ана шунда аёл ҳар доим ойдек юради.

Бир куни: “Шаҳриниса, қолган ошни қандай иситасиз?” – дедилар. “Қозонга соламан, кавлайман, иситаман”, – дедим. “Йўқ, бунинг



жуда яхши бир усули бор. Колган ошни козонга соласиз-да, унга ярим пиёла кўк ёки қора чой қуйиб, димлаб қўясиз. Шунда ош худди янги пиширилган каби исийди. Журналга, “Саодат”га шундай ёзганмиз”, – дедилар. Ҳақиқатан ҳам, синаб кўрдим, айтганларидек янги ошдек бўлиб чиқаркан. Ҳали-ханузгача шундай қиламан, келинларим, кизларимга, бошқаларга ҳам ўргатганман.

Болалар, келин, набиралар, қайнсингиллар хусусида суҳбатлашардик. Зулфия опа доим ҳамманинг яхши томонлари ҳақида гапирардилар. Кимдандир нолиганларини, хафа бўлганларини эслолмайман. Бизнинг оиламиздаги ахилликка, яхши муносабатларга доим хавас билан қарардилар. Аёлларнинг чиройли, дид билан, ораста-озода кийиниб юрганини яхши кўрардилар.

Бир йили Жиззахда, Қорақишлоқда турганимизда, Турсуной Каримова деган андижонлик дугоналари билан келдилар. Қиш, қор. Уйнинг ичида гулларни яшнатиб қўйгандим. “Ташқарида қор, уйга кирсам баҳор”, – дея шунчалар хаяжонланган, қувонган эдиларки!..

Бир сафар қайнотам Ҳамроқул ота, турмуш ўртоғим Синдорқул ака билан Тошкентга қурултойга бордик. Қурултой тугагач, аввал



Зулфия опам билан дадам келдилар. Бир пайт Синдор ака қайиқчага ўхшаган оғир биллур идиш олиб келдилар. У пайтларда биз хрустал-прустал деган нарсаларни билмасдик. Шунда дадам: “Шаҳри, карагин, ўттиз сўмга мана шу шишани олиб келибди. Бир ер кимирласа, чилпарчин бўлади”, – дедилар. Зулфия опа шундан ҳам хурсанд бўлиб: “Яхши-да, уйини, хотинининг хурсанд бўлишини ўйлаб олиб келган-да”, – дегандилар.

Зулфия опани меҳмон килиш жуда осон эди. Инжикликлари йўқ, ўзларига ортиқча эътиборталаб эмасдилар. Дастурхонга нимани олиб келсак, болалар билан хурсандчиликда ўтириб, миннатдорчилик билан, яхши кайфиятда баҳам кўрардилар. Болаларни, ёшларни яхши кўрардилар. Бухородаги институтларда, СамДУда таниш-билишларининг қизлари ўқиса, шуларни чақиртириб олиб келардилар, меҳмон қилардилар. Уларни яна жой-жойларига кузатиб қўйишни ташкиллаштирардилар.

Бизникига келганларида, Зулфия опа таклиф этилган давраларга, тадбирларга бирга борардик. Кузатиб турсангиз, ҳамма у кишини хурмат қилган, атрофларида парвона бўлган. Лекин Зулфия опа ўзларини жуда камтарин, оғир-сипо тутардилар. Кўпроқ давлат, журнал

билан боғлиқ ишлардан гаплашишарди. Чакирилган жойларда узок ўтирмасдик. Ҳеч кимдан ортикча нарса кутмасдилар. Аксинча, агар кимдир ёрдам сўраб мурожаат килса, кўлларидан келганча кўмак бериб кетардилар. Зулфия опада “Мен фалончиман”, – деган кибр йўк эди.

Ҳар хил замонлар бўлди, замонга караб атрофидагиларга муносабатини ўзгартирганлар ҳам йўк эмасди. Лекин Зулфия опа ҳеч кимдан нолиган эмас. Эҳтимол, дилида кимлардандир ранжигандир, лекин очикчасига бирор одамдан хафа бўлиб гапирмаганлар. Ҳаёт шундай, ҳар кимнинг ҳам дўсти, душмани бор. Буни акли одамлар табиий ҳолат деб биладилар. Мен одамларга мансаби, поғонасига караб ажратмасдан муомалада бўлишни Зулфия опадан ўрганган бўлсам керак.

Бизникига келганларида ҳеч қачон аксарият аёлларга ўхшаб бозор, магазин айланмасдилар. Ҳаттоки биз Тошкентга борганда ҳам дўконларга мен ўзим ёлғиз борардим.

Оиламиздаги ўзаро ҳурматга доим ҳавас килардилар. Ўзларига ҳам орзуларидаги келин учради. Омонжон Риояхон билан учрашиб юрганларида, менга: “Шундай яхши киз топдик, – дедилар. – Омонжонга ёқди. Мен ҳам ҳар замонда гаплашаман. Мени “аяжон” деб гапиради



телефонда”. Кейинчалик Риояхон келин бўлиб келганларида: “Уйимнинг эгаси келди, тинчиб қолдим. Ҳамма нарса жой-жойида. Рўзғоримни келинимга топширдим”, – деб хурсанд бўлиб гапирардилар.

Шундай аёллар борки, улар катта лавозимларда ишласа ёки мўмай даромад топадиган бўлса, эркакшода бўлиб қоладилар. Лекин Зулфия опа ҳеч қачон аёллик фазилатларини, латофатини йўқотмадилар. Ишдан келиб ошхонадаги ишларга ҳам араллашиб кетаверардилар. “Эсимдан чиқиб кетибди-да. Ошхонага кирмайман-да, мен овқат қилмайман-да”, – деб кўлини белига қўйиб турадиган хотинлар кўп, лекин Зулфия опа бундай характерни ёқтирмаган бўлсалар ҳам керак. Олиб келган нарсангни ҳам ҳурмат билан дастурхонга қўярдилар. Рўзғорларида ортиқча нарса деярли бўлмасди. Чет эл сафарларидан қайтгач, жуда вазминлик билан: “Худди ўзимиздаги каби ҳаёт давом этяпти”, – дердилар.

Зулфия опам фарзандларини жуда яхши кўрардилар. Қачон Омонжон келса, ўглининг бўйни аралаш елкасига бошини қўйволиб, бир муддат унга сингиб кетгудек бўлиб турардилар. Худди хидидан ҳам баҳра олаётгандек эдилар. Ўзимиз ёлғиз қолганимизда: “Омонжонни жуда



яхши кўрасиз-да”, – десам, “Озгина кўрмай қолсам, туролмайман”, – деб жавоб берардилар. Отасидан кейин меҳр фарзандга тушиб қолганмикин... Кейинчалик Зулфия опа алоҳида уйда яшай бошлаганларида: “Зулфия опа, Омонжон ҳалиям аввалгидек йўқлаб турадимми?” – деб сўрасам, “Ҳар куни эрталаб уйимга келиб кўришгач, холодильникни очиб кўради-да, нима бор, нима йўқлигини билиб, керакли нарсаларни олиб келиб холодильникка қўйиб, кейин кетади”, – дердилар.

Фарзандларининг оиласи ўзидан кўпайганидан беҳад хурсанд эдилар. Набираларни, айниса, Улуғбекни яхши кўрардилар. Унинг ўқишларига алоҳида эътибор берардилар. Улуғбек билан доим ўзлари бирга ўтириб дарс тайёрлатардилар. Бир куни Зулфия опам кетиб, уйда мен қолганимда, Улуғбек: “Шаҳри хола, дарсимни тайёрлашга ёрдамлашасизми?” – деди. Чунки у доим Зулфия опа билан бирга шуғулланишга ўрганиб қолган эди-да. “Ҳа,” – дедим. Китобларини олиб келди. У пайтда мен ёш эдим. “Аяжоннинг кўзойнагини олиб келайми?” – деди Улуғбек.

Ҳамид Олимжон ҳақида жуда кам гаплашганмиз. Мана шу суҳбатлардан ўзим хулоса чиқаришимча, улар бир-бирларини эру хотин



эмас, мисоли бир меҳмон каби ҳурмат-иззат қилишган. Тўйдан кейинги ўн йиллик муддат бу – келин-куёвлик даври. Зулфия опа Ҳамид ака тўғрисида хотиржам гапира олмасдилар. Юраклари тўлиб кетарди.

Айтишларича, ҳаттоки умрларининг охири кунларида ҳам театрга боришмоқчи бўлган экан. 1944 йилнинг 2 июнь куни Ёзувчилар боғида ижодкорлар билан юрганда, кун кеч киргани сайин Ҳамид Олимжон Зулфия билан театрга боришни ваъда қилганини айтиб, кетишга шошилганини айтишади. Шошилинач йўлга чиқиб, йўловчи машиналарни тўхтатмоқчи бўлишган. Биринчи, иккинчи машина тўхтамаган. Ниҳоят, биттаси тўхтаган, лекин унинг ҳайдовчиси ҳам олиб кетишни истмаган. Чунки ёзувчилар оппоқ, чиройли кийимларда бўлишган. “Машинам тоза эмас”, – деган ҳайдовчи. “Йўқ, биз ўтирмаймиз, тикка туриб кетамиз”, – деб ўша юк машинасига чиқишган. У пайтларда енгил машина жуда кам бўлган. Типпа-тик туриб кетишган. Бунинг устига ҳайдовчи маст ҳолатда бўлган. Йўл-йўлакай машина столбага урилиб... машинадагилар отилиб кетган. Энг оғир жароҳатни Ҳамид Олимжон олган, унинг жигари эзилиб кетган. “Тез ёрдам” дарров ҳукумат шифохонасига олиб кетган. Шифо-



корлар операция қилишни исташмаган. Лекин ҳукумат бошлиғининг буйруғи билан операция қилишган-у, шоирни асраб қолишнинг имкони бўлмаган...

## ЭЪТИРОФ

Дунё бадий мероси хазинасидаги ҳар бир яхши асар, у қайси тилда яратилишидан қатъи назар, инсониятнинг тафаккур ганжинаси. Улардан қанча кўп одам баҳраманд бўлса, умумбашар маънавияти, маданияти шунчалар юксалиб, эзгулик нурлари таралган сарҳадлар кенгайиб боради. Миллий адабиётлар дўстлиги, унинг энг самарали ҳосиласи бўлган бадий таржималар мана шу улуг мақсадга хизмат қилади.

Зулфияхоним ижодида рус ва дунё халқлари адабиёти намуналаридан қилинган таржималар ҳам алоҳида ўрин тутди.

“Авваллари Пушкин ва Лермонтовнинг бир қатор шеърларини ўзбекчага ўгирган эдим. Кейин Некрасовнинг “Рус аёллари”ни ўқидиму шу дostonдан бир зум узилолмай қолдим. Ўша кунлар мен Волконская ва Трубецкаянинг синг-лисидай эдим. Таржимага қандай киришиб кетганимни билмайман. Мен ғамгин муҳаббат,





тоғдай тоқат қиссасининг ўтларида ёниб юрган пайтларимда матбуотда Максуд Шайхзода, сўнгроқ Насрулло Охундий томонидан қилинган таржималардан парчалар босила бошлади... Менда: “Меҳнатим куяди, таржимам босилмай қолади”, – деган ўй ҳеч қачон бўлган эмас. Ҳар доим ўзим учун таржима қила бошлайман. Шу жараёнда катта ижод мактабини ўтаман”.

Ҳақиқатан ҳам, Зулфияхонимнинг Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Расул Ҳамзатов, Марина Цветаева, Анна Ахматова, Давид Кугултинов, Мустай Карим, Габриэла Мистраль, Сулаймон Рустам каби қаламкашлар ижодидан қилган таржималари ўзбек китобхонини уларнинг ижоди намуналари билан таништирибгина қолмай, таржима санъатининг гўзал намуналари сифатида ҳам ноёбдир. Шоира бу шеър ва драматик асарларни рус тилидан ўзбекчага ўгирган.

“...ўзбек шеърятидан чинакам ижодий тарзда қилинган таржималар исталганига нисбатан анча кам, бунга таржимонларгина эмас, шоирларнинг ўзлари ҳам айблимасмикинлар, деб ўйлайман. Кўпинча таржимага эътибор: ўзига таржимон топиш, таржимани (иложи бўлса Москвада) бостириш ғамини ейишдангина иборат бўлиб қоляпти...” – шоиранинг бу фикрини таржимонларга нисбатан талабчанликнинг



Ўзигина эмас, таржима масъулиятини зиммасига олган ижодкорнинг, яъни Зулфияхонимнинг ўзига нисбатан ҳам қатъий талаби, деб тушунмоқ керак. Ижодкорнинг тўғри келган ёки машхур бўлган шоирларнинг асарларига эмас, балки ўз руҳи, кайфияти, эътиқоди, дунёқарашига ҳамоҳанг шеърлар таржимасига кўл уриши ва уни “ўз тилида бошқатдан яратиши”даги маҳорати шундай хулосага асос бўлади. Лекин офтоб нури тенг тушган заминда кутилган ва кутилмаган ажойиб гулу чечаклар бир-бирини инкор қилиб эмас, бир-бирини тўлдириб, гўзаллик оламига янги-янги мўъжизалар каби қўшилганидек, адабий таржима олами ҳам янги иктидорлар билан бойиб бориши табиий ҳол. Зулфияхоним уларни қувонч билан қаршиларди, меҳр билан эътиборга оларди, маънан қўллаб-қувватларди, муваффақиятлари билан қутлашда сўзлару таърифларга жуда сахий эди.

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов хикоя қилади:

– Талабалик йилларимда ёшлар газетасида рус шоири Сергей Есенин шеърларидан бир нечта таржимам босилиб чиқди. Бу менинг айни соҳадаги илк қадамларим эди. Ўша кунлари Зулфия опа йўқлаб қолдилар. Нашриётда ишлардилар, олдиларига бордим. Ҳаяжон, меҳру



кувонч билан кутиб олдилар. Газетада босилиб чиққан таржималарим у кишига жуда маъқул бўлибди, фикрларини айтиб, мени табрикладилар. Шундан кейин: “Эркинжон, Сергей Есенин шеърларининг таржимасини китоб ҳолида босиб чиқариш Ғафур Ғулум номидаги нашриётнинг иш режасига киритилган, уларни ўзбек тилига ўгириш менга топширилган эди. Лекин кўриб турибманки, сизнинг таржималарингиз услуби, руҳи, мазмун-моҳияти аслиятга жуда яқин, гўзал. Шунинг учун бу ишни сизга топширмакчиман. Бу китобнинг ўзбек тилидаги таржимасини сиз тайёрлайсиз”, – дедилар. Адабиёт майдонидаги илк қадамларининг бундай кўллаб-куватланиши ўзингга қанчалар ишонч, қалбингга нечоғлиқ илҳом беришини ўшанда ҳис этганман. Аслида Зулфия опа олдиндан Есенин шеърларини тилимизга ўгирганлар, опанинг ҳар бир ишга жиддий ёндашишлари, назмни ўта нозик ҳис этишлари у таржималардан аён эди. Шундай бўлса-да, менга таклифлари шунчаки мулозамат эмас, жиддий ва самимий топшириқ, ишонч экани шундоқ гапсўзларидан, юз-кўзларидан акс этиб турарди.

Зулфияхонимнинг ўқтамлиги, жўмардлигини қарангки, Сергей Есенин шеърлари таржималари Эркин Воҳидов қаламида худди шоир-



нинг шеър аслини ёзаётгандаги илхоми, завки, эҳтирослари тўлкинида қайта яралгандай баркамол жаранглашини ҳамиша эътироф этиб қувонарди, завкланарди, ҳайратланарди. Баъзан хорижий тилдаги айрим шеърларни бир нечта шоир таржима қилади, нашр эттиради. Лекин Зулфияxonим тўпламларига Сергей Есениндан аввал қилган таржималарини ҳам киритмаган. Бу – ҳам Эркин Воҳидов иқтидорига, ҳам шеърхонга эҳтироми бўлса, ажабмас.

Эркин Воҳидовнинг шоира Зулфияга бағишланган “Теранлик” шеъри гўё биз ифодасини тополмаётган туйғуларни ҳам ифодалаётгандек:

*Теранликни қидирмадим уммонлардан,  
Инсонлардан топдим уни, инсонлардан.  
Теранлик бу – нур ёгилган юзлардадир,  
Теранлик бу – ўйчан боққан кўзлардадир.  
Майингина чимирилган қошлардаги,  
Нукра-нукра қиров қўнган сочлардаги,  
Бўронларда эгилмаган бошлардаги  
Теранликнинг таърифига сўз бормикин...  
Машъум йиллар дилга солган озоридан,  
Оналарнинг ҳасратидан, оҳ-зоридан  
Одамларнинг юрагида уммони бор,  
Уммонларнинг сокинлиги, тўфони бор.  
У йилларнинг зилзиласи кўкракларда,  
Машъум уруш доғи ҳали юракларда,*



*Ҳассос қалбдан оққан энг пок тилакларда,  
Умидларда ҳаёт қалар теранлик бор,  
Кўнгилдаги сабот қадар теранлик бор.  
Теранликни қидирмадим уммонлардан,  
Инсонлардан топдим уни, инсонлардан.*

## ҲАМОН СОҒИНАМИЗ

“Ёшликдаги чаптастлик кетаркан-у, аммо ёш улғайгач, кишида бир фазилат – зукколик пайдо бўларкан. Дарвоқе, бу эҳтимол, ёшга ҳам қарамас. Ҳозирги баъзи ёшларимизга бир назар ташланг-а, улар шеъриятга нақадар зукколик, забардастлик, баркамоллик билан кириб келишди... Эҳтимол, бу фақат шоирнинг ёшига боғлиқ бўлмай, адабиётнинг ёшига ҳам боғлиқдир”, – Зулфияхонимнинг бир адабий суҳбатдаги бу фикрида адабиётимизнинг келажаги эстафетасини қўлга олиб, янги давр руҳини яратиб ижодга кириб келган ёшларни бағрикенглик билан қаршилаётган устознинг фахру муҳаббати, шу билан бирга теран илдизлари жаҳон адабиётининг ўқтомирларидан бири дейишга аризигулик бадий меросимиздан ифтихор туйғуси кўксини баланд кўтариб турибди. Адабиётни бир яхлит вужуд сифатида англаган, унинг ботинию зохирига фақат покиза рух, эзгу мақсад



ва гоялар, табиий гўзаллик тилаган, раво кўрган шахс эди Зулфияхоним. Вактли матбуотда, адабий журналларда ва янги нашр этилган китоблар орқали ёш қаламкашлар ижодини мунтазам кузатиб борардилар.

Яна бир жиҳат: аксарият ҳолларда ёш ижодкорга матбуот саҳифасида эълон қилиниши учун “Оқ йўл” ёзиб беришни устозлардан илтимос қилинади. Зулфияхоним эса “ялт” этган сатрлардан, аввало, ўзи завкланар, бу ҳақда ён-атрофидагиларга сўзлар, ёш ижодкорнинг қалбига қанот бағишлайдиган сўзларни аямай саралар ва адабиётимиз чаманида яна бир бошқача ниҳол куртак ёзаётганини минг-минглаб адабиёт мухлисларига суюнчиламоқ мақсадида хатлар ёзар, оқ йўл тиларди (улар буни илтимос қилишлари шарт эмасди). Бу тилаклар, эътирофлардан шоиранинг ўша лаҳзалардаги туйгулари нечоғлиқ самимий, рост, ишонч ва умид нурларига йўгрилганини англаш қийин эмас:

*“Абдулла Орипов! Бу исми ёзаяпману вужудимга бир қувонч, гурур тарқайди. Мен Абдулла ҳақида батафсил ёзмоқчи эмасман, фақат унинг безовта қалбига, куюнчак қалбига, шоир қалбига бир нигоҳимни “Нилуфар” журнали мухлисларига кўрсатмоқчиман, холос. Абдуллада, шубҳасиз, тугма истеъдод бор. Шо-*



ирлик – дунёга улкан муҳаббат, бу муҳаббат унинг ўйчан нигоҳларидан ҳам сезилиб туради...”

“Эркин Воҳидов адабиётга кириб келган пайтларда, менинг ўзим уни бир учрашувда мажлис аҳлига таништира туриб, Ҳамид Олимжонга қиёс этгандим. Ўшанда бундай қиёс табиий эди. Воҳидов маълум шаклга кирган, тиниқ шеърят сарпардасида қалам тебратарди... лекин тақлидчилик ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас эди, албатта...”

“Ҳалиманинг шеърлари кўпинча ҳар жиҳатдан тўлиқ, ҳақиқий. ...туйғулар, таассуротлар, фикрлар суронидан энтикканидан баъзан беўлчов, на вазнга, на қофияга бўйсунувчи мисралар вулқондай отилганча, учқундай сачраганча, шалоладай тўкилганча қолади шеърларида, уларга пардоз берса, гўё илк яралишдаги латофатга, бокиралikka озор етадигандай! Зотан, ҳақиқий шеърни ўқиганингизда сизни аниқ ўлчовлар эмас, ёнган оташ юрак, туйғун фикрлар етаклаб кетади. Менга Ҳалиманинг табиатан зийрак, зеҳнли, ҳаёт неъматларига ўта чанқоқлиги, кузатувчанлиги ёқади. Менга унинг ҳаётда кишининг зеҳнини тўнглаштирадиган, кўзини хиралаштирадиган ва табиатнинг энг



қиммат саховати бўлган вақтини беҳуда ютиб юборадиган майда-чуйда, икир-чикирлардан узоқдалиги ёқади. Менга Ҳалиманинг ҳаётга, юрагига, ҳис-туйғуларига, фикр ва ўйларига садоқати ёқади”.

“...ёш шоиранинг исми билан ёдимга “Журъатли қизгалдоқ” ибораси келади... Қутлибеканинг фикрлари журъатли. Унинг ҳаётга ўз нигоҳи бор. Бу – ҳаққоний нигоҳ. Шоиранинг сатрлари менга табиат манзаралари эмас, меҳр-муҳаббат сувратлари бўлиб туюлади”.

“Хурийд Даврон шеърларининг поэтикаси ҳам чиройли, оригинал. Унинг топган образлари узоқ вақт хаёлингга ёруглик бериб туради...”

Зулфияхонимнинг: “Ёшлар ижодига ҳаддан ортиқ баҳо бериш улар ижодига парвосизлик, эътиборсизлик билан қарашдай зарарлидир”, – деган фикрини ёдга олсак, юкоридаги эътирофлар нечоғлиқ самимий ва чин дилдан айтилганини англаймиз.

Эҳ-хе, ўзимиз билиб-билмаган, кадрига етиб-етмаган тарзда нималарни ўргандиг-у, нималарни ўрганмадик Зулфияхонимдан! Ўз замонасининг қанчалар таникли, дунёга машҳур шахслари билан давраларда ўзбек миллати номидан мулоқотда бўлган устоз республикамизнинг узоқ-яқинларидан кўлёмасини





кўтариб келган ҳар бир ёшни бирдай диққат, эътибор билан тинглардилар. Бизни салобатлари босарди, лекин қай бир гапимиз, хатти-ҳаракатимиздан ноқулай аҳволга тушмасдик. Уйлари, дала ҳовлиларида икки-уч киши бўлиб суҳбатлашганда ҳам, катта учрашувларда ҳам шеърятга, адабиётга, инсонларга, умумбашарий фазилатларга муносабатлари, талаблари бир хил эди.

Зулфияхоним шахсини ибрат қилиб кўп гапирамиз. Аммо ўзимиз қай даражада ибрат олдик? Бу саволга тил билан дилнинг эътирофи мувофикми? – Аллоҳ билгувчи. Бундан бир неча йил муқаддам, яъни шоиранинг вафотидан кейин ўн йиллар ўтиб, шу савол атрофида мулоҳаза юритиб, Ўзбекистон Қаҳрамони, забардаст олим Озод Шарофиддинов “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Сизни соғиндим, Зулфия опа” сарлавҳали дил сўзларини эълон қилганди. Ҳамон соғинамиз...

## ЮЗЛАРИДА НУР БОР ЭДИ

*Водил – анҳорларидан Шоҳимардонсойнинг зилол сувлари оқиб ўтадиган, тоғлар орасида жойлашган сўлим гўша – Зулфияхонимнинг яхши кўрган жойларидан бири эди. Шоирнинг*



болаларга аталган “Бир бола бор, оти Алишер” номли шеъри Водилда, водиллик Алишер исмли бола билан танишиб суҳбатлашгандан кейин ёзилган. Алишернинг онаси – қишлоқ кутубхонаси мудури Саодатхон ая ўзи ҳам кўп китоблар ўқиган, фарзандларини ҳам шунга ўргатган зиёли аёл эди. Бу хонадоннинг Зулфия опа билан кадрдонликлари бир умр давом этди. Замирахон опа Юнусова билан суҳбатимиз уларнинг шоира билан илк учрашувлари тўғрисидаги хотираларидан бошланди:

– 1965 йилнинг октябрь оyi эди. Маҳалламизда: “Шоира Зулфия опа Водилда эмиш”, – деган гап тарқалди. Биз онамнинг таъсирларида кўп китоб ўқирдик. Бу хабарни эшитишлари билан: “Эртага Зулфия опанинг олдиларига борамиз”, – дедилар.

Мен энг чиройли кўйлақларимни кийиб боришни режалаштириб, кечаси билан ухлолмай хаяжонланиб чикдим. “Шундай таникли шоира бизни қабул қилармикинлар?” – деб ўйлардим. Эрталаб онам, қайнсинглим ва мен йўлга чикдик. Зулфия опанинг олдиларига кириб боришимиз билан ўзимиз тамоман кутмаган оламга кириб колгандек бўлдик. У киши бизни худди олдиндан кадрдон бўлган каби илиқ кутиб олдилар.



Аяжондаги одамийлик, самимият, меҳрибонлик одамни ўзига жалб қилиб олар эди. Бирма-бир кўришиб келаркан, менга навбат етганда онамга қараб: “Саодатхон, бу кизингиз худди Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романидаги Ҳаётхоннинг ўзи-ку!” – дедилар. Ўша пайтларда мен бу романни ўқиган эдим, қувончим ичимга сиғмай кетди. Кейин аяжон: “Энди сени Ҳаётхон дейман”, – дедилар.

Зулфия опанинг олдиларига, асосан, аёллар, қизлар боришарди. Ким шеърятга ихлоси туфайли, ким ўзи ёзган шеърини кўрсатгани, ким муаммоси-саволи билан... Бир куни онам: “Зулфия опа, менинг Алишер деган ўғлим бор, ўзи у-бу нарсалар ёзади, мақолалари болалар газета ва журналларида босилади. Яна расм чизади, рубоб чалади, уни ёнингизга юборсам, майлими?” – деб сўрабдилар. Ўшанда укам ўн беш ёшлардаги ўсмир эди, рубобини кўтариб Зулфия опанинг олдиларига бориб келди-ю, кейин тез-тез қатнайдиغان бўлди. “Бир бола бор, оти Алишер” шеърининг ёзилишига шу воқеалар сабаб бўлган.

Ўша учрашувлардан бошлаб менинг ҳаётимда жуда катта ўзгариш бўлгандек, бошқа одамга айланиб қолгандек эдим. Кейин билсам, Зулфия опа билан ҳатто тугилган кунимиз ҳам бир



кунда, яъни 1 мартда экан, кувончимга кувонч кўшилди.

1970 йилда Тошкентнинг Лабзак маҳалласидаги Композиторлар кўчасида жойлашган ҳовлиларига синглим Манзураҳон билан бирга бордик. Иккаламизнинг кўлимизда ҳам ярим ёшли кизалокларимиз бор. Қаранг, ёш боланинг йиги-сиғиси, инжикликлари шундай катта шоира, давлат арбобига ёкадими-йўкми, деб ўйламабмиз ҳам. Хонадон эгалари бизни самимият, кувонч билан кутиб олишди.

Тонг-саҳарда туриб, ҳовлиларни супуриб, райҳон кўчатларини экдим. Аяжон дам олаётган бўлсалар керак, деб ўйладим. Лекин бир пайт ичкаридан аста чиқиб келиб: “Ҳаётхон, нега дам олмаяпсан?” – дедилар. “Ўзингиз-чи?” – деб сўрадим. Маълум бўлдики, субҳидамда туриб шеър ёзар эканлар. “Илҳом парисини нима қилдинг?” – деб ҳазиллашдилар. Мен ҳовлидаги ўрик дарахтига қараб: “Аяжон, Ҳамид Олимжонга илҳом берган ўрик дарахти мана шуми?” – деб сўрадим. “Ҳа, – дедилар ва ўйга чўмиб. – Ўрикни эккан одам йўк ҳозир...” – деб кўшиб кўйдилар.

Аямни кўргим, болаларни қандай тарбия қилиш тўғрисида маслаҳатларини олгим келарди. Укам Алишер ўрта мактабни бити-



риб, Тошкентга ўқишга кирди, Зулфия аяжоннинг хонадонлари ҳам худди ўз уйидек кадрдон бўлиб қолди, оиладагилар унга ўз ўғиллари каби ғамхўрлик қилишарди. Мен укамни кўриш бахонасида тез-тез Тошкентга борадиган бўлдим. Аям билан суҳбатлашиб, роҳатланиб қайтардим.

Қанча юртларни кўрган, катта давраларда юрган инсон мен каби бир чекка қишлоқдан борган аёлга қилган муомалаларидан ҳайрон қолардим. Юзларида нур бор эди. Ўзим билан ишлайдиган аёллар, маҳалладошларим шундай шоира билан учрашиб, гаплашишим мумкинлигини тасаввурларига сиғдиролмасдилар.

– Сизлар у аёлни кўрмагансизлар, билмай-сизлар, – деб таассуротларимни айтиб берардим.

Бир гал Ҳамид Олимжон ҳақида гапириб беришларини сўрагандим:

– Сенга энди нимани гапириб бераман?.. Ёзиб қўйибман-ку. У одам доим мен билан, доим ҳаёлимда. Жудаям яхши кўрардилар мени. Жуда тинч-тотув ҳаёт кечирганмиз, – дедилар.

Аяжон худди ўз ўғиллари каби, Ҳулқар опа билан Омон ака ўз укаларидай меҳрибонлик қилганликлари, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик кўрсатганликлари учун укам Али-



шер Юнусов иқтисод фанлари номзоди даражасига етди, бир нечта тилларни мукаммал ўрганди. Ҳозир у Фарғона давлат университети-нинг доценти, олий таълим соҳасига Европа тажрибаларини татбиқ қилиш мақсадида ишлаб чиқилган Темпус лойиҳаси бўйича ишлар олиб бормоқда.

Аямнинг вафосини кўриб, ўзим ҳам: “Ҳаётда битта инсон муҳаббати билан ўтиш қандай ажойиб бахт экан”, – деган хулосага келдим, умримнинг энг қийин дамларида у кишининг тақдиридан ибрат олиб яшаб келяпман. Иродаларига қойил қолардим, ҳеч қачон ҳеч нарсадан шикоят қилмасдилар. “Ҳаёт шунақа-да, ҳаётни ўрганиш керак одам. Қийинчиликларни енгиб ўтиш керак,” – дердилар. Аям кўринишдан ҳеч кимга ички туйғуларини билдирмаганлар, кўнгилларидан нималар ўтганини ўзлари ва Аллоҳ биледи. Фарзандларидаям Зулфия опанинг фазилатлари бор.

Президентимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотини ташкил қилиш ҳақида Фармон чиқарганларида, биласизми, шунақа суюндимки! Юртбошимиз Зулфияхонимни тушунганликлари, кадрлаганликлари, ҳақиқатан ҳам барча аёлларга ибратга арзийдиган эканликларини тасдиқлаб қўйганликлари учун суюндим.



Ҳурмат-эъзозга муносиб инсонлар номини ардоқлаб олиб юриш ҳам катта гап. Мен бир кишлоқ аёлиман. Юртбошимиздан Зулфияхонимдек ажойиб инсон номини абадийлаштирганликлари учун беҳад миннатдорман. Мукофот олган қизларга доим шундай дегим келади: “Сиз Зулфия номига ярашиқли, муносиб ишлар қилинг. Эл-юртга манфаатингиз тегсин, ўзбек халқи номини улуғлаб яшанг”. Набираларим ичидан шу мукофотга сазовор бўладиганлари етишиб чикишини орзу қиламан.

## УМРНИНГ ДИЛГА МУҲРЛАНГАН САҲИФАЛАРИ

*Энг гуллаган ёшлик чоғимда  
Сен очилдинг кўнгил боғимда.  
Шунда кўрди кўзим баҳорни,  
Шунда қалбим таниди ёрни.  
Қушлар сайрар жонимга пайваст,  
Мен севгининг бўйи билан маст.  
Куни билан далада қолдим,  
Лолазорлар ичра йўқолдим.  
Қучоқ-қучоқ гуллар тераганим  
Ва келтириб сенга берганим  
Кечагидай ҳамон эсимда,  
Ҳар сония, ҳар он эсимда.  
Шундан бери тилимда отинг,  
Шундан бери дилимда отинг.*



*Энг гуллаган ёшлик чоғимда,  
Сен очилдинг кўнгиш боғимда.*

**ҲАМИД ОЛИМЖОН, 1937 йил.**

*Яшириб ўтирмайман, илк бор кўрганымдаёқ  
Ҳамид Олимжон менинг кўзимдан кўнглимга  
кўчди. Мен жуда ёш ҳиссиётим билан унинг  
кенг қалби, улкан иқтидорини туйдим...*

*1935 йили тўйимиз бўлди. Мен яйраб яшар-  
дим. Инсон чинакам севиб, севилганда атро-  
фидаги барча қийинчиликлар ҳам ушоқ бўлиб  
кўринади. Тўрт фасл ҳам баҳорга ўхшайди. Мен  
шундай руҳда эдим...*

*Ерга баҳор чаман тўшаган,  
Олма ҳали гулин тўкмаган,  
Кўк баҳмалга гуллар бурканган,  
Лаб очмаган, булбул ўпмаган.  
Кўзим тушди олма гулига,  
Дедим, тақсам энг гўзал бирин –  
Сўйлаб берса... менинг чаккамда  
Дилбарлигин, гўзаллик сирин...*

**ЗУЛФИЯ**

Зулфия опа муҳаббат туйғусини ҳар бир кўнгишнинг пинҳоний бойлиги деб ўз қалбларидаги катта севги ҳақида фақатгина шеърларида ёзардилар. Бир галги суҳбатимизда мен у кишидан яна такрор Ҳамид Олимжон билан ке-





чирган йиллари хотираларидан сўзлаб беришларини сўрадим. Ҳар доимгидек:

– Улар маним ўзимнинг кўнгил бойлигим. Бошқаларнинг олдига дастурхон қилишни истамайман, – деган жавоб қайтардилар. Шунда:

– Зулфия опа, биз китобий қаҳрамонларнинг муҳаббатини ибрат қилиб гапириб юрамиз. Сизларнинг севги, садоқатингиз эса ҳаётнинг ўзи-ку! Бу ҳақда билишга кўпчилик қизиқади, – дедим.

...Энди ушалмас армон бўлиб қолди. Нега шу журъат, қатъият аввалроқ келмаган экан?..

Айни ўша кунлари бир туш кўргандим: ка-атта атлас кўрпа, жудаям чиройли. Устига беҳисоб марваридлар сочилган. Уларнинг кўпи кўшалок-кўшалок, худди буғдой бошоғига ўхшаб ғужум-ғужум эмиш. Мен уларни теряпман. Аввал кўшалокларни йиғиб олмоқчи эмишман. Лекин марваридлар шу қадар кўп эдики, бир қисминигина кафтимга йиғдим. Уйғониб кетдим... Бу рамзий туш Зулфия опанинг севги хотираларига тааллуқли эмасмиди? Зеро, беҳисоб марваридлар у нурли қалб дарёсининг тубларида ярақлаганча кетди...

Куйида ёзганларим эса Зулфия опанинг кўнгил бойликлари – хотираларидан бир катра, холос.



## “МУҲАББАТ УЛ ЁЗИ ЭСКИ НАРСА...”

Муҳаббат – ниҳоятда нозик туйғу. Унинг тилга олишгаям юрак бетламайдиган томонлари борки, шунинг учун ҳам севгига муносиб ташбиҳ топиш қийин. Муҳаббат – фақат икки одамнинг дил мулки. Уни таърифлаш учун ўзига хос ва рост гаплар керак. Бу гапларни айтишнинг ўз вақти бўлади. Ҳамид Олимжон шоир Ҳоди Токташнинг:

*Муҳаббат  
Ул ўзи эски нарса,  
Лекин ҳар бир юрак  
Они ёнгорта (янгилайди)... –*

деган сатрларини кўп такрорлардилар.

Муҳаббат шунчалар кудратлики, у сиздан олис кетадими ёки яқинингиздами, ҳарорати бирдек иситади. Муҳаббатли юрак ҳамма нарсага кодир.

Ҳамид Олимжон жуда салобатли, улуғсифат, лекин ниҳоятда нозик табиатли, шўх эди. Битта баландрок овоз билан у кишининг кўнглига озор етказиб қўйиш мумкин эди.

Муҳаббат иқлимида жуда бахтли яшадик, бошқача бўлишини тасаввур ҳам килолмасдик.



Бир-биримизни жуда авайлардик. Ҳамид Олимжон билан, унинг ёнида бўлишнинг ўзи бахт эди. Бирга бўлганимизда ҳам, ёлғизликда ҳам бир-биримизнинг шаънимизга соя ташлайдиган сўз ёки ҳаракатни ҳаёлга ҳам келтирмасдим. Ҳаётдаги камчиликлар, хунук воқеалардан юкорида яшадик.

### ИЛК УЧРАШУВ. ЮЛДУЗЛАР ТЎҚНАШУВИ

Энди шеър ёзишга келсак... 1931 йил эди. Хотин-қизлар педбилим юртида ўқиб юрган кезларимиз. Шукур Саъдулла, Тошпўлат Саъдий деган домлаларимиз бор эди. Тошпўлат Саъдий кўринишидан анча ғариб, касалманд, лекин кўзларидан нур ёғилиб турадиган одам эди. Менимча, Ёнгин Мирзо уларни педбилим юртига олиб келди-да, тўгарак ташкил этди. Уларнинг тушунтириши, тавсияси билан Иқбол исмли дугонам билан шеър машқ қила бошладик. Тўгарак раҳбарлари машғулотга Ғафур Ғулом билан Ҳамид Олимжонни олиб келишмоқчи эканликларини айтишди. Ғафур Ғуломнинг суратини “Кулгу ҳикоялари” тўпламида кўргандим, аммо Ҳамид Олимжонни тасаввур ҳам қилолмасдим...



Тошпўлат Саъдий кейинги учрашувга (кор ёғган кун эди) Ғафур Ғулом билан Ҳамид Олимжонни олиб келди. Уларга биз – шеърга ихлосманд кизларни таништиришди. Ҳаваскорлар ўз машқларидан ўқишди, мен ўқиганим ҳам йўқ. Кейин турли йиғинларда учрашиб, самимий сўрашиб юрдик. Аммо хушомад ҳам бўлгани йўқ.

Педбилим юртини тамомлагач, нашриётда ишлай бошладим. 1933 йили бир гуруҳ пахтакорларга юқори ҳосил олганликлари учун мукофотлар топширилганди. Ҳукумат ана шу мукофотланганлар тўғрисида асарлар яратиш вазифасини қўйди. Бу ҳақдаги мажлис ўша пайтдаги комсомол марказий кўмитаси биносида бўлди. Қиш эди. Бир сабаб билан кечикиб бордим, пальтомни топшириб, мажлис зали эшигидан қарасам, бўш жой йўқ экан. Ўтирганлар сурилиб-сурилиб битта ўринни бўшатишди. Унга бориб ўтирдим, тўғриси, ёнимда ким борлигига ҳам эътибор берганим йўқ. У пайтларда сумкача кўтариш одат бўлмаган, кўлимда – дафтарча, калам ва пальтомни топширганимда берилган номер. Маърузачининг гапларини ёзмокчи бўлдим, бир кўлимда дафтарча, иккинчисида калам, номерчани қаерга қўйишни билмай тараддудлангандек бўлгандим, уни ёним-



да ўтирган одам олиб чўнтагига солиб қўйди. Мундоқ қарасам, Ҳамид Олимжон экан.

Менга Марҳамат исмли киз ҳақида достон ёзиш топширилди.

Мажлис тугаб, танишлар билан суҳбатлашиб турарканман, Ҳамид Олимжон йўқолиб қолди. Пастда, кийимхонада бўлса керак, деб тушсам, у ерда Охундий турибди. Бу ёзувчи билан уйимиз бир томонда эди.

– Кетдик, – деди у.

Мен номеримни Ҳамид Олимжон олганлигини айтдим. Охундий бир кошени кўтариб:

– Бўпти, менинг хожатим йўқ сизларга, – деб кетди.

Бир пайт кулимсираб Ҳамид Олимжон пайдо бўлди.

– Ҳамма кетиб қолди-ку! – дедим унга.

– Мен борман-ку!

Бинодан бирга чиқдик. Ҳамид Олимжон кузатиб бораверди. Шеърлар ўқидик, шу ҳақда гаплашдик.

– Қаерга кетяпсиз? – деб сўрадим.

– Сизни кузатиб қўяман.

Эртасига ишхонамга борди, яна ўшандай гаплашиб ўтирдик.

– Нималарни ўқийсиз? – деб сўради.



- “Чолиқуши”ни ўқияпман.
- Катта адабиётни ўқиш керак.

Шундан кейин китоблар келтириб берадиган бўлдилар. Жудаям одобли эдилар. Кейинчалик уйдаги ҳаётимиз ҳам худди мана шундай одоб, андиша доирасидан чикмай кечди.

### СЕВГИ ИҚРОРЛАРИ

Хотиралар, шоиранинг табиатларидан келиб чиқиб ўйлайманки, муҳаббат худди баҳор фасли каби бутун қалб оламларини гулу ифторларга тўлдириб келган ёшлик йилларида ҳам Зулфия опа ўзбекона одоб, ҳаё, андиша чегарасидан четга чиқмаганлар. “Муҳаббат – маним қалб бойлигим. Уни ҳар кимларнинг олдига дастурхон қилиб солиш мумкин эмас”, – деган эътиқодга аввалу охир содик бўлиб қолганлар. Фикрим исботи учун устознинг бир хотираларини келтирмоқчиман:

– Баъзан ёзувчи Ойдин опамнинг уйларига борардик, чунки ишхонага яқин жойда яшардилар. Адабиёт ҳақида суҳбатлашиб ўтирардик. Бир куни Ҳамид Олимжон у кишига: “Тўй қилмоқчимиз”, – дебдилар. “Вой, шунақа муносабатларнинг бормиди? Қапалакдай бўлиб юрар-



диларинг. Мен шундай муносабатларинг борлигини ҳеч сезмабман”, – деб хайрон бўлган эканлар Ойдин опам.

Ақлимни танибманки, иккита акам Москвада ўқишарди. Уйимизга эркагу аёл меҳмонлар бирга-бирга келишаварди. Ўша пайтда покизалик, одамларнинг бир-бирига ишончи шунчалар кучли эканми... бузукчилик, бешармлик ҳақида гап-сўзлар йўқ эди.

Ҳар гал учрашувга борганимда, Ҳамид ака кўзлари чакнаб, кўлидаги соатга ишора қилганча:

– Соатлар неччи бўлди? – дерди ва жавобимни кутмай, яна ўзи: “Минг бўлди!” – дерди.

Бир куни Охундий хотини билан келиб:

– Юринг, Тельман паркига борамиз, – деди.

Ўшанда Ҳамид Олимжоннинг уйи қаерда эканлигиниям билмасдим.

– Ҳамидни ҳам олволайлик, – деди Охундий.

– Олиб чиқинглар.

– Йўқ, бирга кирамиз.

...Ҳамид Олимжон мени кўчамизгача кузатиб келишидан ҳеч ким ёмон фикрга бормаган. Кўчанинг бир томонидан у киши, иккинчи томонидан мен бораверардик. Ҳамид Олимжон



мени кузатиб келиб Охундийнинг уйига ўтиб кетарди. Баҳор, ёз фаслларида атиргуллар очилиб ётган ҳовлимизга қараб:

– Қанийди, мана шу атиргуллар тагида бир кеча сиз кириб кетган хонага қараб ўтириб тонг оттириш мумкин бўлса... – дерди.

Дарвозамизнинг тўғрисида маҳалла гузари бўларди. Бир куни шундай келаётганимизда, дадам бизни кўриб қолиб, ўрnilаридан турдиларда, уйга кириб кетдилар. Иккинчи марта шундай ҳолат бўлганда, онамга: “Қизингга айт, бошлашиб юрмасин. Агар йигит уйланмоқчи бўлса, одам кўйдирсин”, – дебдилар. Янгам онамга:

– Зулфияни бир йигит кузатиб юрибди, – дебди.

– Ким?

– Охундийнинг ўртоғи.

Шунда Нормат акам:

– Мен у йигитни биламан, яхши йигит, – дебдилар. Орадан бир оз муддат ўтгач:

– Ойи, мен гаплашдим, яхши йигит, тўй қилиб бераверинг, – деб айвоннинг четига ўша пайтда янги урф бўлган патефон кўйибдиларда, “Бу мендан совға”, деб Хоразмга жўнаб кетибдилар. Чунки ўшанда Хоразм вилояти тафтиш комиссиясининг раиси эдилар. Онам: “Совчи бўлиб келишадими?” – деб сўрадилар...





Елда қўшиқ, кўприкда қўшиқ,  
Бахт-ла тенди икки ёш юрак...  
Ой сўзлади юлдузни тўплаб  
Севги тонги ҳақида эртақ.

ЗУЛФИЯ, 1936 йил.

## ТЎЙ

Зулфия опа ўзларининг тўйлари ҳақида сўзлаб берган воқеаларни тасаввур қилишга уринаман. Хаёлий манзаралар ажойиб кинога ўхшаб кетади. Бу сатрларни ўқиган ҳар бир китобхон азалий ҳақиқатга яна бир қарра имон келтиришини тилайман: яъни тақдирини бири-бири билан боғламоқчи бўлган йигит ва қизга на бойлик, на обрў, на чирой, на мансаб... ҳақиқий қувонч бера олмайди. Оила остонасидан чин севгисини сарупо қилиб кирганларгина МУҲАББАТ ва БАХТ салтанатида бир умр қоладилар.

Келинг, Зулфия опанинг энг бахтиёр дамлари ҳақидаги ҳикояларини тинглайлик:

– Менга Ҳамид Олимжон томонидан тугунчада бир оқ рўмол, оқ кўйлак, оқ туфли келди. Уни берсин, буни берсин, деган гаплар бўлмади. Тўйдан уч кун олдин менинг келинлик сепларимни олиб бориб, уйни ясашиб келишди.



Кеннойим:

– Бир яхши ойилари бор экан, ширинсўз, мулойим, – деб келдилар.

Ўша пайтларда афсонавий қаҳрамонларга ўхшаб ҳар хил ҳолатларда расмга тушиш одат бўлганди. Ханжар ушлаб тушган суратимни катталаштиришга бергандим. Ўзлариям ҳазилкаш, ҳазилни тушунадиган Ҳамид Олимжон расмни олиб, палакнинг ўртасига осиб қўйибди.

– Абдулхамид, ким бу? – деб сўрабдилар оналари.

– Келинингиз.

– Кўлида ханжари бор-ку.

1935 йил 23 июль куни Отажон Ҳошимнинг ховлисида тўйимиз бўлди. Келинни олиб кетиш учун еттита извош юборишибди.

– Болам, бахтли бўлгин, қўша-каринглар. Она кизим, йиғлама, бахтли бўласан, – деб дуо килдилар отам.

Шунда амакиларимдан бирининг хотини:

– Мана, она қизингизга катта тўй ҳам бўлмади, – деди.

– Сен бундай жодугарлигингни қўясанми, йўқми?! Қизим бахтли бўлса, бас, – дедилар дадам.

Қатор извошларда бордик. Кўчалар бирам чиройли, сувлар сепилган. Ҳамид Олимжон оп-



пок кўйлақда бизга пешвоз чиқдилар, кўзлари чақнаган. Извош тўхташи билан олдимизга келиб, кўлимдан тутдилар:

– Соат неччи бўлди?

– ...

– Минг!

Столларда ҳаммаси бўлиб 40–50 чоғли одам, дастурхонлар безатилган. Ўшанда Ҳамид ака Фанлар академиясида ишлардилар. Ҳоди Зариф, Отажон Ҳошим, Уйғун, Яшин ака, Ҳалимахоним, Олим Хўжаев, Назира Аҳмедова, Сорахоним, Розияхоним Каримова, Мукаррамахоним эри билан... Нариги сўрида маҳалламиздан келган аёллар. Онамни ҳам кўриб турибман. Бир пайт аям – Комила бувини ёнимга олиб келишди.

– Аяжон, сиз келинингиз билан гаплашиб туринг, мен ойим билан кўришиб келай, – деб нариги сўрига кетди Ҳамид ака.

Ҳамид Олимжон бориши билан маҳалламиз аёллари ўринларидан туришди.

– Менинг онам қанилар, сўрашиб олай, – дедилар Ҳамид Олимжон.

Онамнинг:

– Вой она деган тилларингиздан. Маним қизим сизнинг уйингизда яшнаб юрсин. Ўғлим бўласиз, – деган гаплари эшитилиб турарди.



Жуда чиройли тўй бўлди. Кейин Назир ака, Аъзам Аюб, Охундий мени Ҳамид Олимжоннинг уйига олиб боришди.

Тўйдан кейин аям – Комила буви бошқа фарзандларини олиб Жиззахга қайтиб кетишга шайландилар. Лекин мен уларнинг кетишларига йўл қўймадим. “Ўғлингиз шу ерда, сизлар ҳам биз билан бирга яшайсизлар”, – дедим. Шу-шу битта уйда ҳаммамиз яшадик. Ҳамид Олимжонга бўлган муҳаббатим унинг онаси, сингиллари, укаларига бирдек етарди. Улар ҳам мени шунга яраша эъозлашарди. Ҳаттоки Ҳамид Олимжон бўлмаган пайтларда ҳам унинг ўзи бўлиб авайлашди.

Отам, онам куёвни шунчалар суюб, эркалатишди-ей... Ҳамид ака дадамни жуда яхши кўрардилар.

## ПАЛАК

Уйимизда онам, янгаларим палак, Бибиниса опамга сеп тикишарди. Опам онамнинг бешта ўғилдан кейин кўрган қизлари эди. Шунинг учун у тугилгандан бошлаб сарупо тўплашни бошлаган эканлар. Лекин онам билан янгамнинг тиккан палаги опамга буюрмади. Чунки у



тўйи арафасида бехосдан вафот этгач, палакни менга беришди.

Мен келин бўлиб борганимда, палакни уйга осиб қўйишди, бундан Ҳамид Олимжон жуда хурсанд бўлган эди.

– Уйимизда офтоб чиқиб кетгандек бўлди, мен бунақасини сира кўрмаган эдим, – деди. – Ҳамма ёқ ёниб, нурга, гўзалликка тўлиб кетди.

Палак ҳақида гапира туриб, Зулфия опа яна бир воқеани эслагандилар:

– Ҳамма иши битди, тайёр дейишгандан кейин палакни қўлимга олиб карасам, битта жойи чала қолган экан. Мен янгамга: “Нима учун мана бу жойини тикмадинглар. Келинлар, мен битказиб қўяй”, – дедим. Шунда онам: “Бу дунёнинг ишлари ҳар доим чала, ҳаёт эса давом этади. Агар палакни охиригача бекаму кўст тикиб, унга нукта қўйилса, ҳаёт ҳақиқатига зид бўлади”, – дедилар.

Фалсафани қаранг. Демак, палак ҳам бадиий, ҳам фалсафий асар. Ўша палак узоқ йиллар менинг уйимда бўлди, мен уни кизим Ҳулкарга бердим, Ҳулкар эса кизи Лолага. Фурсати етганда, Лола набирасини узатаётганда, палакни унга беради. Насиб этса, қизларимиз келинлик уйлариинг тўрига катта момосидан қолган ёдгорликни осадилар.



Йиллар ўтиб, бир куни санъат музейида миллий санъатимиз кўрғазмасини журналист Стрельцова билан томоша қилиб юргандим, нотаниш рус одами: “Нима учун палакнинг мана бу ери тикилмаган?” – деб сўраб қолди. Мен онамнинг гапларини айтганимда, ҳалиги киши: “Узбекский народ – мудрый народ”, – деб ҳайратланган эди.

### САВОЛ

*Кийинтирсам сени баҳорга,  
Юлдузларни ўрасам қорга,  
Олиб келиб олдингга қўйсам,  
Ҳам юлдузни, ҳам сени суйсам;  
То тонгача сўйласам эртак,  
Чечак териб этак ва этак  
Оёгингга келтириб тўксам,  
Сени мақтаб, агёрни сўксам, –  
Шунда сенинг кўнглинг тўлурми?..  
Айтганларинг бажо бўлурми?..*

**ҲАМИД ОЛИМЖОН, 1937 йил.**

*Узоқ мен ахтардим, аммо ўзимда  
Бир куч тополмадим севгидан устун!  
Мен сени севаман, сеҳргар йигит,  
Бутун борлигим-ла мен сенга мафтун.*

**ЗУЛФИЯ, 1942 йил.**



## ҲАЁТ – СИНОВ

...Турмуш курганимизнинг дастлабки йиллари. Мени хизмат юзасидан бир гуруҳ ёзувчилар билан Москвага юборишадиган бўлди. Поездга чиқишимиз керак, бир сабаб билан мен ўзим темир йўл вокзалига ўтадиган, Ҳамид Олимжон эса жомадонимни уйдан келтириб берадиган бўлди. Сафарга борадиганларнинг ҳаммаси жам бўлган, поезддаги жойларимизга ўрнашяпмиз, лекин Ҳамид акадан дарак йўқ эди. Ҳамроҳларимдан айримлари: “Ҳамид сизни Москвага юбормоқчи эмас. Шунинг учун жомадонингизни олиб келмаяпти”, – деган гапларни айтишди. Ҳукумат тадбири, бормасликнинг иложи йўқ. Поезд жўнайдиган вақт ҳам бўлди, ноилож куп-курук бўйим билан поездга ўтириб жўнаб кетдим. Алламаҳалда поезд хизматчиси: “Исроилова Зулфия ким?” – деб йўқлаб келиб колди ва кўлимга телеграмма берди. Унда Ҳамид Олимжон поезднинг жўнаш вақтига улгуролмай колганлигини айтиб, эртаси куни худди шу йўналишдаги поезд хизматчиси орқали жомадонни бериб юборишини билдирган эди.

...1937 йили Каримжон укам фожиали вафот этганда, Ҳамид Олимжон Москвада, ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашаётганди.



Азадор уйда мени ортик колдиришмади, чунки эмизикли фарзандим бор эди, ўз уйимга олиб келиб кўйишди. Эрталаб аям эшикни охиста очиб: “Мана буни ташлаб кетишди”, – деб бир коғоз бердилар. Фототелеграмма экан. Унда “Азизим Зулф. Бошингизга оғир фожа тушибди деб эшитдим...” – дея Ҳамид Олимжон ҳамдардлик билдиргандилар.

Москвадан поездда етиб келгунларича, акамнинг етилари ҳам ўтиб кетди. Биргалашиб ойим, дадамни кўргани бордик. Қайтишда:

– Ая, дада, илтимос, агар рухсат берсаларинг, Зулфия қора киймаса. Гўдакка кўкрак тутиб турган она қора либосда бўлмасин, – дедилар.

– Йўк, энди ўн йил қора кийсак ҳам, Каримжонни қайтариб бўлмайди. Зулфия қора киймасин. Бу ерга ҳам ҳадеб келавермасин, – дедилар онам.

Ҳеч қачон “сен” демаганлар. Ақлли, саховатли, покиза инсон эди.

Ҳамид Олимжон ишга кетаётганда, стол устидаги коғозларини йиғиштирарди-да, “Мана, энди сиз ўтириб ижод килинг”, – деб чиқиб кетарди. “Шеър ёздингизми? – деб сўрарди ишдан қайтгач. Кейин яна кўшиб кўярдилар. –





Агар сиз шеър ёзмасангиз, иқтидорингиз увол бўлади, мен ўзимни гуноҳкор ҳис қиламан”.

Уруш йиллари ҳеч кимга аралашмасдим ҳам. Оилам, болаларим, ишга бораман, қайтаман. Ҳамма ишлаши керак. Оиламиз катта. Бунинг устига Ҳамид ака иморат қурилишини бошлаб қўйгандилар. “Нима кераги бор шу иморатнинг?”– десам, “Мен Тошкентга келганимга саккиз йил бўлган эса нечта жойга кўчдим. Болаларимиз ҳам катта бўлганда шундай қилиб юришмасин. “Отамиз, онамиз шундай одамлар бўла туриб, битта бошпана қуриб қўймаган эканлар-да”, – дейишмасин. Ҳеч нарса қилмайди, озроқ кийинамиз, камтаринрок яшаймиз-да, шу уйни кўтариб оламиз”, – деб томи ёпилгач, янги ҳовлига кўчиб боргандик.

Мен у кишининг маслаҳатлари билан тугалланган ихчам шеърлар ёза бошладим. Жуда фахрланиб юрардилар.

## **МАШЪУМ ФОЖИАДАН ИККИ КУН ОЛДИН...**

Ҳовлимизнинг орқасида картошка экилган ер бор эди. Ҳамид Олимжон кечки овқатдан кейин ўша жойда ишлаётган эдилар. Ой нурида сув жимирлайди. Чой олиб чиқдим.



– Ташна бўлиб турганинда чой олиб чиккан хотинингнинг садағаси кетсанг арзийди, – дедилар.

– Ташна бўлганингизни билдим-да!

Шундан кейин қаршиларига, майса устига ўтирдим.

– Шунақаям шоира бўларканми, – дедилар. – Тап этиб ерга ўтирдингиз, – дедилар-у, кўйлақларини ечиб, тўшаб бердилар. Мен уларнинг оёқларини ювмоқчи бўлдим. Шартта кўлимдан ушлаб:

– Бу кўллар менинг оёқларимни ювиши эмас, сочларимни силаши керак, – деб кўлларимни ушладилар. Бу – 1944 йилнинг 31 май окшоми эди...

*Бахтиёр севгини куйларди созим,  
Ўлим ханжарига тегди-ю, синди.  
Ҳижрон фарёдидай совуқ овозим,  
Наҳот, лириканинг ёлқини тинди?*

**ЗУЛФИЯ, 1945 йил.**

## НАҲОТ...

“Роксананинг кўз ёшлари” балладаси Ҳамид Олимжоннинг 35 ёшга тўлган, навқирон даврида ёзилган сўнгги асари бўлиб қолди. 1944 йил-



нинг июли 1–2 кунларида у шоир Уйғун билан Тошкентга туташ жойдаги ёзувчилар боғида – Қибрайда дам олган. “Боғга киришимиз билан димогимизга атир ва бол ҳиди урилди, – деб эслайди Уйғун. – Атир ҳиди ўрталикдаги ши-нам гулзордан, бол ҳиди эса арик бўйида ўсган азим липаларнинг гулидан таралмоқда эди... Ҳаво соф, салқин, узала кетган олмазор, мевазор, бедазорлар танларга ором бағишлар, кўзни кувонтирарди... Кейин боғни бошдан-оёқ кўриб чиқдик. Арик бўйига қайтар эканмиз, Ҳамид мендан сўради:

– Хўш, бу ерда дам олса, ижод қилса бўладими?

– Бўлганда қандок!..

Эртаси, якшанбанинг кечки салқинида улар шаҳарга қайтаётганларида, Дўрмон қишлоғининг катта кўчасида ногаҳоний фожиа – автохалокат юз беради. Оғир жароҳатланган Ҳамид Олимжонни шифохонага етказиб, операция қилдилар. Лекин вақт ўтган, фожиа етказган жароҳатлар бешафқат экан: 2 июлнинг ярим кечасида шоир ҳаёт билан видолашади. 3 июлда эса Ҳамид Олимжон тобути гўё ўзбек халқи елкасида лопиллаб борарди.



Уйда бўғилдим-у, чиқдим эшикка.  
Ер устига чўккан оқшомги туман.  
Гўё кўзларимга боққандай тикка,  
Яшнарди бир юлдуз худди сенсимон.  
Худди сендай узоқ ва сендай ёрқин,  
Авжи чақнаганда сўнади у ҳам.  
Бир юпанч – севгимнинг осмонидан  
Ўчмасдан ёнасан, эй гўзал ҳамдам.

**ЗУЛФИЯ, 1945 йил.**

### **ИШҚ ҚЎШИҒИ ЁЗИЛГАН...**

Денгиз марваридни туб-тубида асрайди – энг ишончли жой шу. Денгиздан айрилгач, қандай кўлларга, назар-нафасларга тушмайди, не турфа мақсадларга хизмат қилмайди, бошидан нима савдолар кечмайди марвариднинг...

Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним муҳаббати билан боглик хотиралар, тафсилотларга қизиқувчилар кўп эди, ҳануз шундай.

Бир суҳбатда: “Ўзбек шеърлятида муҳаббат нозик кечинмалар орқали ифодаланди. Мен ҳеч қачон тўғридан-тўғри “Сени севаман!” деёлмайман. Атсам, бошқачароқ айтаман. Аммо гоҳида шеърларимнинг таржимасини ўқиб, ўша шеърларимни биров ечинтираётгандай уялиб кетаман”, – деганлари ёдимга тушди.



Зулфияхоним ҳаётда ҳам, илҳом оламининг лирик қаҳрамонига айланган лаҳзаларда ҳам шарқона одоб-ҳаё чегарасидан чиқмади. Ҳолбуки, “илк бор кўргандаёқ кўзидан кўнглига ўтган” Ҳамид Олимжонга умрининг охиригача ҳеч кимни ўхшатолмади. Севги ва муқаддас никоҳ ришталари билан боғланган қалбининг ҳарорати, эҳтиромини энг бешафқат, бетаскин синов – бир умрлик айрилиқ ҳам заррача совитолмади, камайтирмади.

*Қанча бўлди кўрмаганимга,  
Эй қалбимнинг дилбари – шоир!  
Қанча бўлди бирга ўлтириб  
Сўзлашмадик дилларга доир.  
Дил-чи, дилим унутиб бўлмас  
Ишқ қўшиғи ёзилган китоб.  
Ҳаёл хиёл чертиб ўтдимми,  
Топиб бер, деб қилади хитоб.  
Иккимизга маълум бир қудрат  
Йиллар ўта сенга тортади.  
Унутайин дейман-у, фақат  
Дилда унинг ўти ортади.*

1945 йил кўкламида, яъни тўққиз йиллик бахтли оилавий ҳаётдан сўнг баҳорни Ҳамид Олимжондан жудоликда кутиб олгандаги изтироблари... Борлиқдаги яшариш, янгиланиш,



гуллар, кушлар, еллар “ўрик гулларининг мафтуни” бўлган шоирни эслатади, “сўроклайди”:

*Қани мен келганда кулиб қаршилаб,  
Қўшиги мавжланиб оққан бир дарё?..*

Зулфияхоним ҳижроннинг ўша дастлабки бахоридаёк:

*Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,  
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам! –*

деб ёзганда лаҳзалик эхтирослар, шоирона муболагалар эмас, балки бутун умрига пайванд муҳаббату садоқати иқрорини сатрларга кўчирганини ҳаёти мобайнида исботлаб ўтди. Ана шу олий туйғусини қалбида ганжина каби асради, сўзларда тинмай таърифу тавсиф килмади, сийқалаштиришни истамади. Ҳамид Олимжоннинг ёди, согинчи ҳар нафасда унга ҳамроҳ, энг маъсуд дамларда ҳам, “шодлик яратиш мушкул бўлган” онларда ҳам уни кўмсайди:

*Бузиб, ясаб мисоли заргар,  
Борин тўкиб... нуқта қўйибоқ  
Бир тингловчи қоламан излаб  
Ва орқага тортар юрагим.*



*Уйғотибми, чорлабми, бўзлаб,  
Топиб, фикринг келар сўрагим.*

Юқоридаги мисралараро “топиб” сўзи ҳар гал юрагимни зиркиратади – шоира шоирни топиш учун ҳамма нарсага тайёр. Мана шундай ички дард, талпиниш, эҳтирос билан севади. Зулфиянинг муҳаббат мавзусидаги шеърларида севгилисининг ташқи қиёфасини тасвирлайдиган сатрлар деярли учрамайди. Чунки шоирга унинг қалби боғланган:

*Қалбни безаб кетган ишқда зўр бахт бор,  
Юрак унутарми олтин дамларин?*

Руҳан энг яқин одами ҳам – севган ёри:

*Ишққа маскан юрагим  
Топиб бер, деб қистайди.  
Нима қилай, бераҳм –  
Руҳим сени истайди.*

Зулфияхоним ҳаёт бўлган пайтларида ҳам, вафотларидан кейин ҳам – ҳозиргача садоқат, вафо рамзи сифатида каттаю кичик давралар, минбарлардан эътироф этилади. Ҳамид Олимжон фожиали ҳалок бўлган кунда сочига бир тутам оқ оралаган йигирма тўққиз ёшли шоиранинг бу иродаси, қаноатига кимлар таъзим қилади, кимлар тасаннолар айта-



ди... Бундай жасорат, сабру бардошни аклига сиғдиролмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Аммо Зулфияхоним на мактовлар ва на ибрат учун, балки бутун калби, умри билан Ҳамид Олимжонга боғланиб ўтишни аъло, афзал кўрди, руҳига таскин берадиган аёллик бахтини шу тақдирида кўрди.

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди: 1980 йилларнинг охирларида совет тузумининг “ошкоралик” сиёсати гўё ҳамманинг “тилини ечиб юборди”. Адабиётимизнинг, каламкашлар ҳаётининг таҳлилчилари кўпайиб, фаоллашиб кетди. Адабий журналда хотирасини чоп эттирганлардан бири: “Таникли адиб Абдулла Қодирий бир вақтлар Ҳамид Олимжоннинг Зулфияга муҳаббати самимий бўлмаган, деган маънода гапирган”, – деб ёзиб чиқди. Ўшанда... юзма-юз ўтирибмиз, олдимизда ҳалиги журнал. Нимадан сўз бошлашгайм, Зулфия опа бу ҳақда гапирсалар, унга қандай жавоб беришим мумкинлигиниям тасаввур қилолмай ўйланаман. Лекин мен кутган ноқулайликка яқин ҳолат ҳам юз бермади. Зулфия опа нигоҳлари билан журналга ишора қилдилар-да:

– Абдулла Қодирий бунақа гапларни кўтариб юрадиган одам эмасдилар, – дедилар осойишта овозда.





Шунда кўпинча ўйлаб-ўйламай айтилган сўз, кўйилган қадам билан билмаган ҳолда ҳатто ўзимиз жуда яхши кўрган, улуглаган одамнинг номига, шаънига гард юктириш осон эканини тушундим. Журналдаги хотиралар муаллифи улуғ адиб номига унинг шаънига но муносиб фикрни тиркаган бўлса, Зулфия опа битта қатъий хулоса билан унинг исму шарифдан ўша ғуборни қоқиб ташлаб, ўз мартабаси даражасига кўтариб кўйдилар. Бошқа гап, изох, мулоҳаза ўринсиз, кераксиз, деган каби мавзуга нукта кўйдилар.

Азалдан Шарқ аёлларини безаган фазилатларнинг гултожи – ёрга, оилага, оналик масъулиятига садоқат. Академик шоир Ғафур Ғуломнинг Зулфияга бағишланган шеърдаги “Муаззам Шарқ намоёндин сенинг покиза жонингда” деган эътирофи шоира шахсига нақадар муносиб!

## ҲАМ КЕЛИН, ҲАМ ЎҒИЛ ЎРНИДА

– Зулфия опа, сизнинг бу кетма-кет ва олис юртларга сафарларингизга Комила буви қандай қарар эдилар? – деб сўрагандим.

– Комила бувидай аёл бошқа бўлмаган, – Зулфия опа ўз оналари қаторида ғоят азиз



бўлган инсонга ҳурматлари кўзларидан балкиб жавоб кайтаргандилар. – Ҳамид аканинг вафотидан кейин бир ярим йил ўтиб, аям хали ёш эканлигимни айтдилар, бир умр бундай яшаб бўлмаслигини тушунтирдилар, “Турмушга чикинг”, – дедилар.

– Нега, аяжон, уйингизга сиғмай қолдимми? – дедим. Шундан сўнг бу ҳақда гап очилмади.

Ҳамид Олимжон вафотидан кейин уч йил қора кийимда юрдим. Бир куни аям аздорлик либосим ўрнига оқ кўйлак кийдирдилар. Комила буви энди нафақат ўзим ва болаларим учун, балки ҳаётдан бевақт кетган ўғиллари учун ҳам яшашим, ижод қилишим, уларнинг ижодкор дўстлари сафини тўлдириб юришимни истардилар. Тошкентга бошқа республикалардан, чет мамлакатлардан ёзувчи, шоирлар меҳмон бўлиб келишса, уларни худди Ҳамид Олимжон ҳаётлик пайтидагидек уйимизда меҳмон қилишга бош-қош бўлардилар. Меҳмонлар келганда, салобатли, доно аямни чиройли кийинтириб, бирга пешвоз чиқардик, ҳаммани иззат билан уйга бошлаб кирардилар, фотиҳа ўқирдилар. Даврада ўғилларининг ўрнини ҳаёлан тасаввур этсалар керак, кўзларида ёш ялтирарди. Баъзида менга сафарларга чиқиш ёқмай қоларди. “Бормайман”, – дердим қатъий. Шун-



да аям элнинг каторидан, меҳридан, ишончидан колмаслик ҳақида сўзлардилар. “Боринг, сизни муносиб кўришибдими, элдан ажралманг”, – дердилар.

Комила аянинг ҳамма фарзандлари олий ўқув даргоҳларида ўқиб, ўз даврининг илмли, маданиятли, эл-юртга сидкидилдан хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етишдилар. Роҳатой опа ортопед-травматолог бўлиб, эл саломатлиги йўлида хизмат қилиб ўтдилар.

Адабиётшунос муаллима Саҳобатой опа ўрта мактабда адабиётдан дарс бердилар. У киши табиатан шеърининг содиқ мухлиси бўлиб, Ҳамид Олимжоннинг шеърларини завқ, эҳтирос билан ўқиганлар. Айниқса, ҳар хил тантаналарда, туғилган кунларда, тўйларда Ҳамид Олимжоннинг “Сен тугилган кун” шеърини ўқишни жуда яхши кўрганлар.

Тарихчи Муҳаббатой опа эса жуда мулоҳазали, мулойим аёл бўлиб, умрларининг охиригача Зулфияхоним хонадонига жуда яқин, суяниб яшадилар.

Ҳамид Олимжоннинг биттаю битта укалари Сарвар Азимов адабиётшунос, таниқли олим, шу билан бирга етук давлат арбоби – дипломат сифатида кўплаб чет мамлакатларда элчи бўлиб ишладилар, ҳамиша ижод билан банд



бўлдилар. Узок йиллар масъул лавозимларда фаолият кўрсатдилар, Ёзувчилар уюшмасига раислик қилдилар. Замондошларининг эътирофларича Сарвар Олимжонович уюшмага раис сифатида шоир ва адиблар ижодига, ҳаётига эътиборли, ғамхўр бўлган. У киши ҳам худди акалари каби ўзига ва ўзгаларга ўта талабчан экан. Кўринишдан салобатли, камсукум бўлиб, қисқа, мазмунли гапирган.

### “МЕН ЎТГАН УМРГА АЧИНМАЙ ҚЎЙДИМ”

...Баҳор осмонининг мовийлигини ҳис этмок учун кишининг қоп-қора булутлар хўмрайган осмонига қанчалар термулмок керак? Пўлат қудратга, қучли зарбларга чидамли метинга айланиши учун лаҳча чўғлар оташида қанча тобланиши зарур?..

Аёл... унинг зуваласини Тангри таолонинг ўзи сабру бардош, андишаю ўқтамлик, сўру сеҳрнинг аччиқ, ширин сувлари билан омукта қилиб яратганмикин? Ер юзида ҳаётнинг давом этиши, олам ичра оламлар – хонадонларда умид чироклари ўчмаслиги учун, кўнгиллар хотиржамлиги, фарогати, ҳарорати сўнмаслиги учун ўтдан кириб, сувдан чиқади аёл. Буларнинг эвазига фақат бир қутлуғ неъмат – МУҲАББАТ



кутади. Шу боис ҳам аёл ўзининг бор хусну малоҳатини, умрини, маънавий жавоҳирларини муҳаббатга назира этади. Аммо мўъжаз соз янглиг вужудида таранг тордек титраб, жангларга турган муҳаббатининг бевақт хазон бўлиши...

Қисмат Зулфия умрининг Ҳамид Олимжон билан кечган қарийб ўн йиллик бўлагини муҳаббатнинг бекам бахти билан сийлади. Аммо... “Ҳамид Олимжон оловли ва кутилмаган бир фожиа туфайли гўё ёниб кетди-ю, Зулфияхоним ҳам ўша оташда баробар ёнди” (Миртемир).

“Мен ўша куни фалокатни эшитиб, жонимга ўт кетиб, касалхонага чопдим. Бир лаҳзага кечикибман...” – бу ҳам Зулфия опанинг хотираларидан. Ўшанда йигирма тўққиз ёшда эдилар. Халқ ичида: “Оғир жудоликнинг илк лаҳзаларида Зулфиянинг сочларига оқ тушган”, – деган гап юради. Мен бу фикрнинг нечоғлиқ ҳақиқат эканлигини опанинг ўзларидан сўрашга журъат этолмаганман. Назаримда, у лаҳзаларга хаёлан қайтмоқ ҳам осон эмас. 1947 йилда олинган суратга термуламан: қора кўйлакнинг устидан елкага оқ рўмол ташланган, Парвардигори олам беўлчов меҳру ихлос билан яратган чехрада шу қадар майин ифода, кенг пешонанинг икки сатҳига туташ сочларда бемаврид тушган оқлар...



Ўртанган дилни Тангри тоало Ўзи суяб, измига солди: хаёт, фарзандлар, дўсту кадрдонлар, ўз онаси каби меҳрли ва дилдош Комила буви Зулфияга суянч, тасалли, ҳамдард бўлдилар. Лекин Зулфия дарду дилини ҳаммадан кўпрок каламига очди, хижрон кийноқлари, изтиробларини, соғинчларини шеърларига тўкди:

*Қалб бўлганда йироқда,  
Ирода экан ожиз.  
Дўстлар ҳам кўп атрофда,  
Аmmo мен якка-ёлғиз...  
Бирдан қалбим кексариб,  
Қон ҳам қочди юзимдан.  
Сен, сирдошни ахтариб,  
Хаёл кетар изингдан.  
Қайга кетдинг, юрагим,  
Битди бардош ва тоқат.  
Сухбатингдир тилагим,  
Дилда ҳасратим қат-қат.  
Кўндир айтажак сўзим,  
Ўгитларингга зормен,  
Йиғлайсан деб дўстларим  
Таъна қилар. Нетай мен?  
Совуш бермайди менга  
Ёқиб кетганинг олов.  
Нетай, етмайман сенга,  
Ўртага ташланган зов.  
Ишиққа маскан юрагим  
Топиб бер, деб қистайди.*



*Нима қилай, бераҳм  
Руҳим сени истайди.*

**ЗУЛФИЯ, 1945 йил.**

Ҳижрон Зулфия қалбини, қаламини беаёв чархладиким, энди бу икки сирдош, тақдирдош қаламу қалбдан чирсиллаб учқунлар сачради, ярақлаган ўткир сатрлар тўкилди.

*Кўз очгани қўймайди алам,  
Бошим қўйсам, куйдирар болиш.  
Юпатошмас китоб ва қалам,  
Мисраларим кўтарар нолиш.  
...Эриб кетмагандим севгингдан  
Бўлмаслик-чун бахтингдан жудо.  
Бирга қолиш учун сен билан  
Куяман-у, бўлмайман адо.*

Зулфиянинг ҳижрон лирикаси, шубҳасиз, адабиётимизнинг муҳаббат китобидаги энг самимий, дилга яқин дурдоналардан. Бу шеърларга шарҳ ортикча, уларни ўқимок, англамоқ ва шунчалар покиза туйғулар нурида қалбни тозартмоқ (айникса, тириклар тирикларга ҳам вафо қилиши мушкуллашиб бораётган замонда!) керак.

*Оқа бер, қайноқ кўз ёш,  
Сўник чеҳрамда из кўп.  
Юрак эмас-ку бир тош,  
Шўрли бардош берди хўп.*



Юракда бир буюк мухаббатнинг ушалган ва ушалмаган армонлари билан элнинг кувончига кувонч қўшиб, шоир, Она, Аёл номини улуғлаб яшади Зулфия.

*Не яқин-йироққа йўлдош бўлмадим,  
Бу қутлуғ умримнинг измида эркин.  
Ҳеч ерда ҳеч кимнинг бахтин юлмадим,  
Туйғумни изларга отмадим, лекин  
Писанд ҳам қилмадим рашклилар кекин.*

Азиз ўқувчи, имконият тақозоси билан икки шоирнинг айрим шеърларинигина келтирдим. Мен Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг юракларидан қайноқ қондай силкиб чиққан назмларни ўзингиз сокин дамларда ўқишингизга ишондим. Зотан, МУҲАББАТ, САДОҚАТ, ВАФО туйғуларидан ҳаёт занжирлари қувват, латофат, ором олади. Иншааллох, инсониятнинг энг эзгу ниятлари рўёби улуғ мухаббат шарофатидандир. “Ҳар бир шоирнинг ҳам ишонган кишиси шундоқ бўлса, қанийди” (Миртемир).

Зулфия ижоди ҳақида қанчадан-қанча китобу илмий мақолалар ёзилган, ёзилажак. Бу вазифа тўлиғича адабиётшуносларнинг зиммасида. Мен бу ўринда унинг мухаббат, хижрон мавзусида ёзилган шеърларига бир ҳайратли нигоҳ ташладим, холос. Айни гулдек ёшида етим





мухаббат билан ғолиб яшамок (Оҳ, осонми...  
“Нега тирик экан ташлаб кетмадинг, Ташлаб  
кетмасанг-да, бошлаб кетмадинг?!”)нинг юкини  
унча-мунча одам ҳатто тасаввур ҳам этолмай-  
ди. Зулфиянинг бетиним, бардошли, эзгуликка,  
нурга ошно қалби Аёл учун энг оғир бўлган си-  
новлардан ғолиб яшади.

*Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,  
Ҳеч кимда кўрмайин ўзимга ўхшаш:  
Сўйдим,  
Эркаландим,  
Айрилдим,  
Кўйдим,  
Иzzат нима билдим,  
Шу-да бир яшаш!*

**Зулфия, 1945 йил.**

## СОҒИНГАНДА

*Кабутардек юрак уринар,  
Неча кундир сенисиз яшади.  
Мана, кўрким, энди ҳар нафас  
Вужудимда ўт туташади.*

*Неча кундир йўқолди тинчим  
Ва уйқуга этдим алвидо.  
Неча кунлар, неча соатлар  
Хаёлингга айладим фидо.*



Ўтар экан тунлар ва кунлар,  
Айрилиқда ахтариб висол  
Ва тонгларда якка ҳам ўйчан  
Кезар экан паришонхаёл,  
Борлигимни исмингни айтиб  
Чулғаб олар бир гўзал хаёл,  
Ўша жилва ва ўша оташ,  
Ўша кўзки, сузгун, хаёлкаш,  
Ўша имо, ўша ишора  
Эта бошлар юракни пора.

**ҲАМИД ОЛИМЖОН, 1936 йил.**

Ўтди ойлар гам билан оқиб,  
Дил топмади зарра тасалло.  
Фироқингда қолдим тутақиб,  
Не балога этдинг мубтало!  
Кўз очгани қўймайди алам,  
Бошим қўйсам, куйдирар болиш.  
Юпатоламас китоб ва қалам,  
Мисраларим кўтарар нолиш.  
Наҳот шунча маъсум, шундай пок  
Севишмоқда алам бор шунча?  
Бардош бермас ирода, идрок,  
Тамоман лол ақл, тушунча.  
Тогдай бор деб билган юрагим  
Қуш бошича қолмади чоги?  
Ғамни енгарман деган сарим,  
Яна ортар алами, доғи.



*Эриб кетмагандим севгингдан  
Бўлмаслик-чун бахтингдан жудо.  
Бирга қолиш учун сен билан  
Куяман-у, бўлмайман адо.*

**ЗУЛФИЯ, 1945 йил.**

## **ИККИ ИРМОҚ БИР ЎЗАНДА ОҚДИ**

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир шундай ёзганди: Ўсал бир тасодиф қурбони бўлиб, унинг умр йўлдоши ва мураббийси, дўсти ва суюқлиси Ҳамид Олимжон оламдан ўтди. Ҳамма қалам аҳли учун, ўзбек халқи учун оғир бу айрилиқ Зулфияхоним учун ниҳоятда оғир бўлиши табиий ахир! Оловли ишқ, одамийлик, сидқидил дўстлик ва тошқин меҳр ўз авж пардаларида узилиб қолиши фожиа устига фожиа бўлган эди-да. Зулфияхонимнинг дунёда энг яқин кишисини, юлдузи юлдузига тўғри келган шоирини унутиши мумкин эмас эди-да. Ҳа, унутиш мумкин эмас!

...Ҳамид Олимжон оловли ва кутилмаган бир фожиа туфайли гўё ёниб кетди-ю, Зулфияхоним ҳам ўша оташда баробар ёнди менинг назаримда. Фарзандларини отаси йўлида вояга етказиш, шеърни Ҳамидона вояга етказиш ўнғаймиди? Ҳануз ёнмоқда... Ўша ишқ, ўша



сук, ўша вафо – Зулфияхоним шеърятининг ўзак мотивларидан бўлиб колди.

...Ҳамиша ва ҳамма жойда шоира кўз ўнгидан ўша азиз ва ёрқин шоир тимсоли нари кетган эмас. Ҳамид Олимжонни соғиниб жаранглаган шеърлари кишини лол колдиргудек даражада Ҳамидона! Ўшандок содда, ўшандок аниқ, ёрқин ва дадил! Ўшандок асил, ҳақиқий шеърят! Ўшандок олмос кирра, етакчи ва чанқок!

Ҳамид Олимжондан поэзиянинг талай сирларини ўрганиб олганига шоиранинг ўзи ҳам иқрор ва шу билан бахтиёр. Шундок! Икки ирмоқдан бир жилға окмоқда эди, бири гўё тиниб колди-ю, ўзга бири ҳамон окмоқда. Ўша жилға, ўша оким, ўша мавж, ўша тўлқин! Зулфияхоним бу жилгада Ҳамид Олимжон учун ҳам окмоқда. Унинг йўқлигини билдириш хаёлида ҳам йўқ, тўлиб-тошиб окмоқда.

Ҳар бир шоирнинг ҳам ишонган кишиси шундок бўлса, кани эди!..”

Юқоридаги гаплар 1974 йилда ёзилган эди. Зулфияхоним “Миртемир домла” деб беҳад ҳурмат қилган халқ шоирининг бу эътирофларига бирон-бир қўшимча қилишга на ҳаддим, на ҳаққим, на фикрий салоҳиятим ва на кўрган-билганларим изн бермас. Фақатгина... ҳаётнинг мангу конунига жисмлар бўйсунди-ю, аммо



Ўқтам ва садоқатли қалбдаги муҳаббат йиллар синовларидан ғолиб яшади, яшаётир. Замон ҳукми ила энди юкоридаги сатрлар дилларимизга мана бундай кўчди: “Икки ирмоқдан бир жилға оқди, бири гўё тиниб қолди-ю... Зулфияхоним бу жилғада Ҳамид Олимжон учун ҳам оқди. Унинг йўқлигини билдириш хаёлига ҳам келмади”.

### “ҚАРЗИМ УЗАР ИККИ ФАРЗАНДИМ”

*Иккита кўзимга икки қорачиг –  
Мунисим Хулкарим, алтим Омоним.  
Ширин набиралар ҳаётдан тортиг,  
Ҳар бири жсонига пайванддир жсоним.*

**Зулфия.**

Ушбу китоб учун суратлар танлаш жараёнида бир ёркин ҳолат диққатимни тортди: фарзандлари, набиралари билан ёнма-ён, уларнинг даврасида расмга тушганда, Зулфияхонимнинг кўзларида алоҳида фахр, қувонч, бахтиёрлик балқиб туради. Бу туйғулар, балки шоиранинг Ҳамид Олимжон қаламини ерга туширмай, бир вужудда икки жўшқин ирмоқ бўлиб куйлаб ўтиш билан бирга ёридан қолган икки азиз ва бетимсол ёдгор – фарзандларни камолга ет-



казиш бахти ҳам насиб этганлигидан шукрона,  
оналик бахти бўлса, ажабмас.

*Ота бўлиб солдим мен йўлга,  
Она бўлиб бағримга босдим.  
Мана, юртга ўгил ўстирган  
Бир давлатманд бой бўлиб қолдим, –*

деб ёзганди Зулфияхоним бир шеърида. У тақдир синовига бардош билан, мардона қалб билан қаддини тиклаб олди. Шоира фарзандларини бағри бутун инсонлар қилиб тарбиялади, вояга етказди, ҳам ота, ҳам она бўлиб аслига муносиб наслар улгайтирди.

...Айтишларича, Ҳамид Олимжон биринчи фарзандларини ўгил бўлади, деб кутган, унга “Омон” деган исм топиб қўйган, “Ҳали туғилмаган ўгилга” сарлавҳали шеър ҳам битган экан:

*Салом, ўгил, севимли фарзанд,  
Сени кутар ота интизор.  
Дунё-дунё севгига пайванд,  
Салом сенга, эй жигарпора,  
Салом, тўрт кўз билан кутганим...*

Лекин илк фарзанд киз бўлиб, унга исм танлаш ҳам эсдан чиқмайдиган воқеа бўлган: ота ўз дўстлари билан ҳар куни газета хошиясига чиройли исмларни тизиб, муҳокама қили-



шаркан. Охири “Ҳаёт” деган исмда тўхташиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ҳам олинбди. Лекин анча вақт ўтгач, янги таклиф голиб чиқиб, қизалоқ исми “Ҳулқар” деб ўзгартирилган экан. Ҳамид Олимжоннинг “Ҳулқарнинг шеъри” ўшанда ёзилган:

*Тўшаб алвон-алвон гиламлар,  
Сенинг билан яшнасин баҳор.  
Сенинг билан хуш бўлсин дамлар,  
Сенга доим шодлик бўлсин ёр...*

*Сени кўрса очилсин гуллар,  
Сени кўрса ёнсин булбуллар,  
Сени кўрган бари топсин жон,  
Сен юрган ер кўрмасин хазон.*

Иккинчи фарзанд “тўрт кўз билан кутилган” ўғил бўлди, уни Омон деб атадилар. Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним шажарасини бу икки фарзанд давом эттириб келмоқда. Ҳулқар Олимжонова зиёли, юксак маданиятли, элга танилган адабиётшунос, фан номзоди бўлиб етишди. У Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) да узоқ йиллар давомида талабаларга ўзбек ва рус тилларида адабиётдан сабоқ берди.

Хонадоннинг келини (Омон Олимжоннинг рафиқаси) Риояхон Олимжонанинг “Менинг теран томирларим” китобида шундай сатр-



лар бор: “Ҳар икки тилда ҳам Ҳулқар опанинг лабларидан шеърлар бир зумда тўкилиб кетади, бу муболаға эмас, албатта.

Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди: 1978 йилда Муҳаббатой аммамизнинг кизлари Гулнорахон кизли бўлганида, биз Ҳулқар опамлар билан бирга эрталаб Самарқанд шаҳрига бешик тўйига бориб, кечкурун Тошкентга қайтиб келдик. Самолётга чиқиб жойлашиб олганимиздан кейин мен Ҳулқар опамга: “Сиз дарс бериш давомида талабаларга ота-онангиз ҳақида нималарни сўзлаб берасиз?” – деб савол бердим. Ҳулқар опа бир гап бошлаганларича, Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳақида шунчалар берилиб дилдан сўзлаб, мулоҳазаларини шеърлар билан далиллаб бердиларки, хали фикрларининг хаммаси тамом бўлмасидан, самолёт Тошкентга қўнганини сезмай қолибмиз”.

Ҳулқар Олимжонова забардаст ўзбек адиби Ойбек ва олима Зарифа Саидносироваларнинг тўнғич фарзандлари Омонбек ака билан турмуш қуриб, тўрт фарзанд (Гулшодбегим, Лолаҳон, Фотима ва Ҳусан (Аллоҳ раҳмат қилсин!) ни ўқимишли, ақлу одобли қилиб тарбиялашди. Ҳозир улар эл-юрт хизматида.

Оиланинг иккинчи фарзанди Омон Олимжонов – адабиётшунос, ҳуқуқшунос, юридик фан-





лари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист. У Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида хизматни энг оддий вазифадан бошлаб, 45 йилдан ортиқроқ вақт давомида раҳбарлик даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Омон Ҳамидович ўн йил давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, беш йил Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси бўлди. Меҳнатлари “Меҳнат шуҳрати” ордени, “Шуҳрат” медали ва бир қатор фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Омон ака ажойиб инсон, гоят маданиятли, билимли, тиббиёт фанлари номзоди Риояхон Олимжонова билан бахтли турмуш қуришди. Зулфияхоним келини ҳам ўз фарзандлари каби севдилар, ардоқладилар. Бу фикрни қуйидаги икки мактуб, яъни набиралар Фаррухбек билан Отабек туғилганда, шоиранинг туғуруқхонадаги келинига йўллаган мактублари изоҳлайди, деб ўйлайман:

*“Ассалому алайкум, менинг бахтиёргинам, азизгинам Риояхон!*

*Мана, бугун ҳам ажойиб тонг отяпти (Фаррухбек эрта тонгда, осмон юзи зангори, топ-тоза, бирон булут йўқ, туп-тиниқ, 1975 йил 22 ноябрь соат 8.00да туғилган), кечаги тонг, ажойиб нурли, оқ тонг, ҳаммамизга*



янги инсон тугилиши, янги умид ва орзуларнинг тугилиши бўлди. Тонгдай янги, тонгдай нурли бўлиб ўзимни беҳад бахтиёр ҳис қилганимни билсангиз эди.

Кеча куни бўйи уйда табрик қабул қилдик, севиндик, сизларнинг соғлигингиз, бахтингизни тиладик. Сизларни! Сизлар у ерда икки жон, икки азиз инсонлар – бизлар бу ерда сизларнинг шодлигингиздан шодмиз. Бизнинг оиламизнинг, сулоламизнинг янги аъзоси Сизнинг ёнингизда, қулундай ўғлимиз Сизнинг бағрингизда. У Сизнинг бағрингизни ўз иссиғлиги, меҳри ва садоқати билан юз йиллар иситсин. Бу иссиғлик менинг, Омоннинг ва Улуғбекнинг иссиғлиги ва ота-оналарингиз бахти.

Менга менинг ўғлим жуда ёқди, шундай кўзимда. Ҳамманинг менга ҳаваси келяпти. Яқинда ҳаммангиз кўрасиз, шодланасиз, дейман. Бизнинг Фаррухбекни эркалатиб кўйинг. Исми ҳаммага жуда маъқул. Ўзи ҳам эл севадиган йигит бўлиб вояга етсин илоҳим.

Шамоллашдан сақланингиз, яхши овқатланиб, тезроқ кучга киринг. Ўпиб, қучиб, аянгиз Зулфия. 23.11.1975 йил.”



*“Қадрли Риояхон!*

*Сизга янги бахтиёрлик, кўз рўшнолик му-  
борак бўлсин! Сиз ҳамиша тонги сахий келган  
аёллардансиз. Тонгда ҳамма нарса реал, тиниқ  
ва бошқа соатларга қараганда енгил кўчади.  
Мен сизни қийин, мушкул, қаҳрамонлик йўлига  
кузатар эканман, кўнглим жуда тўқ ва орзу-  
ларга тўла эди. Шундай, кўп дақиқалар ўтмай,  
яна бир ўғилли ёки қизли бўлганим ҳақида хуш-  
хабар келишига ишонардим.*

*Сизлар соғлом севги билан ҳаёт кечираёт-  
ган фарзандларсиз. Сизларга эндиликда ҳамма  
бахт-толеларингиз ёр бўлиб, бу азаматларнинг  
роҳатини кўриб яшашни тилайман. Ҳадемай  
бағримиз, қўлимиз, дилимиз, уйимиз тўлиб  
қолади.*

*Бу кунгача Сиз қувватга, кучга тўлишингиз  
учун, менинг кичик набирам илиги ҳозирдан  
тўлиб ҳаётга кириши учун тинч, хотиржам-  
ликда ором олиб ётишингиз ва кўнглингиз туса-  
ганини истеъмол қилишингиз лозим. Шод, хур-  
рамликда, маъсум табассумда тонгдай тўлиб  
қўлингизга олинг гўдагимизни.*

*Қандай инсонлар камол топар экан бу уч  
огайни ботирлардан! Инсофли, иқтидорли, му-  
саффо саховатли кишилар камол топсин.*

*Сизни суюб, ўтиб, эркалаб аянгиз*

*Зулфия.20.08.1977 йил.”*



Яна йиллар ўтади, Олимжоновлар сулоласининг янги насли – Зулфияхонимга эвара – Улугбекнинг кизи Комила тугилади. Шоиранинг кувончлари, набира келинга муҳаббати яна тандирдан ҳозиргина узилган нон каби қайноқ, жозибали, ширин, хушрўй бўлди:

*“Салом, менинг суюкли Зумрадим!*

*Салом, менинг азизим Улугбек!*

*Мен бу кунларда бениҳоя бахтиёрман: сизлар менга эвара – Комилани бунёд этиб бердингиз. Ўзингизнинг ўртангизда кеча-кундуз ёниб турадиган чироқ ёқиб олдингиз – бу бахтсаодат билан сизларни қутлайман ва чироқ ҳамиша дилларингизни равшан қилиб, узоқ умрли бўлсин, яхши толели бўлсин, деб тилак тилайман.*

*Зумуррад! Менинг она келин чечагим! Комила туфайли чеккан ҳамма табиий азият, азобларингиз учун сиздан миннатдормиз. Она бўлмоқ – мушкул бахт! Лекин беқиёс бахт ҳам. Бош фарзанд қиз бўлгани жуда яхши бўлди. У турмушдаги баланд-пастликларни зийраклик билан тез англайди, унинг табиатида, яралишида оналик бурчи бўлганлиги учун меҳрибон бўлади. Қиз – ҳаётимизнинг энг чақноқ тоғси.*

*Сизларнинг ҳолингиздан ҳамиша воқиф бўлиб турибман. Сиз иродали, сабр-тоқатли*



қизимсиз. Насиб қилса, тезда қизчангизни бағрингизга босиб уйга қайтасиз. Қутли хонадон аллақачон сизларни кутяпти, ҳаммамиз кутяпмиз.

Насиб этса, Комила сизга ва дадасига ўхшаган ақлли, гўзал, тўла толели бўлади. Бизлар унга дунёнинг тинчлигини, келажакни, фарзандлар яшайдиган катта хонадонни орзумидлари камол топадиган бежавотир қилиб сақлаймиз.

Ой ҳам, кун ҳам сизларга сероб нурларини сочиб турсин. Сизга ва Комилага меҳр ва муҳаббат билан, Зулфия. 12.08.1987”.

Зулфияхоним кўркам бўлиб вояга етаётган, илмга чанкок набираларнинг юз-кўзларида боболари Ҳамид Олимжон қиёфасига хос ёрқин чизгилар, чакноқлик, чиройни кўриб қанчалар қувонардилар, фахрланардилар! Энди уларнинг ўзлари ҳам Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним чехраларини эслатиб тургувчи ўғил, қизларга ота бўлганлар.

Қалам-ла мен тўқийман қўшиқ,  
У – инсонга, элга ҳурматим.  
Бурчим бекам адо этган йўқ,  
Қарзим узар икки фарзандим, –

дея Зулфияхоним ўзининг, наслининг авлодлар олдидаги бурчига садокатни ифодалаганди. Ўз



асли, миллати шону шавкатига муносиб бўлган сулоланинг янги-янги вакиллари ҳам икки улуғ шоирнинг орзуларини ҳаётий эътиқодга айлантириб яшамоқдалар, демокка ҳақлимиз.

### ОҲАНРАБО КАБИ...

*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳимахон Назарова* узоқ йиллар маданият, санъат соҳасида фаолият кўрсатди. Шу боис Зулфияхоним билан хизмат юзасидан мулоқотда бўлган эса-да, аслида, ўқувчилик йилларидан шоира шеърларининг мухлиси бўлган. Бахтли тақдир 1986 йилда уларни яна ҳам яқинлаштирди – Раҳимахонимнинг қизи Зумрадхон Зулфияхоним хонадонига неvara келин бўлди. Шу тўғрисида Раҳимахоним Зулфия опа ҳақида “Аяжон” деб гапирди, хотираларидаги ҳар бир сўздан ҳаяжон, меҳр, эҳтиром, соғинч, ҳайрат ёғилиб тургандек...

– Танишишимизга ҳам Зулфия опа ижодига жуда кизикишим сабаб бўлган: 1974 йилда шоиранинг 60 ёшлик юбилейлари Ўзбек филармонияси биносида нишонланадиган бўлди. Тантанага одамлар йигилган. Қанчадан-қанча мухлислар, меҳмонлар, мезбонлар, томошабин-



лар... Тадбир бошланиш арафасида мен у кишининг олдиларига бориб кўлимдаги китобларига: “Дастхат ёзиб беринг”, – деб туриб олганимга ҳалигача хижолат бўламан. Қарангки, раъйимни қайтармасдан ўша пайтнинг ўзида дастхат ёзиб берган эдилар. Ўзим билмаган ҳолда шоиранинг одамларга жуда эътиборли эканликларининг гувоҳи бўлганман.

Аслида шоирани ҳамиша энг яқин одамимдек қалбимда олиб юрганман, ҳалигача шундай. Адабиётга кизикаман, филология факультетида ўқиганман, эсимни таниганимдан буён суратлари, кўзлари, шеърлари дилимга кирган. Аяжоннинг моҳипора, фариштамонанд очик чехрасидан ҳамиша нур таралиб турарди. Қалб кўридан чикувчи иликлик, бетимсол самимият ўйчан кўзларида ҳам жилоланарди. Нигоҳидан хайрихоҳлик, мафтункор ишонч ва одамийлик шундоқкина уфуриб турарди.

Зулфия опанинг одамлар билан ҳар кунги мулоқотдаги улуғворлик ва меҳрибонлик фазилати ижодиётда масъулиятни чуқур ҳис этиши ва букилмас қатъияти билан ажиб уйғунлик касб этганди. Биргина мисол. Ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида таникли бошқирд адиби Мустай Каримнинг “Ой тутилган тунда” трагедиясини таржима қилдилар. Мен Республика



маданият вазирлигидаги хизматим тақозоси билан бу масалада боғланиб турдим. Асар шунчалар ўзбекона тажассум топдики, бунинг сабаби – таржимоннинг ички кечинмалари асар қахрамонларининг руҳига яқин эди. Спектакль Ўзбекистон Миллий театрида муваффақиятли сахналаштирилди. Томошабинларга жуда манзур бўлди. Шундан кейин Мустай Каримнинг яна бир “Оловни ташлама, Прометей” деган асарини худди шу театр учун таржима қилиб беришларини сўраб илтимос қилдик.

Аяжон пьесани ўқиб чиқиб, асардаги афсонавий ва фалсафий йўналиш ўзларининг ижодий услубига мос эмаслигини рўйирост айтиб кўя қолдилар ва уни таржима қилишга унамадилар. Лекин мушқулмизни осон қилиб, бизни хижолатдан чиқардилар. Ёзувчи Асқад Мухторга мурожаат қилишимизни маслаҳат бердилар.

Хислатлари кўп ва бетакрор, камтар, улуғ инсон эдилар. Ёшлигимдаям, кейинчалик пенсияга чиққанимдан сўнг ҳам, оилаларимиз қариндошлиқ ришталари билан боғлангандан кейин ҳам Аяжоннинг олдиларида ўзимни бир ўқувчидек ҳис қилардим. Камгап эдилар, фикрларини юз-кўзларидан ҳам англаш мумкин эди. Камтар бўлганликлари учун мактанишга вақтлари йўқ эди, доим фойдали, кўпчиликка нафи





тегадиган меҳнат билан банд эдилар. Худди олов ёнида турганинда тафтини сезганинг каби Зулфия опадан ҳам ҳарорат таралиб турарди, назаримда.

Оилавий яқин бўлганимиздан кейин яна ҳам ажойиб жиҳатларини кўрдим. Зулфия опа ҳеч кимнинг исмини тоқ айтмасдилар, менга ҳам Раҳимахоним деб мурожаат қилардилар. Қизимни, яъни набира келинларини Зумрад-жон ёки “келинчечагим” деб меҳр билан эркалатиб гапирардилар. Куёвимиз Улуғбек хизмат сафарига кетганда келинларига яна ҳам эътиборли, меҳрибон бўлиб қолардилар. Аяжоннинг қизим тўғрисида: “Ўткан кунлар” романидан чиққандек бундай одобли, ҳаёли қизни қандай тарбиялагансиз?” – деган миннатдорчиликлари мен учун ҳаётимдаги энг катта мукофотлардан бўлиб қолди.

Эвара кўрган кунлари шунақаям хурсанд бўлган эдилар! Биринчи бўлиб эрта тонгда менга кўнғирок қилдилар: “Бувижон, яхшимисиз? Менга ҳозир қизалоқ туғилгани ҳақида хабар беришди”, – деб табрикладилар. Янги меҳмон билан уйга келишганда ҳам эварани биринчи бўлиб қўлларига олганлар. Комила катта бўлгани сайин уни отаси Улуғбек, катта бобоси Ҳамид Олимжонга ўхшатиб қувонардилар.



“Хотирам синиклари” достонининг ёзилиш жараёнларидан хабардорман. Ўша кунларда Зулфия опа жуда хоргин, рухан кийин аҳволда бўлганларини кўп кўрганман, кечалари ухламаганлари шундоқ билиниб турарди. Столлари устида синган қаламлар, ручкалар, ёзиб чизиб ташланган, гижимланган қоғозлар, кўзлари маъюс... Шундай пайтларда олдиларида бир оз ўтирардим. Ундаям... бир гап айтганлар, менга эсдалик бўлиб қолган: “Раҳимахоним, сиз билан сукунат сақлашим менга жудаям далда беради”, – дердилар. Кўриб турардим ички изтиробларини, кечинмаларини, лекин шунчалар кенг камровли, шунчалик жиддий мавзудаги асар ёзаётганларини билганим йўқ эди. Достон битгандан сўнг уни ўқигач, олдиларига яна ҳам кўпроқ келмаганим, қўлимдан келганча ёрдам, далда бермаганим кейинчалик армон бўлиб қолди. Назаримда, достонни ёзиш жараёнида бошларидан ўтган ҳар бир тарихий воқеани, йилларни қайтадан юракдан ўтказиб, ўша йилларни яна бир қарра яшагандай бўлдилар. Бу достонни ёзишда анча соғлиқлариниям йўқотдилар. Дард билан, юракларини эзиб ёздиларда! Уни ўқигач, ҳайрон қолдим: саксон ёшни қоралаб бораётган Аяжондаги руҳий куч-қудратни, қалб кучини қаранг!



У киши оҳанрабо каби эдилар, ҳаммамиз атрофларига йиғилаверардик, саволларимизни бераверардик... Камгаплик билан жавоб берардилар. Шундай табассумлари бўларди, агар ўшандай кулиб қўйсалар, биз арзимаган майда нарса атрофида айланишаётганимизни тушунардик. Каттаю кичик, шоиру деҳқон, олиму ишчи – ҳаммага бир хил меҳрибон, яхшилик килиш ниятида бўлардилар.

Ҳаётдан кетганларидан кейин ҳам ҳар куни кераклар бизга. Оиладами, жамиятдами юз берган воқеаларга, масалаларга: “Аяжон нима дердилар? Шундай вазиятда қандай йўл тутган бўлардилар?” – деб ўзимизга савол берамиз ва у кишининг нуқтаи назаридан жавоб излаймиз.

Ҳаётда, фаолиятда меҳнати ва ижоди билан “Зулфияхоним кизлари”, “Зулфия издошлари” деган номга сазовор бўлиш жуда кўп кизларимиз учун орзу, шараф бўлиб қолди. Яна неча юз йиллар ўтса-да, ўйлайманки, бу ибратнинг сайқали, ҳозиржавоблиги йўқолмайди.

## АЙТСАММИ, АЙТМАСАМ?..

Ҳақиқий ўзбекнинг қони тама, бандасидан нималарнингдир илинжида бўлмоқ каби куйқалардан соф бўлади. Шунинг учун унинг



калбию комати тик, ҳар хил даврларда турланмайди, товланмайди... Тўкинликда ҳам, синовларда ҳам кафияти осойишта, чунки ёлғиз Яратганнинг марҳаматидангина умидвор яшайди.

Зулфияхоним фақат таклиф этилган, кутилган жойларгагина борардилар. Шунда ҳам ўзлари раҳбар бўлганликлари учун жамоанинг бошқа аъзоларини-да бу масалада тенг тутардилар: гарчи тадбирларга таклифномалар Зулфия опанинг номларига келган бўлса-да, кўпинча ўринбосарларини, ходимларни юборардилар.

Бирон-бир масалани ҳал этишда осон йўлни ахтарганларини ёки муаммо чикиб қолса: “Келинлар, фалончига телефон қилайлик” ёки “Бу ишни тез битириш учун фалончига учрашиш керак”, – деганларини эслолмайман. (Бундан фақат битта ҳолат, яъни одамларнинг соғлиғи билан боғлиқ масала мустасно эди.) Ҳамма ишлар ўз тартибда, конун-қоидага мувофиқ бўлишини талаб қилардилар, кимларнингдир ҳақ-хуқуқини чеклаш ёки босиб ўтиш эвазига шахсий манфаатга эришиш ҳақида гап бўлиши мумкинмасди. Айтайлик, ўша пайтларда Зулфия опанинг илтмослари билан шаҳар ҳокимлиги “Саодат” журнали ходимларидан бирига навбатдан ташқари уй-жой ажратиши... ёки устознинг битта кўнғироклари билан шо-



гирдларидан бирининг китоби тезда босилиб чиқиши мумкин бўлгандир. Аммо бунинг натижасида уй-жой учун навбатда турган қайси бир оила бошпанасиз қолиши ёки нашриёт режасида тасдиқланган қайси бир китобнинг босилиши орқага сурилиши тайин эди. Шунинг учун Зулфияxonим бунака “айланиб ўтиш” кўчаларидан йирок эдилар. Худди шу фазилатни фарзандларида ҳам кўп бор кузатганмиз.

Мана бу воқеа армондай хотирамда қолган...

1999 йили 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Юртбошимиз ташаббус-таклифлари билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти илк бора мамалакатимизнинг ўн тўртта иқтидорли қизларига тақдим этилди. Ўшанда мен Ўзбекистон миллий телерадиоканалида муҳаррир эдим. “Туркистон” саройида ўтказилган тантанали йиғилишни ва Зулфия номидаги Давлат мукофотининг тақдим маросимини тасвирга олиб, у асосида кўрсатув тайёрлаш ва эфирга узатиш менга топширилганди. Тадбир жуда чиройли ўтди. Топширилган вазифани бажардим, дастур “O‘zbekiston” телеканалли орқали намойиш этилди. Шундан сал фурсат ўтиб, Зулфия опанинг қизлари Хулқар опа ўша кўрсатувдан нусха кўчириб беришимни ил-



тимос қилдилар. Мен бу илтимосни бажариб, Хулкар опага бериш учун келишган жойимизга бордим. Амир Темур майдонига туташ салкин дарахтзорда гаплашиб ўтирдик. Шунда Хулкар опа:

– Мухтарама, бир ажойиб иш бўлди... – деб қолдилар. Мен ҳушёр тортдим. Опа давом этдилар: – Шу пайтгача ҳеч қачон тўй ёки бирор маросимга кийиб бориш учун атайлаб кийим олмаганман ёки тиктирмаганман. Шу сафар... ота-онамдан қолганлар орасида ёши улуг аёллардан мен билан келинимз Риояхон иккаламиз... Мен Зулфия номидаги Давлат мукофотини топширишга бизни ҳам таклиф қилишса керак, деб умримда биринчи марта алоҳида кўйлак тиктиргандим... Аммо бизга таклифнома келмади...

– Воҳ! – ўша лаҳзада ичимдаги ҳайронлик, хижолатлик, тушуниш ва таърифлаш кийин бўлган туйғулар шу сўз билан портлади. – Вой Хулкар опа, ахир... билганимда мен ўз таклифномамни берардим-ку!... – дебман.

– Йў-ўк, таклифнома олиш кийинмасди, – деб гапларида давом этдилар Хулкар опа. – Омонжонга айтсам, у юборарди. Лекин мен бизни расмий равишда таклиф этишади, деб ўйлагандим-да... – ҳар доимдагидек мулойим, ҳар доимдагидек ним табассум билан Зулфия



опа каби кўзлари тўла ўйчанликда қарадилар суҳбатдошим.

Эҳ-хе, кизимизнинг тўрт қатор машқ шеъри матбуотда эълон қилинса, кўтариб юриб таниш-билишларга мақтанамиз... ёки “Мен фалончининг боласиман. Отам (ёки онам) мана бундай ишларни қойиллатиб қўйган”, – деб идоралар эшигини тақиллатмай кириб, талабларини кўндаланг қўядиганлар қанча... Ҳали битта кўшиғи эл дилига йўл топмаган-у, бироқ катта саҳналарда концерт бермоқчи бўлган ёш “саъаткор”нинг яқинлари концерт залининг энг олдинги қаторларидан белгиланган жойларида чиройли бўлиб ўтириш учун кийим-кечак ҳозирлаган, сочлари турмаги ажабтовур бўлиши учун жонҳалак...

Ҳулқар опа ҳам, Омон ака ҳам бир умр қонуний ва инсоний ҳақ-ҳуқуқлар чегарасидан чиқмай яшадилар. Биргина юқорида келтирилган воқеанинг ўзи кўп хулосаларга далолат қилади. Демак, Ҳулқар опа – узок йиллар Ўзбекистон Миллий университети талабаларига ўзбек адабиётидан сабоқ берган филология фанлари номзоди ўзлари учун ва келинлари – бутун фаолиятини халқ саломатлигига бағишлаган тиббиёт фанлари номзоди Риояхон Олимжоннова учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти



такдимотига таклифнома келишига ҳеч шубҳа қилишмаган (зеро, бошқача бўлиши мумкинми?..). Ўша пайтда Республика Олий Мажлисида масъул лавозимда ишлаб турган Омон ака Олимжонов ҳам худди шундай фикрда бўлган бўлсалар керак, акс ҳолда бу масалада аввалдан қизиқиб опалари ва рафиқаларига таклифнома олиб берармидилар... Яна билмадим.

Хулқар опа фақат менга ишониб айтган бу воқеа ҳақида ёзсамми, ёзмасамми, деб узок ўйладим. Чунки опа буни кимгадир айтишим учун ёки кимлардандир хафа бўлиб гапирганлари йўқ. Одатларича, ўйчан жилмайиб қўйгандилар, холос. Биз ҳам бу воқеани ёзиш билан кимларнидир айблаш ёки хато излаш ниятида эмасмиз. Балки таклифномалар ёзилгандир, кимнингдир озгина эътиборсизлиги ёки бошқа сабаб билан эгаларига етмаган бўлиши мумкин. Кимларгадир яхши маънода ибрат бўлар – шу ниятда юқоридаги воқеани баён этишга қарор қилдим.

Миллатнинг энг иқтидорли, ноёб истеъдодли кизлари Зулфияхоним издошлари аталиб, Зулфияхоним номи, шаъни уларни мукофотлашга муносиб топилгани устознинг зурриётлари учун қанчалар қувончли, фахр этишга арзийдиган тарихий воқеа бўлмасин, улар ўз иззатларини сақладилар.





Яна ёдимда қолгани: Хулқар опа бу ҳақда сўзлаяптилар-у, сўзларида ва гап оҳанглирида қандайдир андиша. Ҳалигача шундай. Ҳар йили 1 март куни пойтахтимиздаги Зулфияхоним ҳайкали ўрнатилган хиёбонда устозни хотирлаб йиғин ўтказилиши анъанага айланиб қолди. Эрта тонгда Ҳамид Олимжон ва Зулфияхонимнинг абадий хобгоҳларини зиёрат қилган оила аъзолари гуллар билан бу хиёбонга келадилар. Энг ёши улугларидан тортиб ҳали йўлга қирмаган ғўдақларигача. Устоз муҳаббатлари яқинлаштирган, кадрдонлаштирганлар дийдорлашадилар, Зулфияхонимни эслаб ва соғиниб кўзларга ёш қалқайди. Хиёбон лаҳзалар сайин гавжумлашиб боради, Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда” шеъри билан айтиладиган баҳордай майин ва сўлим кўшиқ янграйди, кейин сокин ва улуғвор нафас қалбинга қуйила бошлайди – Зулфияхонимнинг ўзларидан ёзиб олинган шеърлар борлиққа қуйилади. Бу воқеалар асносида ташкилотчилар югуриб-елиб микрофон ўрнатадилар, кимлардир минбарга таклиф этилишидан умидворлик илинжида юрганини сезиш қийин эмас. Сипо кийимларда келган Зулфияхонимнинг қизи, келини, набиралари, жиянларининг юз-кўзларида севиқли шоирага эҳтиром билан гуллар кўтариб келган



ёшу кексаларга эҳтиром, миннатдорчилик... Ташкилотчилар Зулфия опанинг фарзандларини давра тўрига таклиф этишганда, аллақачон минбарда тизилганлар каторига ийманиб, шошилмасдан Хулкар опа кўшиладилар...

Бугунги куннинг айрим ёшлари учун бундай хислат моҳиятини тушуниш кийиндир, балки. Лекин азал-азалдан фарзандларини кимларгадир, нималаргадир “суяниб”, “тиргалиб”, “орка килиб” яшамайдиган, ўз хаёт кемасини турмуш долғаларида ўзи мастакил бошқариб каддини тиклайдиган шахслар килиб улғайтирган оналар ва уларнинг зурриётлари жамиятни поклайди, тараккий эттиради, миллату Ватанини улуғлайди.

## ХОТИМА ЎРНИДА

1944 йили Ҳамид Олимжон вафот этганда, Тошкентнинг Санъат музейи ёнидаги марказий хиёбонлардан бирига дафн этилганди. Зулфия-хоним шодлигида, кайгу дамларида шу ерга бориб, шоир билан хаёлан дилдош бўлди. Оила аъзолари билан доим унинг қабрини зиёрат килдилар.

*Согинганда излаб бир нишон,  
Қабринг томон олар эдим йўл.*



*Келтирардинг менга бир замон,  
Энди ҳар чоғ мен элтаман гул...*

Зулфияхоним фарзанди Омон Олимжоновга бир гапни жуда кўп такрорлаган эканлар, яъни фоний дунёдан боқий дунёга ўтганларида, қабрлари Ҳамид Олимжон билан ёнма-ён бўлишини васият қилганлар.

Гоят мунаввар умрни яшаб ўтган шоиранинг юраги... ором ва бу оламдаги барча эзгу ниятлари, ишлари ажру савоблар бўлиб қайтгувчи оламга – жаннатларга равона бўлганлари рост бўлсин! Ўша куни устознинг мангу хобгоҳлари “Чиғатой” қабристонида жой олди. 2000 йилда эса Ҳамид Олимжоннинг хоки ҳам мана шу ерга – рафикасининг ёнига кўчирилди. Қуйидаги сатрлар икки жисм хобгоҳи узра битилди:

*Ўлгач, ёнгинангда қолсам бир умр,  
Ўттиз ёш, соч ёйиқ, кўзларим гирён...  
Жуфт кўрса зурриёт, булут, шеърхон, нур,  
Қадам етганича кетсак икковлон...*

Ёзувчи, адабиётшунос, давлат арбоби Сарвар Азимовнинг “Ҳамид Олимжон абадияти” монографиясида шундай хотира бор: “1936 йиллар бўлса керак, республикада Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида қизғин мунозаралар бошланди. Ўша пайтда Навоийни



“сўфизм дохийси” деб коралашга уринганлар ҳам оз эмасди. Икки кун давом этган мажлисларнинг бирида ёш шоир Ҳамид Олимжонга сўз берилади. У Навоий дунёкараши ҳақида нима билиши мумкин, деган савол кўпчиликни кизиктирарди.

Минбарга кўтарилган оқ мағиз, озғин, қиличдай йигит – Ҳамид Олимжон кенг пешонасини силаб бирпас хаёлланиб турди-да, сўнгра ўзининг ширадор, нотикона овозини баралла қўйиб, ёддан Фарҳод билан Хисрав ўртасида кечган диалогни ўқий кетди:

*Деди: Қайдин сен эй, мажнуну гумроҳ?*

*Деди: Мажнун ватандин қайда огоҳ?*

*Деди: Недур сенга оламда пеша?*

*Деди: Ишқ ичра мажнунлиқ ҳамеша.*

*Деди: Бу ишдин ўлмас касб рўзи,*

*Деди: Касб ўлса басдур ишқ сўзи.*

*Дедиким: Ишқ ўтидин не фасона?*

*Деди: Куймай киши топмас нишона.*

*Дедиким: Куймакингни айла маълум?*

*Деди: Андин эрур жоҳ аҳли маҳрум.*

*Деди: Қай чоғдин ўлдинг ишқ аро маст?*

*Деди: Рух эрмас эрди танга пайваст.*

*Деди: Бу ишқни инкор қилгил?*

*Деди: Бу сўздин истигфор қилгил!*



Деди: Ошиққа не иш кўп қилур зўр?

Деди: Фурқат кун ишқи балошўр.

Деди: Ишқ аҳлининг недур ҳаёти?

Деди: Васл ичра жонон илтифоти.

Дедиким: Дилбарингнинг де сифотин?

Деди: Тил гайратидин тутмон отин!

Дедиким: Ишқига кўнглунг ўрундур?

Деди: Кўнглумда жондек ёшурундур.

Деди: Васлига борсен орзуманд?

Деди: Бормен хаёли бирла хурсанд.

Деди: Нўши лабидин топқай эл баҳр?

Деди: Ул нўшдин эл қисмидур заҳр.

Деди: Жонингни олса лаъли ёди?

Дедиким: Ушбудур жоним муроди.

Деди: Кўксингни гар чок этса бебок?!

Деди: Кўнглум тутай ҳам айла деб чок!

Деди: Кўнглунг фидо қилса жафоси?

Деди: Жонимни ҳам айлай фидоси.

Дедиким: Ишқдин йўқ жуз зиён буд,

Деди: Бу келди савдо аҳлига суд.

Деди: Бу ишқ тарки яхшироқдур!

Деди: Бу шева ошиқдин йироқдур!

Деди: Ол гажси, қўй меҳрин ниҳоний,

Деди: Туфроққа бермон кимёни!



*Деди: Жонингга ҳижрон кинакашдур,  
Деди: Чун бор васл уммиди хушдур.*

*Дедиким: Шаҳга бўлма ширкат андеи!  
Деди: Ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!*

*Деди: Жонингга бу ишдин алам бор.  
Деди: Ишқ ичра жондин кимга гам бор!*

*Деди: Кишвар берай, кеч бу ҳавасдин!  
Деди: Бечора, кеч бу мултамасдин!*

*Деди: Ишқ ичра қатлинг ҳукм эткум!  
Деди: Ишқида мақсудимга еткум.*

*Деди: Бу ишда йўқ сендин йироқ қатл,  
Деди: Бу сўзларингдин яхшироқ қатл.*

Биз ушбу китоб хотимасига асос учун юкоридаги воқеа ва унинг моҳиятида ётган маънолардан ортиқроқ сўз топмадик.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий асарлари, жумладан, “Фарҳод ва Ширин” достони беш асрдан ортиқ муддатки, ҳаётсеварлар ва адабиётсеварлар калбини макон тутиб келади. Шоҳ Хисрав билан ошиқ Фарҳод ўртасидаги мулоқот эса Навоий ижоди уммонидаги бебаҳо дурга киёс. Бу мухтасар сатрларда жам бўлган Фарҳоднинг иқрорлари – мутафаккир шоирнинг дунёвий муҳаббат борасидаги эътиқодининг сўздаги ифодаларики, шундай севги насиб этишини орзу қилмаганлар камдан-кам топилади. Аммо орзу



бошқа... муҳаббатнинг гоҳ сарой, гоҳ вайрона, гоҳ висолу гоҳ хижронларда кечадиган синовларидан китобий қаҳрамонлар каби мардона ўтиш насиб этганларни санасак... улар жудаям кам.

Зулфияхонимнинг ҲАЁТИ муҳаббат бобида бу икки шоирнинг қалби бири-бирини акс эттирган ажойиб кўзгу эканлигининг исботи эмасмикин? Зеро, Зулфияхоним шахсини, тақдирини, маънавий оламини, ижодини бир умрга нурлантириб турган илоҳий мўъжиза Ҳамид Олимжоннинг унга муҳаббатини Зулфиянинг Ҳамид Олимжонга севгиси эмасми?

*Айтиб бер-чи, шунча севганлар  
Бўлганмикан менча бахтиёр? –*

деб ёзганди Ҳамид Олимжон 1936 йилда. Бу шоирнинг илҳоми жўшиб-тошганда коғозга тушган шоирона сатрлар эмас, балки муаллиф қалб туйғулари, севги оламидаги борлигининг сўзлар имкониятига жо бўлган ифодасигина эканлигига шубҳа йўқ. Зулфияхоним ҳам бир умр – ёр билан ҳамнафас ўтган йилларда ҳам, ярим асрдан кўпроқ кечган хижрон йилларида ҳам ягона муҳаббатнинг бахтиёр маликаси бўлиб қолди.

Зулфияхоним Ҳамид Олимжонга бўлган муҳаббатини “бир умр касб этди”, бу ишқда ку-



йиб “нишона топди”, “тил ғайрати билан” севгисини ҳар кимга дастурхон этмади, ёр хаёлини “кўнглига жондек яшириб”, “хаёли билан хурсанд” яшади, “туфрокни кимёга бермай”, “унга жонини фидо этди...”

Яна такрор айтамиз, Зулфияхонимнинг “Рухлари у ёқларга шод учгани” рост бўлсин, икки гўзал сиймонинг “рухлари танга пайваст эрмас”лик пайтидан Парвардигори олам туташтирган қалблар Чин дунёда ёруғ дийдорлар билан топишувлари насиб этсин.

### СЎНГСЎЗДАН КЕЙИН...

Йигирма йил давомида Зулфия опаға жуда кўпчилик қаторида яқин, ҳамкор, ҳамроҳ бўлган пайтларимда кузатган, эшитганларимни опанинг вафотларидан кейин қарийб ўн беш йил кўнгил кўзгусида қайта-қайта кузатганларимдан кейин қоғозга тўкилган эътирофларим билан танишдингиз, азиз ўқувчи! Китобга нукта қўйдим-у, “Ҳар бир сўзимиз учун икки дунёда ҳам масъулмиз, жавоб беришимиз – ҳақ. Шунча қоғозни қоралаб, яна буни одамларга тақдим этишим нечоғлиқ ўринли? Ёзганларим юзимга ёруглик, қалбимга хотиржамлик





келтирадимми? Эл суйган инсонга ўзимни яқин кўрсатиш мақсадида Парвардигори оламнинг ўзи гувоҳ бўлган воқеа, ҳодиса, таъриф у тавсифларни орттириб ёки камайтириб юбормадимми? Тилимнинг, дилимнинг овози, эътирофи бир хилми, вазиятларга қараб турланмадимми?” – деган саволлар гирдобидаман. Ҳар биримизнинг ўз дунёқарашимиз, эътиқодимиз, савиямиз ўзига хослигидан келиб чиқсак, китобхон саҳифалардаги тасвир, эътироф, хулосаларимни тушуниб қабул қилишларидан умидворман. Вазиятларга қараб турланмаганим учун ўз қалбимга миннатдор қараб турибман, иншоаллоҳ, аввалу охир шундоқ бўлишини насиб этсин.

...Қай бир спортчи қай бир тоғ чўққисини забт этгани учун, яна бир саёҳатчи дунёнинг мўъжизакор жойларини кўргани ёки кашф этгани учун фахрланиб юради. Тақдири азал бизга маънавий поклиги ва юксаклиги, соф меҳрмуҳаббати, эзгуликларга садоқати, сабру иродаси билан элга суюкли, таникли, ардокли бўлган Зулфияхонимга замондошликни насиб этди. Бундан шукронаю фахримни яширмайман. Қодир Аллоҳ ўзбекнинг Зулфиясини, барчамизни икки дунёда ҳам азизу мартабаси юксак этган бандалари қаторида этсин.

## МУНДАРИЖА

Муҳаббат ва ҳаёт куйчиси.....	6
Муҳаббат саройида мангу колганлар .....	14
Ҳамид Олимжоннинг адабиётга кириб келиши .....	18
Зулфиянинг илк устозлари .....	21
Муаззам Шарк намоёндинр... ..	26
“Сўз порласин мисоли гулхан”.....	31
“Инсон қачон кетган ердан узилиб?” .....	36
Шеърят – қалб сурати .....	43
“Барчасини берай кизларга” .....	45
Ўзим Маргилонда, кўнглим Тошканда эди .....	48
Тил ва дил бирлиги .....	53
“Дил соғ. Балки уни сақлади тилак?” .....	60
Баҳордай саховатли эди .....	71
Элнинг ўқтам куйчиси .....	79
“Ҳаёт китобини варақлаб...”.....	103
“Буюк Ҳиндистонни яёв кезаман” .....	110
Умр шомидаги қутлуг тонг .....	115
Сендан қарзим кўп, сўз! (Эссе) .....	124
Она ўзбек тилимизда.....	132
Кунлардан бир куни.....	137
Ҳамид Ғулом хотираларидан .....	142
Бир мактуб тарихи.....	145
“Аёллик фазилатлари, латофатларини йўқотмадилар” .....	147
Эътироф.....	156
Ҳамон соғинамиз.....	161
Юзларида нур бор эди.....	165
Умрнинг дилга муҳрланган саҳифалари .....	171
“Муҳаббат ул ўзи эски нарса...” .....	174

Илк учрашув. Юлдузлар тўқнашуви .....	175
Севги иқрорлари .....	178
Тўй .....	181
Палак .....	184
Ҳаёт – синов .....	187
Машъум фожиадан икки кун олдин .....	189
Нахот... ..	190
Ишк қўшиғи ёзилган.....	192
Ҳам келин, ҳам ўғил ўрнида .....	197
“Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим” .....	200
Икки ирмоқ бир ўзанда оқди .....	207
“Қарзим узар икки фарзандим” .....	209
Оҳанрабо каби.....	218
Айтсамми, айтмасам?.....	223
Хотима ўрнида .....	230
Сўнгсўздан кейин.....	236

**МУҲТАРАМА УЛУҒОВА**

## **БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ**

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2015

Мухаррир *Нигора Ўролова*  
Бадий муҳаррир *Умид Сулаймонов*  
Техник муҳаррир *Бекзод Каримов*  
Саҳифаловчи *Асал Нисанбаева*  
Мусаххихлар: *Маъмура Зиямуҳамедова,*  
*Шарофат Хуррамова*

**Нашр лицензияси: А1 № 201 28.08.2011.**

Теришга берилди 9.12.2014.  
Босишга рухсат этилди 22.01.2015. Бичими 70x90 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
«Times New Roman» гарнитураси. Шартли босма  
табоғи 8,7. Нашриёт-хисоб табоғи 6,8. Адади 2000 нусха.  
Буюртма № 3728. Баҳоси шартнома асосида.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**